



ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ МАСАЛАЛАРИ





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА
АДАБИЁТИ МАСАЛАЛАРИ

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний
номидаги Давлат мукофоти соҳиби, филология фанлари
доктори, профессор ИСМАТУЛЛА АБДУЛЛАЕВ
хотирасига бағишланган
илмий мақолалар тўплами*

Ушбу илмий тўплами Наманган давлат унивеситети фан – техника кенгашининг 2009 йил 27 апрелдаги 4-мажлисида нашрга тавсия этилган.

Мазкур тўпламга Республикамизнинг бир неча етакчи филолог олимлари, Наманган давлат университети профессор–ўқитувчилари ҳамда тадқиқотчиларининг адабиётшунослик, тилшунослик ва методикага оид мақолалари киритилган.

Мусъул муҳаррир: Носиржон УЛУҚОВ, НамДУ доценти

Муҳаррирлар: Фаридахон КАРИМОВА, НамДУ доценти

Мўминжон СУЛАЙМОНОВ, НамДУ доценти

Таҳрир ҳайъати: Йўлдошали РАҲИМОВ, НамДУ ректори

Муродхон ҚОДИРХОНОВ, НамДУ илмий ишлар ва АТ проректори

Хуринисо УСМОНОВА, НамДУ доценти

Қодиржон НОСИРОВ, НамДУ доценти

Фарид ГАБДУЛХАКОВ, НамДУ доценти

Махбубахон СОБИРОВА, НамДУ доценти

Тақризчилар:

Абдушукур СОБИРОВ, НамДУ бошланғич таълим методикаси кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент

Абдулхамид ҚУРБОНОВ, ўзбек тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси



УСТОЗ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН УМР

*Маҳбубахон СОБИРОВА,
доцент (НамДУ)*

“Авесто”да эзгу ўй, эзгу сўз ва эзгу амал ҳақида айтилади. Инсон комилликка эришмоқ учун, энг аввало, эзгу ўй-фикрга эга бўлмоғи керак. Ўз навбатида эзгу фикрли кишининг ёзган сўзлари ҳам самимий, гўзал бўлади, амалий ишлари эзгуликка хизмат қилади. Эзгу фикрлай олган, самимий сўзлар битган, амалий ишлари билан кўплаб кўнгилларни шодлантирган, ҳаваслантирган ажойиб инсон ҳақида ёзиш одатда кишига катта масъулият юклайди. Аввало, эл эъзозлаган инсоннинг ҳамма яхши фазилатларини кўнгилдагидек очиб бера оламанми, деган ҳадик пайдо бўлади. Қолаверса, кўпчиликка маълум бўлган жиҳатларни такрорламасликка, бошқа ўзларига хос қирраларни кўрсатишга интилиш пайдо бўлади.

Кенг илмий салоҳият эгаси, икки тил соҳиби ҳожи Исмадулла Абдуллаев ўта синчков, илмда ўз сўзларини айтишга интилган, тиниб-тинчимас, энг муҳими, икки тилдаги – араб ва туркий тилдаги қўлёзмаларни эринмай ўқиб ўргана оладиган инсон эдилар. У киши ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, одамижонлиги, кичик кўнгиллиги билан ажралиб турарди. Тинмай ўқирдилар, ёзардилар, изланардилар. Фанга бирор бир янгилик қилишга интилардилар. Ўзларидан бирор бир ёрқин из қолдиришга ҳаракат қилардилар.

Тақдир тақозосига кўра устоз Исмадулла Абдуллаев билан битта олий ўқув юртида, битта кафедрада бирга ишлаш насиб этдики, натижада у киши билан тез-тез юзлашадиган бўлдик. 1990 - йилларда устознинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтидан она юртлари – Наманганга келишларини биз – ёш шогирдлар эшитиб, ниҳоятда хурсанд бўлдик. Шу йиллардан бошлаб, назаримда, илмий муҳит домла сабаб яна ривожлана бошлади.

Устознинг ғайратига, ишлаш ва талқин қилишларига доимо ҳавас қилганман. У кишининг билим доиралари нечоғлик кенг бўлса, тадқиқотлари ҳам шунчалик хилма-хилдир. Устознинг ўзбек мумтоз адабиёти ҳам узоқ асрлик араб адабиётини теппа-тенг

билишларига, қадимий қўлёзма манбаларни ўқий олишларига хавас қилардим.

Домламининг мақолалари, матбуотдаги чиқишлари, айниқса, вилоятнинг отахон газетаси “Наманган ҳақиқати”да берган фикрлари кўпчилик томонидан қизиқиб мутолаа этиларди. Газета қўлма-қўл бўлиб кетарди. Негаки у киши нима ёзсалар, долзарб мавзуни топа олардилар. Мавзуни пухта ўрганиб, моҳиятига етиб ёзардилар. Уларнинг фикр-мулоҳазалари фақат илм чегарасида тўхтаб қолмаганди. Ҳикматга, маърифатга, тўғри хулоса чиқаришга йўл очарди. Наманган шаҳримиздаги урф-одатлар, дабдабали тўйлар дейсизми, қайнона-келин муносабатларими, ёшларнинг кийиниш маданиятию, илмга боғлиқ янгиликлар дейсизми, энг муҳим, энг долзарб мавзудаги мақолалари билан маънавиятимиз илдизи ва асосларини янгидан мушоҳада айлашга ўзига хос бир йўл очдилар десам муболаға бўлмайди. Керак бўлганда, ўз фикрларини теран, назарий билим, мантиқ кучи билан исботлай олардилар. Бошқалар ҳали хануз хадиксираб турган бир пайтда у киши журъатли, жасоратли ижодкор сифатида майдонга чиқдилар. Ўзларининг оташин сатрлари билан вилоят аҳлини нурли келажак сари дадил ҳаракат қилишга даъват этдилар. Устоз тайёрлаган ҳар бир мақола хилма-хил, ранг-баранг. Фаолияти талқин қилинаётган шахснинг ўзига хос томонларини маҳорат билан оча олардилар. Ибратли жиҳатларидан намуна олишга ундардилар.

Устоз илмли, маърифатли киши бўлгани учун шундай одамларга доим талпиниб яшадилар. Ўз олдларига қўйган мақсад сари тинимсиз интилдилар. Ҳар қандай нарсанинг, ҳодисанинг яхши томонларини тезда илғай олдилар. Бу ҳам оқ кўнгилликдан нишона бўлса ажабмас. У киши ўзларидаги яхши кайфиятни ҳар қандай вазиятда ҳам атрофдагиларга юқтира олдилар. Устозимиз ниҳоятда соддадил инсон ҳам эдилар. Атрофдагилар - оддий техник ходимми ёки катта давраларни кўрган фан доктори, профессорми ҳаммасига бирдай сокин, самимий муносабатда бўлиб келдилар. Ҳамкасблари ўртасидаги ҳамкорликни, дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга ҳар доим, ҳар қандай вазиятда ҳаракат қилдилар. Тенгдош дўстларининг, укалари қатори ижодкорларнинг, фарзандлари тенги биз ҳамкасбларининг ютуқларидан қувондилар. Улар ҳақида ёзишга, муваффақиятларидан матбуот орқали барчани огоҳ этишга уриндилар. Устоз илмда осон ва қулай йўлни танламадилар. У киши қўлёзмаларни асл матнда ўқишдан,

Ўрганишдан зерикмадилар. Ана шу меҳнатсеварликлари туфайли Шарқ халқлари маданиятини пухта ўргандилар. Ўзбек мумтоз адабиёти ва Ислоом тарихи тадқиқотига бағишланган 400 дан зиёд илмий-оммабоп мақолалар муаллифи Исматулла Абдуллаевнинг Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Абу Бакр ал-Хоразмий, ал-Матроний, ал-Мусвабий, Абдул Фатх Бустий, Абу Мансур ас-Саолибий каби олим ва шоирлар ҳақидаги асар ва мақолалари маънавий юксалишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Унинг замондошларимиз ҳақидаги юзлаб очерк ва эсселари, ашлокий-маърифий мавзулардаги публицистик мақолалари халқимизнинг маънавий мулкига айланди.

Исматулла Абдуллаев тасаввуфнинг йирик намояндаси Баҳоуддин Нақшбанд, буюк юртдошимиз Бобораҳим Машраб, шоир Хилватийнинг илмий-ижодий меросини ўрганиш борасида йирик тадқиқотлар олиб бордилар ва бу борада ўзларининг кўплаб китоб ва илмий мақолаларини эълон қилдилар.

Бу инсонинг қалбида зарра бир ғайирлик, ўзини баланд олиш, такаббурлик йўқ эди. Ҳаётда ҳам, илмда ҳам самимий эдилар. Ҳар гал кўришганда ё бирор бир манба, ё ўзлари ёзган мақола, китоб ёки касбдошларимизнинг илмий муваффақиятлари ҳақида қувониб гапирардилар. Умрларининг охиригача кўтаринки кайфият, шавқ-завқ устозни тарк этмади. Устозни кўриб менинг ҳам қалбим завққа тўларди, ишлагим, ёзгим келаверарди.

Ҳаётда шундай инсонлар бўладикки, улар ўзларининг бор маҳоратларини одамларга кўрсатишга, атрофдагиларга яхшилик қилишга сарфлайдилар. Ҳожи отамиз шундай кишилар сирасидан эдилар.

Эсимда. 1994 йил 1 ноябрь куни. Илмий ишимни ҳимоя қиладиган кун. Устоз мени кўпам танимайдилар. “Шу илм толиби Намангандан Тошкентга келибди. У ҳақда, изланишлари ҳақида фикрларимни айтай”, деб ҳаво қаттиқ совуқ бўлишига, уйларига кетишлари зарурлигига қарамай, Тошкентда, ихтисослаштирилган илмий кенгашда жамоатчиликка мен ҳақда шундай кўп фазилатларни айтдиларки, ростки, жуда хижолат бўлдим. Устознинг самимий сўзлари шундай фазилатлар эгаси бўлишга чорлов сифатида менинг онгимда ўрнашди.

Ўзим гувоҳи бўлган яна бир-икки воқеа. 70-80 йиллик юбилейларни ҳамкасблар, дўстлар, қариндош-уруғлар даврасида нишонлаш урфга кирган паллада устозимиз худди шундай

юбилейларида ҳамкасблар, дўстлар, қариндош-уруғлар қаторига катта олийгоҳнинг – университетнинг барча талабаларини ҳам таклиф қилиб, уларга ҳам 70 йиллик, 80 йиллик юбилейларида катта қозонларда ош дамлатиб, бир неча бор эҳсон қилган эдилар. Талабалар турар жойига бориб қолсалар, уларнинг ҳаётий эҳтиёжи учун зарур нарсаларга – нон, чой, ҳатто куйган лампочкалари учун ҳам нафақа пулларидан берар эдилар. Ночорроқ талабаларга берган пулларидан воз ҳам кечиб қўя қолардилар. Ёки ўзларининг бир умр тўплаган китобларини университет кутубхонасига совга қилганлари ҳам ибратлидир.

Устоз Исматулла Абдуллаев ҳаёти ва ижоди ёшлар учун ҳикмат ва ибрат мактаби бўлиб қолади. Бу мактабга эргашмоқ, ундан ўрганмоқ ёшларимизни фақат илму маърифат томонга етаклайди.

Бугунги ёшлар ўз касбининг моҳир устаси бўлиш билан бирга, миллий ва умуминсоний кадриятлар, юксак ахлоқ, одоб, тамиз, сиполик ва хушмуомалилик каби фазилатларга эга комил инсон бўлиш зарурлигини Исматулла Абдуллаев мисолида ўргансалар арзийди.

Эл ардоқлаган устозлар билан бевосита мулоқотда бўлиш, уларнинг илм-фан сарчашмаларидан баҳра олиш, эзгу инсоний фазилатлардан ўрнак олиш киши қалбига лаззат ва руҳига кувват бағишлайди. Халқимизда илм фидойилари бўлган кишиларнинг қалбини дурдоналарга тўла уммонга қиёс қилишади. Узоқ йиллар давомида олиб борилган сермашаққат меҳнат эвазига олинган бебаҳо бойлик бўлган билим ва тафакқурни асраб-авайлаб, уни халқ хазинасига қўшиб, оммага етказа бера олган ва ундан келгуси авлодларни баҳраманд қила олган ижодкор инсонгина эл-юртда доимо эъзозланади.

Инсон умрини оқар дарёга қиёслашади. Дарҳақиқат, у ўз бағрига кунларни, ойларни, йилларни, у билан боғлиқ воқеаларни олиб манзил сари ошиқади. Дилда эса ўша йиллар билан боғлиқ бўлган хотиралар шукуҳи қолади. Инсон умрининг энг ёрқин паллалари акс эттирилган хотиралар, мақолалар кейинги авлодни шулардай бўлишга, ўрнак олишга чорлайди. Тарғиботчи олимнинг матбуот саҳифаларида ёритилган мақолаларида инсонларга бўлган улкан муҳаббат сезилиб туради. Турли мавзулардаги теран фикрларга бой, ҳатто сарлавҳалари ҳам бир-бирини такрорламаган

мақолалари нафақат вилоят, шу билан бирга, Ўзбекистон микёсида тарқалди.

Машхур олим, пири устоз, мураббий домла, мохир мақоланавис ҳожи Исматулла Абдуллаевни ёд этиш учун қўлга қалам тутиб, шу хулосага келдимки, устоз аслида бир авлиёсифат одам бўлган эканлар. Ҳалол-покиза, меҳнат-машаққат чекиб яшашлик, ҳақгўйлик, меҳрибонлик, ўта камсуқумлик ва камтаринлик каби фазилатларни ўзларида мужассамлантириб яшаган Устознинг оқил сўзлари, панд-насихатлари, яшаш тарзлари биз, ёшлар учун ибрат бўлиб қолади.

ИСМАТУЛЛА АБДУЛЛАЕВ – ТАЗКИРАШУНОС

*Мўминжон СУЛАЙМОНОВ,
доцент (НамДУ)*

Исматулла Абдуллаев ярим асрдан ортиқ илмий фаолияти давомида заҳматқаш манбашунос ва матншунос олим сифатида нафақат ватанимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам маълум ва машхур бўлди.

Атоқли олим илм оламига илк қадам қўйган даврида ўз олдига сермашаққат соҳа, яъни манбашуносликда тадқиқот олиб боришни асосий мақсад қилиб олди. Араб имлосида битилган қадимги қўлёзма ва тошбосма манбаларни ўқиш ва маъносини чақиш тадқиқотчидан жуда катта меҳнат, сабр-тоқат ҳамда зукколикни талаб қилади. Аммо ёш олим Исматулла Абдуллаев бу қийинчиликлардан заррача чўчимай, илм оламига шўнғиб кетди.

Дастлаб машхур сайёҳ, тарихчи, шоир ва адабиётшунос Абу Мансур ас-Саолибийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини тадқиқ этишга киришди. Араб тилидаги манбаларни синчиклаб ўрганиш натижасида ас-Саолибий ҳаёти ва фаолиятига доир қизиқарли маълумотларни аниқлади. Бирин-кетин ўзбек ва рус тилларида мақолалари чоп этила бошлади. Маълум бўлдики, Саолибий 100 дан ортиқ номда асар ёзган экан. Исматулла Абдуллаев Саолибийнинг «Ятимад ад-дахр фи маҳосин аҳл ал-аср» (Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси) номли тазкирасини ўрганишга киришди. Бу асарнинг тўртинчи қисмида Хуросон ва Моваруннаҳрда яшаб ижод қилган 124 та шоир ҳақида маълумотлар бор эди. Ушбу шоирлардан 47 таси бухоролик ижодкорлар эканлиги диққатга сазовордир. Асли бухоролик

бўлсалар-да, замонасининг анъанасига мувофиқ араб тилида ижод қилган шоирлар шеърий мероси ҳақидаги маълумотларни ўрганиш натижасида чиқарилган хулосалар мақола ва маърузалар шаклида илм аҳлига маълум қилинди.

Исматулла Абдуллаев тадқиқот ишларини таржимонлик билан бирга олиб борди. Натижада Саолибийнинг «Ятимад ад-дахр» тазкирасининг тўртинчи қисми 1976 йилда ўзбек тилида нашр этилди (1).

Илмий изланишларининг натижалари ўлароқ, аввал номзодлик, кейинчалик докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди. Исматулла Абдуллаев 1984 йилда Саолибий адабий мероси бўйича олиб борган тадқиқотларини умумлаштириб, рус тилида «Ўрта Осиё ва Хуросонда X аср – XI аср бошларидаги араб тилидаги шеърят» номи билан «Фан» нашриётида нашр эттирди (2).

Ас-Саолибийнинг «Китоб латоиф ал-маориф» (Ажойиб маълумотлар ҳақида китоб) асарида дунёнинг номдор шаҳарлари, машҳур ҳукмдорлари тўғрисидаги қимматли маълумотлар билан бирга, айрим шоирлар ижоди тўғрисида ҳам баҳс юритилган. Ана шу жиҳатларини ҳисобга олган Исматулла Абдуллаев бу қимматли китобини арабчадан ўзбек тилига таржима қилди. Бу китоб 1987 йил «Фан» нашриётида (3), 1995 йилда Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриётида иккинчи марта чоп этилди (4).

Саолибий «Ятимад ад-дахр» тазкирасининг тўртинчи қисмига қўшимча тарзида «Татимат ал-ятима» тазкирасини ҳам ёзган эди. Исматулла Абдуллаев бу асарни ҳам тадқиқ ва таржима қилишга киришади. Бу таъкиранинг ўзбекча таржимаси 1990 йилда «Фан» нашриётида китоб ҳолида босилди (5).

Саолибий ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳамда таъкиралари ҳақидаги маълумотларни олимнинг «Марказий Осиёда ислом маданияти» (қисқача маълумотнома, 2005) китобида (6), «Мерос ва талқин» (мақолалар тўплами, 2008) да (7) ҳам учратишимиз мумкин.

2005 йилда Саолибийнинг «Ятимад ад-дахр» асари рус тилида «Фан» нашриётида чоп этилди. Бу китоблар қаторида 1992 йилда «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Абу Мансур ас-Саолибий» номли рисоласи алоҳида аҳамиятга эга. Рисолада Саолибийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида қимматли маълумотлар баён қилинган. Олимнинг 100 дан ортиқ асарига қисқа таъриф берилган.

Энг муҳими тазкирага киритилган шоирлар ижоди таҳлил қилинган ва шеърларининг мазмуни ўзбекча таржимада келтирилган.

Ушбу мақолани ёзиш учун маълумотлар қидириб юрган кезларимда «Жаҳон адабиёти» журналининг 2-сони кўлимга тушиб қолди. Журналнинг «Шеърят минтақалари» рукнида Ўрта осийлик ўндан ортиқ арабийнавис шоирларнинг ғазалларидан намуналар берилган экан (86-93-бет). Бу ғазалларни Ўзбекистон халқ шоири Хусниддин Шарипов ўзбек тилига ўгирган. Таржимон «Ўн аср оша» номли кириш мақоласида қуйидагича ёзади: «Бундан чорак аср муқаддам ҳамшаҳрим, машрабшунос олим Исмадулла Абдуллаевнинг X аср мутафаккири Абу Мансур ас-Саолибий тазкираларига суяниб яратган йирик кўлэзма тадқиқоти билан танишиб қолдим. Асар Ўрта Осий ва Хуросон ўлкаларида яшаган, ас-Саолибийга замондош арабийнавис шоирларнинг ижодини таҳлил этарди...»

Камтарин олим Исмадулла ака ўз илмий тадқиқоти ва ундаги мисол сифатида келтирилиб, арабчадан ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилинган шеърининг парча ва лавҳалар мени қизиқтириб қолганини сезди, шекилли, оҳиста «...агар уларни авайлаб ўзбекчага бадий таржима қилиб бера олсангиз, икки дунё савобига дохил бўлардингиз», дегандай лутф қилди, гўёки ҳамкорликка чорлаб. Мен таклифни қабул қилдим. Ўша ҳамкорлик меваси таъби нозик шеърхонларимизга ҳам маъқул бўлар деган умиддан» (86-88-бет).

Исмадулла Абдуллаев ўзбек манбашунослик ва матншунослик илми ривожига жуда катта ҳисса қўшган олимдир. Унинг тадқиқ этган соҳалари жуда кенг ва ранг-баранг эди. Аммо биз бу мақоламизда фақат унинг Саолибий тазкиралари билан боғлиқ тадқиқотларигагина тўхталдик, холос. Зеро, олим асос солган соҳа бўйича янги таржималар ва тадқиқотлар яратилиши табиий ҳолдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Мансур ас-Саолибий Ятимад ад-даҳр фи маҳосин аҳл аср. (Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси). Тадқиқ қилувчи, таржимон, изоҳ ва кўрсатмаларни тузувчи Исмадулла Абдуллаев. – Тошкент: Фан, 1976.

2. Абдуллаев И. Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хоросане в X и начале XI веках. – Ташкент: Фан, 1984, стр 293.

3. Абу Мансур ас-Саолибий. Китоб латоиф ал-маориф (Ажойиб маълумотлар ҳақида китоб). Тадқиқ қилувчи, таржимон, изоҳ ва кўрсатилганларни тузувчи Исматулла Абдуллаев. – Тошкент: 1987.

4. Абу Мансур ас-Саолибий Ажойиб маълумотлар. Тадқиқ қилувчи, таржимон, изоҳ ва кўрсатмаларни тузувчи Исматулла Абдуллаев. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1995.

5. Абу Мансур Абдумалик ибн Мухаммад ас-Саолибий. Татиммат ал-ятима («Ятимат ад-даҳр» 4-қисмининг қўшимчаси). – Тошкент: Фан, 1999.

ПРОФЕССОР ИСМАТУЛЛА АБДУЛЛАЕВНИНГ 1997-2004 ЙИЛЛАРДА ЧОП ЭТИЛГАН ИЛМИЙ ИШЛАРИ¹

1. “Байт ул-хикма”дан чиққан аллома. Р.Ж.Тожиев, А.Йўлдошев, Ш.Д.Султонов, “Аҳмад ал-Фарғоний. Ҳаёти ва ижоди” тўплами. – Тошкент: Фан, 1998, 21-24 бетлар.

2. Бобораҳим Машраб. Алифни дилга жо қилмоқни бисмиллоҳдин ўргандим. Сўз боши муаллифи, қўлэмалардан нашрга тайёрловчи ва изоҳларни тузувчи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. - “Наманган” нашриёти, 1999 (5 босма табоқ).

3. Жаҳонни ҳайратга солган аллома. // “Шарқ машъали”, Тошкент, 1998, № 3-4, 47-52 бетлар.

4. Бобораҳим Машраб. Кимё. Тадқиқ қилувчи ва изоҳларни тузувчи Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Эски ўзбек ёзувидан нашрга тайёрловчилар: Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ, Гулмурод Ниёз, Қўлдош Аҳмад. - “Наманган” нашриёти, 1999 (6 босма табоқ).

5. Муқаддас динимизга иснод келтирмайлик (Мақолалар). - “Наманган” нашриёти, 1999 (6,5 босма табоқ).

6. Ал-Қуръон ул-карим. Таржимон ва тафсир қилувчи Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир ат-Тарозий ал-Маданий. Ўзбек араб ёзувидан нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи ва изоҳларни

¹ Исматулла Абдуллаевнинг 1997 йилга қадар нашр этилган китоб ва мақолалари ҳақида “Устоз, олим, мураббий” (Наманган, 1997) тўпламида маълумот берилган.

тузувчи Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1999- 2000 (65 босма табоқ).

7. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ Машраб ҳикматлари. - “Наманган” нашриёти, 2000, 44 бет.

8. Мулло Йўлдош Хилватий. Мавлуди шариф. Сўз боши, луғат ва изоҳлар муаллифи Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. - “Наманган” нашриёти, 2000, 73 бет.

9. Пайгамбаримиз ҳадисларида ватанга муҳаббат, оила ва фарзанд тарбияси. // “Имом ал-Бухорий сабоқлари” журнали, 2000 йил № 3-4, 185-186-бетлар.

10. Фикҳ илмининг сарвари. // “Шарқ машъали”, /2000 йил, № 1-2 (30-32-бетлар).

11. Дин хизматида кечган умр. // “Ҳидоят”, 2000, № 11-12.

12. Манбашунослик ва матншунослик муаммолари. Ўзбекистон Республикаси. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси. // “Қўлёзмалар-дурдоналар” тўплами, Тошкент: 2001, 13-16-бетлар.

13. Партав - қатағон қурбони. Ўзбекистон Республикаси Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси. // “Истиклол йиллари: миллий-диний кадриятларнинг халққа қайтиши (Наманган)” тўплами, Тошкент: 2001, 59-65-бетлар.

14. Ислонда аёллар ва оила масаласи. Америка юристлар ассосацияси Марказий Шарқий Европада ҳуқуқий ташаббус дастури. // “Ўзбекистонда аёлларнинг ҳуқуқлари” китоби, Тошкент: 2001.

15. Асируддин Ахсикатий. Ўзбекистон Республикаси Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси. “Истиклол йиллари: миллий-диний кадриятларнинг халққа қайтиши” (Тошкент). VII. – Тошкент: 2001 (137-140-бетлар).

16. Наманган Қуръони. // “Имом ал-Бухорий сабоқлари”, 2001, № 3.

17. Мулло Йўлдош Хилватий. Девон. Тадқиқ қилувчи, эски ўзбек араб ёзувидан нашрга тайёрловчи ва изоҳларни тузувчи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Луғатни тузувчилар: Исматуллоҳ Абдуллоҳ ва Абдуллоҳ Йўлдош. – Тошкент: Фан, 2001 (25 босма табоқ).

18. Араб-форс тилларидаги манбаларнинг ўзбек имлосида берилиши. Роман-герман филологияси ва чет тил таълимининг долзарб муаммолари (Мақолалар тўплами). - Наманган, 2001.

19. Акмал Тошкандий. // “Имом ал-Бухорий сабоқлари”, 2002, № 3, 213-217-бетлар.

20. Манбалар устида ишлаш тажрибасидан. Роман-Герман филологияси ва чет тили таълимининг долзарб муаммолари (Мақолалар). 4-сон. - “Наманган” нашриёти, 2002 (113-115-бетлар).

21. Хоразм адабиёти ҳақида йирик тадқиқот. // “Шарк машъали”, 2002, № 1.

22. Мулло Йўлдош Хилватий. // «Сухбатдош», 2002 йил 16 янв.

23. Яна Машраб ҳақида. ЎзАС, 2002, 1 март.

24. Кўхий дафтарлари. «Наманган ҳақиқати» ., 2002 йил 20 сент.; “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газ., 2003 йил 2 май.

25. Ал-Қуръон ал-карим. Таржима ва тафсир қилувчи Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир ат-Тарозий ал-Маданий. Ўзбек араб ёзувидан нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва луғат муаллифи Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. – Тошкент: Фан, 2002.

26. Яҳёхонтўра Намангоний. // “Имом ал-Бухорий сабоқлари”, 2003, 4-сон.

27. Партав – катагон қурбони. // ЎзАС, 2003 26 сентябрь.

28. Китоб – бебаҳо хазина. Хорижий филология ва чет тили таълимининг долзарб муаммолари. 5-сон. - “Наманган” нашриёти, 2003 (4-8 бетлар).

29. Яҳёхонтўра Намангоний. Нодим вафотиға уч марсия. - “Наманган” нашриёти, 2003, 39 бет.

30. Мулло Йўлдош Хилватий. Мавлуди шариф. Ўзбек араб ёзувидан нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. - “Наманган” нашриёти, 2003, 77 бет.

31. “Сиришқимдин жаҳон тўфонға кетти”. // ЎзАС, 2004, 27 авг.

32. Хатоларнинг илдизи қаерда? // ЎзАС, 2004, 8 окт.

33. Қуръони Карим. Таржима ва илмий-тарихий изоҳлар. 1-китоб (10-16-суралар таржимони ва изоҳларни тузувчи Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ). – Тошкент: Фан, 2004.

ГАЗЕТАЛАРДА БОСИЛГАН ИЛМИЙ ОММАБОП ВА ПУБЛИЦИСТИК МАҚОЛАЛАР (1997-2004)


1. Паттах эмас, Фаттоҳ. “Маърифат”, 1997, 4 январь.
2. Ҳаж сафари масъулияти. «Наманган ҳақиқати», 1997, 18 январь.
3. Маърифатни суйган додхоҳ. “Миллий тикланиш”, 1997, 18 февраль; “Наманган ҳақиқати”, 1997, 18 июнь.
4. Тарбия оилада камол топади. “Маърифат”, 1997, 28 май.
5. Мулло Йўлдош Хилватий. “Ҳурият”, 1997, 22, 29 май, 5 июнь.
6. Мулло Йўлдош Хилватий. «Сухбатдош», 1997, 13 июнь (А.Йўлдошев б/н).
7. Хилватий ва Қўқон адабий муҳити. „Наманган ҳақиқати”, 1997, 18 июнь.
8. Манбашунослик – маънавият ва маърифат калити. “Миллий тикланиш”, 1997, 29 июль.
9. Ношукур бўлмалик. «Наманган ҳақиқати», 1997, 4 октябрь.
10. Мураббий ва адиб. «Наманган ҳақиқати», 1997, 19 ноябрь.
11. Шухий пандин қулоққа ол. «Сухбатдош», 1998, 27 февраль.
12. Дин никобидаги жиноятчилар. «Наманган ҳақиқати», 1998, 21 февраль; “Ўзбекистон овози”, 1998, 5 март; “Фарғона ҳақиқати”, 1998, 19 март.
13. Фарғоналиклар фахри. “Фарғона ҳақиқати”, 1998, 26, 28, 31 март, 2 апрель.
14. Ҳаж ҳалоллик ва поклик йўли. «Наманган ҳақиқати», 1998, 4 апрель.
15. Маданий алоқалар ривожланмоқда. «Наманган ҳақиқати», 1998, апрель.
16. Тарбия оилада камол топади. “Диёнат”, 1998, 30 апрель.
17. Халқ нафрати – энг оғир жазо. “Адолат”, 1998, 30 апрель.
18. “Байт ул-хикма”дан чиққан аллома. ЎзАС, 1998, 8 май.
19. “Кимё” асари ҳақида. “Наманган ҳақиқати” газ, 1998, 23 май.
20. Муқаддас динимизга иснод келтирмайлик. “Диёнат”, 1998, 3 июнь.

21. Имом Бухорий мерослари. «Наманган ҳақиқати», 1998, 17 июнь.
22. Кўз йўлда, кўл рўлда. «Наманган садоси», 1998, 20 июнь.
23. «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» ҳақида. «Наманган ҳақиқати», 1998, 12 сентябрь.
24. Намангоним ҳақида. «Наманган ҳақиқати», 1998, 3 октябрь.
25. Ҳадис илмининг алломаси. «Наманган ҳақиқати», 1998, 21 октябрь.
26. Ҳадис ва мумтоз адабиётимиз. «Сухбатдош», 1998, 22 октябрь.
27. Имом ал-Бухорий йиққан ҳадислар. «Халқ иродаси», 1998, 22 октябрь.
28. «Жомеъ ас-Саҳиҳ»нинг диний ва тарихий аҳамияти. «Наманган садоси», 1998, 23 окт.
29. Жаҳон илм-фанига улкан ҳисса қўшган аллома. «Наманган ҳақиқати», 1998 24 окт.
30. Кўп хотинлилик. «Диёнат», 1998, 10 ноябрь; «Истиклол», 1999, 10 март.
31. Аини муддао бўлди. «Наманган ҳақиқати», 1998, 11 ноябрь.
32. Адолат тарозуси. «Диёнат» 1998, 24 ноябрь, «Адолат», 1998 й., 5 декабрь.
33. Ватан тимсоллари. «Наманган ҳақиқати», 1998, 2 декабрь.
34. Фозил карамли инсон эди. «Сухбатдош», 1999, 13 январь.
35. Биз совқотяпмиз, сиз-чи, биродар! «Диёнат», 1999, 26 январь.
36. Янги бойнинг кўш хотини. «Ҳамкор», 1999, 30 январь.
37. Кўрнамаклик. «Наманган ҳақиқати», 1999, 20 февраль.
38. Кўнгилни узма шундоғ кимёдин. ЎЗАС, 1999, 23 апрель.
39. «Ҳизб ут-таҳрир» партияси. «Камолот», 1999, 27 апрель.
40. Машраб ижодида аёл тимсоли. «Наманган ҳақиқати», 1999, 15,19,22 май.
41. Арабшунослик янги бир манба. «Маърифат», 1999, 29 май.
42. Кўп ўчмаслик нишоним бор. «Миллий тикланиш», 1999, 8 июнь. (Қодиркул Рўзиматзода билан).
43. Наманганда манбашунослик муаммолари. «Сухбатдош», 1999, 7 июль.
44. Жиход ва халифалик. «Диёнат», 1999, 27 июль.

45. Эркимизни шафқатсизликдан сақлайлик. “Фарғона ҳақиқати”, 1999, 22 июнь.
46. Доримийдан нима қолган? “Миллий тикланиш”, 1999, 12 октябрь.
47. Ўтган кунларни унутмайлик. “Фидокор”, 1999, 2 сентябрь.
48. Жалолиддин Мангуберди. “Диёнат”, 1999, 2 ноябрь.
49. Бир-бирингизнинг бошингизни қирқманг. Ал-Доримий тўплаган ҳадислардан намуналар. “Миллий тикланиш”, 1999, 26 октябрь.
50. Одам ўлдирган мўмин эмас. Доримий ҳадислари. “Миллий тикланиш”, 1999, 9 ноябрь.
51. Ким кимга салом бериши керак? Доримий ҳадислари. “Миллий тикланиш” 1999–2000, 16 ноябрь.
52. Жалолиддин Мангуберди. “Фарғона ҳақиқати”, 1999, 30 ноябрь.
53. Наманган оқсоқолларидан бири. “Сухбатдош”, 2000, 1 март.
54. “Ҳамиша мақсади Хилват...”. ЎЗАС, 2000, 24 март.
55. Муҳаммад ал-Мотуридий. “Туркистон”, 2000, 8 апрель; “Наманган ҳақиқати”, 2000, 13 май.
56. Бурхониддин Марғилоний. “Наманган ҳақиқати”, 2000, 22 апрель.
57. Белбоғ. “Сухбатдош”, 2000, 24 май.
58. Илоҳиёт илмининг улуғ алломаси. “Фарғона ҳақиқати”, 2000, 4 май.
59. Боланинг қорнини тўқ, устини бут қилиш керак. “Маърифат”, 2000, 14 июнь.
60. Фикҳ илмининг сарвари. ЎЗАС, 2000, 18 август.
61. Қайнона қулдор, келин чўрими? “Наманган ҳақиқати”, 2000, 23 сентябрь.
62. Қайнона учун келин чўрими? “Оила ва жамият”, 2000, 4-10 октябрь.
63. Кимки ҳиёнат килувчи бўлса, у ислом аҳлидан эмас. “Наманган ҳақиқати”, 2000, 18 октябрь.
64. Талоқ сўзини ҳаргиз тилга олманг. “Оила ва жамият”, 2000, 18-24 октябрь.
65. Ҳар бир ишда меъёр, адолат бўлиши керак. “Оила ва жамият”. 2000. 15-21 ноя.

66. Бошни фидо айла ато қошига, жисмни қил садқа ано бошига. “Оила ва жамият”, 13-19 дек. 2000.
67. Талок. “Сухбатдош”, 10 январь, 2001.
68. Комил инсон тарбияси. “Оила ва жамият”, 14-20 февраль, 2001.
69. Аёл иффати. “Сухбатдош”, 14 март, 2001.
70. Кибрлик. “Сухбатдош”, 21 март, 2001.
71. Бола оилада камол топади. “Оила ва жамият”, 28 март-3 апрель, 2001.
72. Қатагон қурбонларидан бири. “Сухбатдош”, 2 май, 2001.
73. Эҳсон. “Сухбатдош”, 20 июнь, 2001.
74. Қатагон қурбонларидан бири. (давоми) “Сухбатдош”, 6 июнь, 2001.
75. Асируддин Ахсикатий. “Наманган ҳақиқати”, 30 июнь, 2001.
76. Оилада адолат. “Оила ва жамият”, 1-7 август, 2001.
77. Эзгуликнинг ғалабаси муқаррар. ЎзАС, 2001, 19 окт.
78. Эҳсон. “Fidokor”, 2001 йил, 18 декабрь.
79. Юлдаш Хилватий - поэт, родившийся дважды. “Ташкентская правда”, 19 декабря 2001. (Интервью).
80. Қариялар, кексаликка тан берманг. “Наманган ҳақиқати”, 16 январь 2002 .
81. Кексалик - хикмат. “Saxovat”, 3-сон, 2002 йил, 6-7-бетлар.
82. Поэт, рожденный дважды. “Наманганская правда”, 12 января 2002. (Интервью с фотой); “Народное слово”, 13 февраля 2002.
83. Русский исследователь жизни и творчества Машраба. “Наманганская правда”. 15 июня 2002. (Интервью с фотой).
84. Нодим вафотига уч марсия. “Сухбатдош”, 2002, 24 июль.
85. Исследователь творчества Машраба. “Народное слово”, 17 сентября 2002.
86. Яхёхон Тўра Намангоний. “Сухбатдош”, № 41 (289), 2002.
87. Аёл иффати. “Оила ва жамият”, 18-24 сентябрь, 2002.
88. Китоб. “Наманган ҳақиқати”, 11 январь 2003.
89. Куёв тўралар нархи кўтарилиб кетганми? “Наманган ҳақиқати”, 8 фев. 2003.
90. Маросимларимиз меъёрида ўтказилса... “Оила ва жамият”, 6-12 фев. 2003.

91. 91. Ўтмиш ва келажак хабарчилари. “Ma`rifat”, 2003 22 февраль.
92. Мехрибоним, мунисим, мушфиқим эди. “Наманган ҳақиқати”, 8 март 2003. “Оила ва жамият”, 27 март – 2 апрель 2003 йил (расм билан).
93. Ободлик орзуси. “Диёнат”, 2003, 12 апрель.
94. Ўзингизни ҳирсу ҳаводан асранг. “Оила ва жамият”, 24-30 апрель 2003.
95. Зино нима? “Замондош”, 2003 31 май.
96. Инсоннинг мунис улфати. “Қишлоқ ҳаёти”, 11 апрель 2003.
97. Зино - оғир иллат. “Фидокор”, 2003 12 июнь.
98. Зино. “Сухбатдош”, 2003, 11 июнь.
99. Одам боласи. “Оила ва жамият” №24, 21-27 август 2003.
100. Гуноҳи азим. “Оила ва жамият”, №38, 18-24 сентябрь 2003.
101. Партав – қатағон қурбони. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2003, 24 сен.
102. Ён қўшни – жон қўшни. “Диёнат”, 2003, 27 сентябрь.
103. Сочидан афзал. “Наманган ҳақиқати”, 15 октябрь 2003.
104. Забардаст муршиди комил. “Наманган ҳақиқати”, 2003, 29 ноябрь.
105. Ён қўшни - жон қўшни. “Оила ва жамият”, 48-сон, 27 ноя. - 3 дек. 2003-2004.
106. Кибрлик. “Экспресс инфо”, 4 декабрь, 11 декабрь, 2003 (муаллиф расми билан), “Оила ва жамият”, 22-28 январ 2004.
107. Покдомон инсон эди. “Наманган ҳақиқати”, 2004. 26 июн.
108. Мехр мурувват ҳақида. “Наманган ҳақиқати”, 2004. 28 июл.
109. Аёлга муносабат. “Оила ва жамият”, 2004, 23-29 сентябр, “Наманган ҳақиқати”, 2004, 28 сен.
110. Умарали шап-шап. ЎЗАС, 2004, 10 сен. “Наманган ҳақиқати”, 2004, 15 сен.
111. Ҳақ йўл саботи. “Халқ сўзи”, 2004, 5 окт.
112. Таажжуб. “Ислому нури”, 2004 йил 17-18.
113. Жаннат аёллар оёғи остидадир. “Ўзбекистон овози”, 2004, 14 октябрь.
114. Фаластинлик олима жасорати. “ЎЗАС”, 2004, 29 октябрь.



115. Ватаннинг муносиб фарзанди бўлинг. “Наманган ҳақиқати”, 2004, 10 ноя.
116. Хожа Ахрор валий. “Наманган ҳақиқати”, 2004, 18 декабрь.
117. “Улки бу офоқ ичида тоқ эрур...”. “Ўзбекистон овози”, 2004, 21 декабрь.

“ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ”ГА КИРИТИЛГАН МАҚОЛАЛАР

1. Аббосий – 1-ж., 16-бет.
2. Абдулвадуд Аҳмад ибн Абдулвасеъ Шоший – 1-ж., 20-бет.
3. Абдулкарим – 1-ж., 20-бет.
4. Абдулло Кобулий – 1-ж., 35-бет.
5. Абдулло Котиб – 1-ж., 35-бет.
6. Абдулло Термизий – 1-ж., 35-бет.
7. Абу Али Сағоний – 1-ж., 50-51-бет.
8. Абу Бакр – 1-ж., 51-бет.
9. Абу Бакр Муҳаммад ибн Ямон Самарқандий – 1-ж., 51-бет.
10. Абу Башар Мато – 1-ж., 51-бет.
11. Абу Дулаф – 1-ж., 51-бет.
12. Абу Жаъфар Хозин – 1-ж., 51-бет.
13. Абу Зайд ибн Саҳл Балхий – 1-ж., 51-бет.
14. Абу Зайд Убайдуллоҳ ибн Умар ибн Исо ад-Добусий – 1-ж., 52-бет.
15. Абу Лайс Самарқандий – 1-ж., 52-бет.
16. Абу Мансур Исфаҳоний – 1-ж., 52-бет.
17. Абу Исфаҳоний – 1-ж., 52-бет.
18. Абу Мансур Ҳасан ибн Нуҳ Қумрий – 1-ж., 52-бет.
19. Абу Маъшар Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Балхий – 1-ж., 52-бет.
20. Абу Наср ибн Ироқ Мансур ибн Али – 1-ж., 52-бет.
21. Абу Саҳл Тифлисий – 1-ж., 54-бет.
22. Абу Убайдуллоҳ Муҳаммад ибн Султонхужа – 1-ж., 54-бет.
23. Абу Шужоъ Рўзровардий – 1-ж., 54-бет.
24. Абу Ҳайён Андалусий – 1-ж., 55-бет.
25. Абу Ҳанифий Динаварий – 1-ж., 55-бет.
26. Абулаббос Мустағфирий – 1-ж., 55-бет.

27. Абулаббос Тусий Фазл ибн Сулаймон – 1-ж., 55-бет.
28. Абулвафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Яҳё ибн Исмоил ал-Аббос ал-Бузжоний – 1-ж., 55-56-бет.
29. Абулфазл Балъатий – 1-ж., 56-бет.
30. Абулфазл Муҳаммад Самарқандий – 1-ж., 56-б.
31. Абулфатҳ Алоуддин Муҳаммад ибн Усмоний Самарқандий – 1-ж.. –бет.
32. Абулфидо Имодуддин Исмоил ибн Али ал-Айюбий – 1-ж., -бет.
33. Адиб Собир Термизий – 1-ж., 133-бет.
34. Ажам – 1-ж., 138-бет.
35. Азимжонова Сабоҳат – 1-ж., 146-бет.
36. Ало ал-Бухорий – 1-ж., 235-бет.
37. Амин Аҳмад Розий – 1-ж., 270-бет.
38. Амин Райҳоний – 1-ж., 270-бет.
39. Амир Абдуллоҳ – 1-ж., 273-бет.
40. Арабшунослик – 1-ж., 389-390-бет.
41. Арендс Альфред Карлович – 1-ж., 403-бет.
42. “Ахлоқи Жалолий” – 1-ж., 531-бет.
43. “Ахлоқи Муҳсиний” – 1-ж., 531-бет.
44. Аҳмад ибн Асад – 1-ж., 556-бет.
45. Аҳмад ибн Мусо ибн Шокир – 1-ж., 557-бет.
46. Аҳмад ибн Саъдуддин Ўзгандий – 1-ж.. 557-бет
47. Аҳмад ибн Тулун – 1-ж., 575-бет.
48. Бадеъ Самарқандий – 1-ж., 573-бет.
49. Бадриддин Чочий – 1-ж., 578-бет.
50. Бадриддин Самарқандий – 1-ж., 578-бет.
51. “Байт ул-Ҳикма” – 1-ж., 586-бет.
52. Байҳакий Заҳириддин Абулҳосим ибн Зайд – 1-ж., 586-бет.
53. Балозурий Аҳмад ибн Яҳё ибн Жобир ибн Довуд – 1-ж., 604-бет.
54. Балъамий Абу Али Муҳаммад ибн Муҳаммад – 1-ж., 608-бет.
55. Баҳоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бағдодий – 1-ж., 667-бет.
56. Березин Илья Николаевич – 1-ж., 711-бет.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

ЧУСТИЙ БЎСТОНИ

*Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,
профессор (ТДПУ)*

Шарку Ғарба Саъдий, Шайх Саъдий номи билан шухрат қозонган, кўп халқларнинг улкан шоирлари ўзларига устоз деб билган мутафаккир санъаткорнинг асл номи Мушаррафиддин ибни Муслиҳиддин Абдуллоҳдир. У 1189 йили Эроннинг қадимий тамаддуни ўчоғида шерозлик давлат хизматчиси оиласида дунёга келади. Саъдийнинг отаси Шероз ҳокими Саъд бинни Занжи саройида хизмат қилган. Отаси Саъдийни ўқитиш билан жиддий машғул бўлади, лекин кўққисдан вафот этади. Етим қолган Саъдий ва укасига оз миқдорда бўлса ҳам давлат нафақа тайинлайди. Шерозда тахт-тож учун кураш авж олган бир пайтда 1226 йили Саъдий Бағдодга бориб, «Низомия» мадрасасида таҳсил кўради. Бу ерда у ўша даврнинг машҳур олими Абдулфараж Абдурахмон ибни Жазвий (1186-1257) дан дарс олади. Мадраса таҳсилдан сўнг адиб Эрон, Жанубий Оврўпа, Кичик Осиё, Араб ҳамда Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва Хитой мамлакатлари бўйлаб сафарга чиқади. Ўттиз йил давомида турли юртларни кезади, ҳар хил халқлар орасида бўлади, баъзан мусофирларни, савдо қарвонларини ҳимоя қилиб, қароқчилар билан бўлган жангларда иштирок этади, салбчилар қуршовида қолиб, асир тушади, бир дўсти уни қутқариб олади. Умрининг охириги йилларини Саъдий замонасининг мунофиқ ва разил кишиларидан йироқда – гўшанишинликда ўтказган, ижодий ишлар билан машғул бўлган. Саъдий узоқ яшаб, 1292 йили вафот этади. У дафн этилган боғ ва мақбара ғоятда кўркем бўлиб, ҳамиша Шероз меҳнаткашлари ҳамда дунё сайёҳларининг севимли қадамжоларидан биридир.

Саъдий Шарқнинг даҳо ижодкорлари орасида энг захматкаш, семахсул ва жаҳонгаштасидир. У 30 йил илм ўрганди, 30 йил саёҳат қилди, 30 йил бадиий ижод билан шуғулланди.

Адиб машриқзамин адабиётида биринчи бўлиб туркум девон тузиш анъанасини бошлаб берган. У қасида, ғазал, рубоий, қитъа ва бошқа жанрлардаги шеърлардан таркиб топган «Тойибот», «Бадоеъ», «Ҳавотим» деб номланган тўртта девон тузган. Уларда Саъдий буюк шоир форсий тилдаги шеъриятда ғазал асосчиси,

гуманизм куйчиси сифатида юксак ғояларни янги босқичга кўтарган; форсий тилдаги шеъриятда чинакам ғазал устаси мақомига эришган.

Беназир шоир ва мутафаккир Саъдий бадий ижодда мактабини ярата олган санъаткордир. Юз йилдан ортиқ умр кўрган Саъдий даврнинг барча билимларини чуқур эгаллаб, юрт кўриб, халқ орасида юриб, чинакам олим, мураббий, инсонпарвар адиб бўлиб етишди. Шеърий, насрий ҳикоя ва масалларидан ташкил топган «Гулистон» ва «Бўстон», «Соҳибнома» асарлари унга жаҳоншумул шуҳрат келтирди. Саъдий ўз ҳикояларида бошқа Шарк мутафаккирлари сингари халқ фаровонлиги, юрт тинчлигию ободонлигини одил подшо шарофатидан, деб билади. Унинг ақидасича, подшо илм-маърифатли, одил бўлса, мамлакатни илмга, донишмандларга суяниб бошқарса, зулм-зўрлик, жаҳолат ва разолатни ер юзидан йўқотса, давлат мустаҳкам, юрт обод, фуқаро тўқ ва тинч бўлади. «Гулистон»даги ҳар бир ҳикоя қиссадан ҳисса шаклидаги шеър-пандлар билан яқунланади. Баъзан байтлар наср таркибида ҳам келади. Ёзувчи уларда илм ўрганиш, меҳнатсеварлик, таъзим-тавозеъ, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ота-онага эътибор (тил ва муомала, сўзлаш одоби, ширинсуханлик) ва бошқа жуда кўп масалаларда улкан мураббий, мутафаккир сифатида панд-насихат беради. Айни чоғда ёзувчи судхўрлик, товламачилик, тамаъгирлик, танбаллик, ёлғончилик, ғирромлик, иккиюзламачилик, қароқчилик, фирибгарлик сингари ғайринсоний иллатларни аёвсиз лаънатлайди ва покиза кишиларни бундай ярамасликларга қарши курашишга чорлайди.

Саъдий Шерозий асарлари ўзбек халқи орасида қадимдан машҳур ва манзур бўлиб келган. Хусусан, унинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарлари ўтмишда Ўрта Осиё мактаб, мадрасаларида асосий ўқув қўлланмаси сифатида ўқитилган. Сайфи Саройи (XIV аср), Муҳаммад Ризо Оғахий (XVIII аср), Муродхўжа домла, Сидқий Хондайликий (XIX аср) бу китобларни ўзбек тилига таржима қилишган.

Алишер Навоидан тортиб барча ўзбек адиблари Саъдийни ўзларига устоз деб билган, унинг даҳосидан ижодий баҳраманд бўлишган. Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр», «Махбуб ул-қулуб», Авлонийнинг «Туркий гулистон» асарларида Саъдий ижодининг невосита таъсири бор. Бизнинг замонамизда «Гулистон» яна бир неча бор таржима қилиниб нашр этилди. Саъдийнинг бу асарига

кўплаб кичик ҳажмли, айна чоғда, ибратли ҳикоятлар киритилган. Мана, ўшандай мўъжаз ҳикоятлардан бири:

Мисрда икки ака-ука яшар эдилар. Улардан бири султонга хизмат қилар, иккинчиси эса ўз меҳнати билан кун кечирадиган бечора киши эди. Кунлардан бир куни акаси камбағал укасига қараб:

- Султон хизматига борсанг-чи, эртаю кеч меҳнат қилиш азобидан қутулардинг, - дебди.

Камбағал укаси унга шундай жавоб берибди:

- Сен нега меҳнат қилмайсан, миннатдан қутулар эдинг. Амир хизматида олтин камар билан бел боғлаб тургандан кўра, арпа нон еб, курук ерда ўтирган яхши, деганлар.

*Амир хизматида мунгли ва абгор,
Қўлларинг кўксингга қўйгунча ҳар гал.
Куйса ҳам қўлларинг майли, биродар,
Кафтингда оҳақ тош олганинг афзал.*

«Бўстон» тўла шеърда битилган бўлиб, китобнинг ёзилиш сабабидан ташқари "Мамлакатни идора қилиш тадбири", «Одиллик ҳамда тўғри фикрлаш ҳақида», "Эҳсон ҳақида", "Ишқ ҳақида", "Камтарлик ҳақида", "Ризолик ҳақида", "Қаноат ҳақида", "Тарбият ҳақида", "Шукр ва омонлик ҳақида" ҳамда "Тавба ҳақида" сингари боблардан ташкил топган. Ёзувчи бобларда қўйилган — тасвирланган муаммоларни назарий, амалий, ҳаётий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан далиллаш мақсадида тарихий, афсонавий, асотирий, диний, ахлоқий мавзуларда юзга яқин ҳикоятлар, масаллар, мавъиза ва танбеҳлар келтиради. Улар мазмун, ғоявий йўналиш, тимсоллар силсиласи, тасвир усули, ибтидо ва интиҳоси жиҳатидан ғоятда ранг-барангдир. Кўпинча муаллиф ҳикоятдан ҳикоятга ўтиш ёки фикрни янада аниқ изҳор этиш мақсадида лирик чекиниш ёки қистирма тарзида алоҳида панднома маърифий байт келтиради, ўзи кўрган, бошидан кечирган, билган, кузатган лавҳаларини ҳам қистириб ўтади. Кўп ҳолда улар тасдиқ ва уқтириш моҳиятига эга бўлиб, бобнинг хотимаси ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Саъдийнинг ҳикоятлари ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-фалсафий, маърифий-тарбиявий, диний-тасаввуфий, зиндагиномалиги, дастурулмулуклиги ҳамда рахномаи фуқаролиги билан мана олти асрдирки башариятнинг буюк тафаккур неъматини сифатида эътироф этилиб, эътибор берилиб

келинмоқда. Бу ҳикоятларни ўқиган подшоҳ, амир, султон ва беклар юртни бошқариш, фуқароларга раҳнамолик қилиш русумлари бўйича сабоқ олади, сулҳжўй бўлиб, ноҳақлик, зулм-зўрликдан қўл тортиб, раиятпарварлигу адолатпешаликка юз келтиради; зодагонлар эса амал-мансабга, мартабаю унвонга эришиш расм-қоидаларини ўрганадилар, бу йўлда жасоратли, тадбиркор, ҳамжихат, етти ўлчаб бир кесадиган бўлишга тиришадилар; сарватманд, бойлар ўқиса, феъли кенг, очиқ қўл, сахий қалб, етим-есирлар, бева-бечоралар, номуродларга қарашадиган бўладилар; тошбағир, жоҳил, бадкирдор тоифалар ўқиса, меҳрли, ҳалим, беозор бўлиб қолишса ажаб эмас. Хуллас, Саъдий ҳикоятларидан жамиятнинг барча табақа аъзолари нафъ кўрадилар, ўзларига керакли дарс оладилар. Ҳатто тамаъғир, йўқсил, беғайрат, танбал, ношуд, бировларнинг қўлига қараб юрадиган тиланчилар ҳам бу ҳикоятлар билан ошно бўлишса, таъсирланиб кетиб серғайрат бўлиб, текинтомоқликдан юз ўгирадиган, ўз кучи билан ризқ-рўз топиб ейдиган, илм ўрганишга, касб-хунар эгаллашга интиладиган бўлиб кетиши мумкин.

Атоқли ширинкалом шоиримиз Чустий домла ушбу беҳамто пандномалар мажмуи - "Бўстон"ни таржима қилишга киришар экан, унинг кўз олдида ўзбек китобхони турганлигини ҳисобга олиб, бир томондан, ўғирма жараёнида Саъдий ҳикоятларининг ана шу бош ғояси - ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-таълимий йўналишни тугал бадиий инъикос эттиришга интилган; таржимада ҳар бир ҳикоятдаги лўнда мазмун, баржаста тузилиш, мўъжазбаён бадиийликни сақлай билган; айна пайтда улардаги пандомуз, пурҳикмат сеҳрни эътибордан қочирмаган. Натижада бу таржимани ўқиган ҳар бир китобхон Саъдий асарининг асл моҳияти ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлади, оламжаҳон илм ўрганади, маърифат эгаллайди. Иккинчи томондан эса, асл матннинг ифода меъёри ва услуб жилоларига ҳам алоҳида назар ташлаган. Маълумки, 30 йил дунё бўйлаб саёҳатда юрган Саъдий аксарият ҳикоятларни ўз кечмишлари, кўрганлари, билганлари, ўқиганлари, эшитганлари сосида халқона бир услубда, илмий тил билан атайдиган бўлсак, саҳлу мумтанеъ - осону номумкин" усулида яратган, тасвирда халқ ҳикоятларининг хоссасини олган. Шунинг учун ҳам ҳар бир ҳикоят "Овардаанд", "Шунидаам", "Дар жое хонда будам", "Дар китобе авиштаанд", "Дида будам", "Ба назар афтода буд", "Подшоҳе буд", "Подшоҳе гуфта буд" сингари ўнлаб оғзаки адабиёт тасвирига хос

бошланмалар - кириш сўзлар билан ибтидо топиб, қиссадан ҳисса тарзидаги қуйма ҳикмат-байт билан якунланади. Мутаржим ҳам аслиятнинг ушбу нозик бадиий сеҳрини идрок этган ҳолда ҳар бир ҳикоят, масал ёки тамсилнинг ўзбекона моҳият касб этишига эришган. Бир қанча ҳикоятлар "Эшитдимки", "Қайси бир китобда зикр этилган экан", "Шаҳаншоҳлар ахборида бор экан", "Сўзни Саъдийдан тинглагил", "Эшитдингми, Эрон шаҳаншоҳлари", "Бу ҳақда Саъдийдан эшит", "Бир донодан эшитгандим", "Ҳикоят қилур", "Бировдан эшитган эдим", "Нақл қилишларича", "Бир оқил деди", "Биров демиш", "Бурунги ўтган замонда" сингари муқаддима билан бошланади. Булар китобхонни воқеа тасвирига жалб этиш, унга эстетик завқ беришда муҳим омил ҳисобланади. Оқибат Саъдийнинг шеърий ҳикоятлари ўзбек китобхонларининг таъбига хос ва дидига мос моҳият касб этган, яъни аслиятнинг мазмуни ва хоссалари ўқувчиларга тўлақонли тарзда тақдим этилган. Уларнинг аксарияти ўзбекча ҳикоятдек равон ўқилади.

Таржимон форсий матнинг бадиий нафосатини таржимада ифодалаш давомида Саъдий қўллаган ҳикмат, ибора, бирикма, мақолларнинг иложи борича ўзбекча таносибларини топиб ишлатишга ҳаракат қилган. Баъзангина қофия тақозоси ўларок аслиятдаги сўзларни учратиш мумкин, холос.

Маълумки, Саъдийнинг кўпгина ҳикоятлари юқорида уқтирганимиздек, боблар таркибидаги маъвиза-пандномалардан ташқари, алоҳида халқ донишмандлиги билан йўғрилган ҳикматлар билан тугайди. Уларда муаллиф буюк бир мутафаккир, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган мураббий сифатида намоён бўлади. Ана шу ҳаёт сабоғи билан омухта бўлган бетакрор байтлар Чустий қаламида ҳам жозибали, пурмаъно, сеҳрангез кўзга ташланади. Биз ортиқча қиёсий, илмий таҳлилга берилмай, ушбу сермаъно ўғитномаларнинг бир неча ўзбекча намуналарини келтириш билан кифояланамиз:

*Дарахт бўлса шоҳ, халқ илдиз эрур,
Бил, ўғлим, томир-ла дарахт улгаюр.
Ёмонлик билан умр ўтказмагил,
Сенга токи ёгдирмасин лаънат эл.
Муроса қиларкан агар ишни ҳал,
Ғазаб қилма, ўлдирма, бўлма дагал.
Ёвинг душмани бирла дўстлик зарур,
Ўшанда жаҳон унга зиндон бўлур.*

*Агар икки ёв ичра тушса нифоқ,
Яша дўст билан хурраму иттифоқ.
Кишиларга билдирмагин ниятинг,
Кўпинча бўлур гаптошар улфатинг.*

Саъдийнинг "Гулистон"и бизнинг замонимизда уч маротаба кўп нусхада чоп этилди. Афсуски, Чустий домла таржимаси 1960 йили 35 минг нусхада нашр этилгани билан қолиб кетди. Асарнинг ёш авлодни дўстлик, ватанпарварлик, комил инсон қилиб тарбиялашдаги ахамияти ғоятда беҳисоб. Китобхонда тўла тасаввур ҳосил қилдириш учун «Бўстон»дан бир парча келтирамыз.

*Улугларга эргаши, хато юрмагил,
Дема тахту тож ҳар ўриндан баланд,
Ғариблик мақоми бил ундан баланд.
Егай камбағал кунда бир нон гамин,
Бироқ шоҳ егай мулку даврон гамин.
Гадо топса бир нон агар шомда,
Ўзини ўзи шоҳ дегай Шомда.
Ғаму шодликким бошингга етар,
Ўлим чогида иккиси ҳам кетар.
Не бўлди агар бўлса бошида тож,
Не бўлди агар этса бўйнини бож?
Унинг боши кўкка етган эса,
Бунинг жисми зиндонда ётган эса,
Хужум қилса ҳар иккисига ажсал,
Тониб бўлмагай иккисин ул маҳал.
Шаҳаншоҳлигу мулку давлат бало,
Гадо шоҳ эрур, исми бўлмиш гадо.*

Саъдий асарларини тадқиқ ва таржима қилишда шоирлардан Чустий, Муинзода, Ғафур Ғулом, олимларимиздан профессор Шоислом Шомухаммедов, Рустам Комилов ҳамда Ваҳоб Раҳмоновларнинг хизматлари катта. Саъдийдаги тинимсиз риёзат чекиш, юрт кўриш, дунё кезиш, мутгасил, сабот-матонат билан илм ўрганиш, бадийий ижодда мўъжазбаёнлигу соҳирлик барча замонлар аҳли учун юксак ибрат намунасидир.

ФАРХОД ВА ШИРИН НОМЛАРИ ГЕНЕЗИСИГА ДОИР

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
профессор (ЎзМУ)

Мумтоз адабиётнинг теран тадқиқотчиси профессор Фитратнинг Низомий Ганжавий ижодига бағишланган махсус мақоласи бўлмаса ҳам олим ўзининг ўндан ортиқ мақола ва тадқиқотларида улуғ адибнинг асарларига мурожаат қилган, улардаги муҳим жиҳатларнинг талқини билан шуғулланган, ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари, хусусан, Навоий ижодига ёндашганда Низомий ижоди билан муштарак жиҳатларини таҳлил этган.

Фитрат биргина «Фарҳоду Ширин» достони тўғрисида мақоласида Низомий Ганжавийнинг нафақат хамсачилик анаъаналарига асос солгани, балки «Хусрав ва Ширин» орқали янги бир китобий дoston сюжети воситасида ҳар бир миллат ушбу асарга ўзича ёндашиб, ундан таъсирланганини кўрсатишга ҳаракат қилган. Мақола орқали «Низомий панжасига панжа урмоқ осон эмас»лигини англатиш баробарида типологик таҳлилнинг юксак бир намунасини тавсия қилади. Маълумки, «Хусрав ва Ширин» сюжети дастлаб Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида учраган. Бироқ Фирдавсий дostonнинг ҳаммасини ўз «Шоҳнома»сига киритмаган. «Дostonнинг ҳаммасини бизга XII асрнинг машҳур шоири Низомий берадир. Низомийнинг машҳур «Хамса»сидан бири бизнинг мавзуимиз бўлган «Хусраву Ширин» дostonидир. «Низомий Эронда Фирдавсийдан бурун маълум бўлган бу дostonнинг ҳаммасини оладир ва ўзи, шубҳасиз, санъаткор ва ўткир қалами билан чиройли бир шаклга солиб, бунинг форс ва турк адабиётидаги муҳим мавзуини таъмин қилган бўладир»¹.

Фитрат Низомий дostonининг таҳлилидан аввал Фарҳод томонидан қазилган тоғдаги ариқ, қадимги Эрон тарихига оид бўлган суратлари билан машҳур бўлган Бесутун тоғини тасвирлайди. Тоғдаги барельефлар, Қасри Шириндаги суратларнинг тарихи билан қизиқади. Таассуфки, Фитрат Навоий дostonига асос бўлган сюжетни унинг юртидан топа олмагач, дастлабки ёзма манба сифатида Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сига мурожаат қилишга мажбур бўлган.

¹ Фитрат. «Фарҳоду Ширин» дostonи тўғрисида. //Аланга. — 1930. 1—сон. — Б. 14-17.

Мусташрик Е.Э. Бертельснинг тақдирига сазовор бўлган чех мусташрики Х.Дуда ўзининг «Фарход ва Ширин» тадқиқотида Низомий ва Навоий дostonларидаги қахрамонларнинг тарихий тақдири билан қизиқади.¹ Чех олимнинг кузатишича, дostonдаги Фарход тимсоли тарихини Фирдавсий дostonидаги «Хусрав ва Ширин» муносабатларидан эмас, балки Афросиёбнинг лашкарбоши (сипохсолар) дан бири қилиб кўрсатилган Фарходнинг тақдирдан излаш керак. Дарҳақиқат, зукко навоийшуносларимиздан С.Ғаниева «ўз манбарини фольклордан олган Фарход образи Фирдавсий «Шоҳнома»сида Афросиёбнинг жанговар сипохсолори сифатида тилга олинган»лигини қайд этган. Бирок Фирдавсий дostonидаги «Хусрав ва Ширин» қиссасини синчиклаб кузатган Фитрат «Фирдавсий Фарход ҳақида ҳеч нима демайди» дейиш билан чекланган. Ҳақиқатан ҳам, «Хусрав ва Ширин» линиясида Фарход иштирокини «Шоҳнома»да кўрмаймиз, шунга қарамай Ҳамид Олимжон «Фарход ва Ширин» дostonига кирган сўз бошида «Фарход ва Ширин» тўғрисидаги афсона асрлар бўйича яшаб келмоқда. Гўзал халқ афсонасига айланиб кетган бу ҳикоя аслида тарихий фактлар асосида юзага келган бўлиб, «Хусрав ва Ширин» номи билан шуҳрат топгандир. Тарих китобларидаги... «Хусрав ва Ширин» ҳақидаги дoston эса VII-X асрлар орасида Эрон халқи орасида яратилгандир», деб ёзади. Демак, Фарход номи билан боғлиқ афсона Ҳамид Олимжон кўрсатган VII аср воқеаларигача ҳам мавжудлигини юқорида келтирилган манбалар тасдиқлаб турибди. Шунинг учун Фарход образининг изларини «Хусрав ва Ширин» сюжетидан эмас, балки қадимги мифологик тафаккур жараёнидан излаган маъқул. Чунки шарқ халқларининг оғзаки ижоди ва ёзма адабиётида «Фарход ва Ширин» сюжетини чуқур ўрганган проф. С.Эркинов ҳам Фарход ҳикоятининг «Хусрав ва Ширин»га келиб қўшилган даврини X аср деб кўрсатган. Бирок «Абдул Ҳасан бинни Оғочий, Шамсуддин Муҳаммад Сўзоний, Қатрон Табризий, Хоқоний каби шоирларнинг шеърларида тоғ билан боғланган бу қахрамон «Хусрав ва Ширин» дostonи (Низомий асари назарда тутилган – Ҳ.Б.)нинг яратилиши билан унинг бир мунча мукамал саргузашти пайдо бўлди»².

«Хусрав ва Ширин»га қадар эса Фарход тоғ билан боғлиқ бир қахрамон сифатида яшаган бўлиши мумкин. Тарихчи олим

¹ Duda H. Ferhad und Schirin. \ Die Literarische Geschichte eines persischen Sagenstoffes. – Praha: 1933. –p.29.

² Эркинов С. Навоий «Фарход ва Ширини» ва унинг киёсий таҳлили. — Т.: Ған, 1971. — Б.23-24.

С.Толстовнинг «Қадимги Хоразм маданиятини излаб» китобида XII аср обидаси саналган Девқалъанинг қурилиш тарихи Фарҳод афсонаси билан боғлиқ экани айтилган. Унинг аниқлашича, дастлаб «Қурувчи ва тоштарошларнинг ҳомийси, ер ости худоси сифатида «Авесто»да тилга олинган мифологик Фарҳод кейинчалик ривоят ва афсоналарга кўчган. Айрим асарларда тоштарош ва меъмор сифатида тилга олинган Фарҳод култи кейинроқ Фарҳод сиймосининг яратилишга прототиплик вазифасини ўтаган¹. Дарвоқе, бу фаразни чех олими Х.Дуда ҳам аниқлаганди. Ривоятларга кўра Қашғардаги Минг уй номи билан боғлиқ қадимий хонақоҳ ҳам Фарҳод томонидан ыурилганди. Фитрат 1927 йилда тартиб берган «Энг эски туркий адабиёт намуналари» китобида Минг уй қурилиши билан боғлиқ лавҳа учрамаса ҳам, Алп Эртўнга марсиясида Афросиёб-Алп Эртўнганинг қадимги Чин Мочин ўлкаларида бўлгани, ўзига пойтахт излагани ва Хўтанда макон қургани айтилган. Қашқардаги Минг уйнинг қурилиши ҳам Фарҳод номи билан боғланган экан, бу билан Фарҳод ва Афросиёб - Алп Эртўнганинг айна шу ерда кўришуви ёки ўзаро боғланиши мумкин. Эҳтимол, ҳар икки қаҳрамоннинг Туронзаминга қарши курашган аҳмонийларга қарши отланиши «Шоҳнома»да акс этган. Эрондаги Бесутун тоғларидаги битиклар аҳмонийлар шоҳи Доро I томонидан ёзиб қолдирилган. Бироқ Бесутун битикларида Фарҳоднинг номи Хусрав ва Ширин қисматидан ташқари ҳам алоҳида учрайди. Унда Доро I тилидан: «Парфиялилар ва гургонийлар менга қарши кўтарилиб, Марғиёндаги Фироатга қўшилдилар», деган маълумот бор. Бунда Фарҳод «Марғиёнада исён кўтаргани» учун кейинроқ Доро томонидан қўлга туширилиб қатл қилингани айтилган. С.Эркиновнинг тавсиясига кўра, «Бесутун ёзувлари Фарҳод тўғрисида маълумот берувчи энг қадимий ишончли манбадир».² (1, 221). Бесутунда Фарҳод номи ҳозирги шаклда ёзилмаган. Шундай экан, Проф. И. Дяконовнинг «Fravartis» номининг Фарҳод (қадимги эронча «Frāhata», юнонча «Phraates») номи билан умумийлиги йўқ эмас» деган (1,66) маълумотини қабул қилиб, унинг аҳмонийлар шоҳи Дорога қарши курашган тарихий қаҳрамон эканига шубҳаланишга ҳожат қолмайди. Бу умумий кураш эса Алп Эртўнга ва Фарҳодни бирлаштирган. Фирдавсий достонида «Хусрав ва Ширин» линиясида Фарҳод образининг қатнашмаганлиги тарихий

¹ Толстов С. Қадимги Хоразм маданиятини излаб... — Т.: 1964. — Б. 31.

² Эркинов С. Навоий «Фарҳод ва Ширин»и ва унинг киёсний таҳлили. — Т.: Фан, 1971. — Б.179.

жихатга эга. Хусрав ва Ширин каби қахрамонларининг келиб чиқиши, уларнинг дostonга қадар ўтган «умрини» белгилашда, албатта, биз «Хусрав ва Ширин» сюжетига таянишимиз мумкин. Фитрат эътиборни Фирдавсий «Хусрав ва Ширин»га кўчириб, гапни мана шу асарга асос бўлган воқеадан бошлайди: «Дostonдаги Хусрав Эрон сосоний ҳукмдорларидан машхур Нўширавоннинг набирасидир. Милодий еттинчи асрда Эрон шоҳи эди. Муҳаммад Пайғамбар кўшни ҳукмдорларга хатлар юбориб, уларни мусулмонликқа чақирганда мазкур Хусрав Парвезга хат юборган, Хусрав эса унинг хатини йиртиб ташлаган эди. Бизнинг мавзуимиз бўлган дoston мана шу Хусрав билан унинг хотинларидан Ширин ҳақида майдонга чиққандир. Сўнгралари Эрон шоирлари бу дostonни халқ шоирларидан олиб, бу мавзуда турли дostonлар ёздилар» (айни мана шу маълумот Фитратдан сўнг Ҳамид Олимжон томонидан юқоридаги сўз бошида такрорланган). Маълумки, «Шoҳнома»да Хусрав билан боғлиқ икки дoston бор: улардан бири «Хусрав Парвез подшоҳлиги», иккинчиси «Хусрав ва Ширин дostonи». Фитрат бу икки дoston воқеаларига қисқача тўхталган ва «дostonнинг бизга маълум қахрамонларидан Фарҳод ҳақида Фирдавсий ҳеч нима демайдир» деган қайд билан Низомийнинг дostonига эътибор қаратган. Фитрат дostonнинг қисқа сюжетини Низомий асари бўйича сўзлаб берган ва эътиборини дoston сюжетигаги Фарҳод аралашган воқеаларга қаратган. Дostonнинг энг ўткир саҳифалари сифатида Хусрав ва Фарҳод мусоҳабасини олган. Низомий дostonида «сўзга уста қилиб кўрсатилган» Фарҳод мантиқда Хусравни енггач, улуг шоҳ билан бир масалада шартлашадир: Бесутун тоғидан агар Фарҳод Хусравнинг кўшини сиккулик бир йўл қазиб берса, Хусрав Шириндан воз кечишини айтади. Фарҳоднинг Бесутундаги меҳнатини кўрсатиш билан яна фикр Бесутун тоғидаги қадимий сурат ва барельефларга кўчади. «Низомийга ва бутун форс адабиётидаги анъанага кўра, гўё Фарҳод томонидан қазилган бу тоғ Эроннинг ғарбидаги осори атиқаси, қадим Эрон тарихига оид суратлари билан маълум бўлган Бесутун тоғидир». Бу ерда юқоридан ўрганган Доронинг битикларидан бошқа Хусрав ва Ширин мавзуси билан боғлиқ қатор суратлар мавжудки, улар ҳақида қадимий манбаларда қайдлар учрайди. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир Табарийнинг (838 - 923) «Тарихи русул в-ал-мулк» («Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи»), Абу Дулафнинг «Рисоли Сония», Ибн ал-Факих Ҳамадонийнинг

«Китобу-л-булдон» («Шаҳарлар ҳақида китоб»), Шаҳобиддин Абу Абдуллоҳ Ёқутнинг «Муъжаму-л-булдон» («Шаҳарлар мажмуаси») ёки айрим таржималарга кўра, «Жўғрофия луғати») каби манбаларда тилга олинган афсонавор суратлар Фарҳод ва Ширин мухаббатининг тошдаги аксидир.

Фитрат Низомий достони¹ни шунчаки кузатиб қолмаган, ундаги Хусрав ва Ширин, Ширин ва Фарҳод линияларини бошқа хамсанависларнинг асарларига солиштирган ҳолда қиёсан таҳлил қилган. Бунга қадар у Фирдавсий асарида кўрилган Хусрав ва Ширин муносабатларини ўрганиб, унинг Низомий асарида қайта ишланиш сабабларини, Низомийнинг ўз қаҳрамони Ширинга бўлган муносабатининг жуда эътиборли нуқталарини топиб кўрсатган. «Шоҳнома»га кўра, Хусрав овда Ширинни учратиб, ниҳоят унга уйланганидан сўнг, «Тоқи Вайс»ни бино қилиши унинг айшу ишратлари, Мадойин шаҳрининг қурилиши тасвирланган. Ширин Хусравнинг қасрига кириб, унинг аввалги хотини Майрамни заҳарлаб ўлдиргани ва ундан туғилган Шеруя отасини ўлдириб Ширинга эришмоқчи бўлганда, Шириннинг Хусрав қабрида ўзини заҳарлаши билан бу дoston якунланган. Низомий достонида Фарҳод ва Ширин воқеалари алоҳида бир гўзал санъткорларлик билан суғорилганки, натижада бу муносабат, гарчи иккинчи даражали Фарҳод воситасида ҳам кўзга ташланса ҳам, кейинроқ мустақил дostonга айланиши учун замин яратилган. Низомий достонида Ширин ва Хусрав учрашувлари ҳам, воқеага Фарҳоднинг аралашуви ҳам Мадойин шаҳрида кечади. Низомий тартибига кўра, Ширин сутни ёктиради, жуда кўп сут ичади. Кўйлари қасрдан йироқда тургани учун сут келтириш қийин бўлади. Ширин кўйлар турган тоғдан қасргача тошдан бир ариқ чиқармоқ ва сутни шундан оқизиб, қасрга келтирмак фикрига тушади. Шопур Хитойда ўзи билан баравар сафар қилиб, баравар туриб, баравар ўкиган бир тошчи йигитни келтирадир. Фарҳод Шириннинг амри билан ариқ қазиб битирадир. Ўзи Ширинга ошиқ бўлиб қоладир». Бу воқеадан хабар топган Хусравнинг хийласи билан Фарҳоднинг ҳалок бўлгани дostonдан бизга маълум. Шу воқеа Низомий достонининг битмагани Хусрав ва Ширин муносабатларининг давом этгани бўлиб, хатто Шеруя томонидан Хусрав ўлдирилгандан кейин ҳам Ширин унинг қабрида ўзини пичоқлаб ўлдириши билан ҳам тугамайди. Буни Фитрат шундай

¹ Низами. Хусрав и Ширин. - М.: 1966.

тушунтиради: «Достон, асосан, шунда битса ҳам, Низомий бундан ислом динининг фойдасига бир натижа чиқармоқчи бўлади: Хусрав Муҳаммад пайғамбарнинг хатини йиртиб ташлагани учун шохлиги бузилди, деб яна бир-икки фасл орттиради ва достонни шунинг билан битирадир». Мана бу тарих китобларидан маълум бўлган ва достоннинг мантики тасдиқлаб турган ечимни, бизнингча, Фитрат маъқул кўрган. Гарчи ислом дини атеизм сиртмоғи остида бўйлаётган 30 -йиллар бошида Низомий ҳаққига очиқ тасанно айтмаса ҳам, олимнинг бу хулосага муносабатини аввалроқ ислом тарихига оид ёзган асарларидан аниқлаб олишимиз қийин эмас. Бирок Фитратни бу ўринда Низомийнинг маҳорати эмас, унинг достони ўзидан кейингиларига нима берди деган масала билан қизиқтирган. Унингча, «ўзини Низомийга ўхшатган, у билан бўй ўлчамоқчи бўлган шоирлар орасида энг машҳури 14-асрнинг биринчи яримида ўлган амир Хусрав Дехлавийдир. Амир Хусрав Дехлавий ўзининг «Хусраву Ширин» достонини Низомий каби бошлаб, шу каби битирадир». Достон воқеалари олим томонидан баён қилинмаган, ҳатто Низомий асари билан ҳам қиёсланмаган. Олим фақат эътиборини икки муҳим нуқтага қаратган. Уларнинг биринчиси, гарчи бу ҳақда Фитрат кенг тафсилот билан таҳлилга киришмаган бўлса ҳам, Дехлавий томонидан Хусравнинг эмас, Шириннинг биринчи даража қаҳрамон қилиб олинishi билан боғлиқ Хуршид журъат этган «беҳуда жасоратлар»ни танқид қилиб, Хуршиднинг «Шириннинг юрти «Арман отинда бир қишлоқ бўлиб, халқи ҳам бари ўзбек, яъни Ширин ҳам бир ўзбек қизи бўлиб қолади» деган фикри тарихий ҳақиқатга зид эканини аниқлатган.

И.Брагинскийнинг маълумотига кўра, Ширин номи Ўрта Осиёнинг энг кўхна манбаларидан бири «Авесто»да сув ва тўкинчилик маъбуди сифатида Ардвесура номи билан тилга олинган, тарихчи К. Тревернинг аниқлашича, Авестодаги сув маъносидаги «сура», «сираям» сўзларининг Ширин сўзига яқинлиги бор. Фитрат мақоласида Ширин сўзи форсча «Шир» (сут) маъноси Шириннинг сутни яхши кўриши муносабати билан эсланади. Е.Э. Бертельс эса «Низами» китобининг «Хусрав ва Ширин»га бағишланган бобида унинг маза -таъми англатувчи «ширин (сладкая)» деган таржимасини келтиради¹ (1,26). Бирок бу икки маъно *Ширин* сўзининг этимологиясига кўра, биз излаган нуқтаи назардан аҳамиятсизроқ. Фольклоршунос Б. Саримсоқов

¹ Бертельс Е. Э. Низами. - М: 1947. - С.114.

қадимги ўзбеклардаги ёмғир чақириш маросими «сут хотин» (айрим тилларда «Сут хотин», «Сув хотин», «Сут хотин») юқорида тилга олинган Ардвесура Анахита култи билан боғланган. Хоразм ва Амударё ўлкаларида бу маросимнинг ўтказилмаганлигини хабар бериш билан, уни «Авесто»нинг саккизинчи яштида таърифланган ёғингарчилик Худоси Тиштирия билан боғлиқ. Тиштирия сўзидаги «ия» жинсни ифодаловчи кўшимча бўлиб, Тиштир сўзи халқ орасида *тузтр*, *сузтр*, *суст* шаклида ўзгариши натижасида келиб чиққан, деган фаразни илгари суради (1.250). С.Эркинов юқоридаги Ардвесура номини Ширин сўзига асос бўлган деб қабул қилиб, тубандагича этимологик тавсифни: «сув» маъносини англатган «сира» сўзи «с» товушининг «ш» товушига айланиши билан *Шир-Шира* шаклига эга бўлган. «Шир - тегишлилик, воситалик мазмунини англатувчи «ин» аффиксини қабул қилиб (1,221), *Ширин* «сувга тегишли мазмунини англатиб қолган бўлиши мумкин» деб ёзади. Агар мана шундай товуш ўзгаришларини аниқлаб, Ширин сўзининг этимологияси изланса, уни Ардвесурадан кўра, Тиштирия билан кўпроқ боғлаш мумкин. Бирок ҳар икки маъбуднинг рамзий маъноси сув билан боғланганлигини назарда тутиб, уларнинг қайси бири Ширинга асос бўлганини аниқ хулосалашга шошилиб бўлмайди. Иккинчидан, бизни иккилантирган мантиқ шуки, «Авесто»дан кейин то милодий 7-аср воқеаларигача, яъни Хусрав Парвез воқеаларигача Ширин номи қайси манбаларда учрашига қараб, бу фаразлар ўзгариши мумкин. Фитратни эса бу сўзнинг этимологияси эмас, балки «афсонанинг пайдо бўлиш ўрни» қизиқтиради: «Шохнома»да Шириннинг қаердан экани айтилмайди. Низомий бу дostonни Арманистон билан Эрон орасида ўйлайди... Навоий воқеани Чин ўлкаси билан Арманистон орасида тушунади. Хатто Ширинни арман қизи эканини жуда очиқ ёзади» дейиши билан масала ҳал этилган деб ўйлайди. Бизнингча, Ширин сўзининг этимологиясини ўзбек ва форс тилларидан ёки бу икки тилдаги қардош халқларнинг тарихий манбаси саналган «Авесто»дан излаш билан бирга, унинг арман қизи эканини унутмаган ҳолда бу сўзнинг маъносини арман тилидан ва қадимги Урарту (тоғли арман битиклари) манбаларидан ҳам излаш зарурмикин. Ана шунда буюк Низомий, Дехлавий, Навоий назарда тутган Ширин образининг проотип ёки фольклордаги қадимги ўрни масалаларига очиқлик киритиш мумкин бўлади.

ИЖОДА АНИҚЛИК – МАҲОРАТ МЕЗОНИ

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,
ф.ф.д (ФарДУ)

Наср аниқликни ёқтиради. Фақат тарихий ёки хужжатли асарлардагина эмас, балки ёзувчининг ижодий фантазияси асосида яратилган бадиий асарларда ҳам факт ва рақамлар, персонажлар қиёфаси, ёши, замон ва макон аниқ бўлгани маъқул. Бу, биринчидан, ўқувчини ишонтиради. Иккинчидан, аниқлик санъаткор маҳоратининг даражасини кўрсатадиган мезон ҳамдир. Шу нуқтаи назардан ўзбек реалистик прозасининг асосчиси бўлган Абдулла Қодирий ижоди ибратлидир. Адиб ўзининг ҳар бир асарида - у ҳикоями, қиссами, роман ёки оддий мақолами, бундан қатъий назар, аввало, фикрнинг тиник, факт ва рақамларнинг аниқ, мулоҳазаларининг равшан бўлишига эришади. Ўқувчи учун мавхум туюладиган ҳолатларга мутлақо йўл қўймасликка уринади.

А.Қодирий ўз ижоди давомида ҳар доим сўз санъатининг асосий фазилатларидан бири “фикр теранлигидир”¹ (Аристотель) деган ўғитга қатъий амал қилган. Бу ёзувчидан тасвирланаётган воқеанинг моҳияти, қаҳрамонлар яшаётган шароитга дахлдор бўлган нарса ва ҳодисаларни аниқ, лўнда, ишонарли ифодалай олиш маҳоратида намоён бўлади. А.Қодирийнинг қайси бир асарини мутолаа қилмайлик, унда даставвал, воқеа рўй берадиган сана, макон, унда ҳаракат қиладиган қаҳрамон қиёфаси, муҳит аниқ кўзга ташланади. Бу хусусият адибнинг барча жанрлардаги асарларида яққол кўринади. Масалан, биринчи асари “Жувонбоз” шундай бошланади: “Ҳамал ойининг ўн бешлари бўлиб, баҳор аввали эди. Ҳаволар илиб, баҳор шамоллари дарахтларни ҳар тарафга эгмакда эди ва ҳар хил паррандалар дарахтларда бир-бирлари билан ўйнашиб ёқимли овозлар билан сайрамоқда эди”.² Бу парчада фаслнинг тиник манзараси акс этган. Ёки “Жинлар базми” (шу номли ҳикоя) ҳикоячиси – отанинг аниқ кўрсатишича, воқеа “...тевараги қуюқ дарахтлик майдон билан ўралган” боғларининг ёнидаги Ҳамдам хумдончининг чакалагида рўй

¹ Аристотель. Поэтика. Ахлоқи кабир. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2004. 29-бет.

² Қодирий А. Тула асарлар тўплами. 1 том. -Т.: “Фан”, 1995. 19-бет.

беради. Муаллиф боғидан уйига кеч қайтаётган отанинг йўл-йўлакай кўрган-кечирганларини шу қадар аниқ тасвирлайдики, ўқувчи уни фақат тасавурида жонлантирибгина қолмай, балки кўзи билан кўргандек ҳам бўлади. Дарвоқе, А.Қодирийнинг бу борада эришган ютуқларидан бири “ҳикояни “серсув” (кўп сувли) қиладиган нарсалардан бири кўрсатиш ўрнига сўзлаб бериш”¹ эканлигини англаб етганлигидадир.

Шу боисдан ёзувчи “сўзлаб бериш”дан ўзини тийиб, кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Бунинг учун А.Қодирий асарини ёзишдан аввал “Материални ўрганиш маҳалида энг майда нарсалар (деталлар)га”² алоҳида аҳамият беради. Ўрганиш жараёнида ёзувчи назарига тушган нарсалар тасвирнинг аниқлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Масалан, А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи куйидаги аниқ тасвир билан бошланади:

“1264-нчи ҳижрия, далв ойининг 17-чиси, қишки кунларининг бири, куёш ботган, теваракдан шом азони эшитиладир”.³

Атиги 14 та сўздан ташкил топган шу қисқа жумла роман воқеалари ичига кириш учун йўл очибгина қолмайди. Балки бутун асар моҳиятини белгилловчи, ёзувчи А.Қодирийнинг асосий ғоявий ниятини очивчи калит вазифасини ҳам бажаради.

“Шу жумлаларни кўп ўйлайман, - деб ёзади Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик бу ҳақда. - Нима учун “қиш куни?” (бахор ёки ёз эмас?) Нима учун атрофдан “шом азони” (бомдод азони эмас?) эшитилади?

Балки бунинг рамзий маъноси бордир, балки ёзувчи айнан шом азонини таъкид этганида фақат номозга чақирикни эмас, бошқа нарсани ҳам назарда тутгандир? Ҳар ҳолда менга шундай туюлади. Шом – қоронғилик босиб келишидан бир дарак. Далвда кечалар узун, ёруғлик камрок бўлади. Шом азони юрт бошига ёпирилиб келаётган қоронғилик, зулматдан огоҳ этувчи дарак эмасмикан? Донишманд адиб: “Ҳой, мусулмонлар, кўзингизни очингиз, остонангизда ғаним турибди. Иттифоқ бўлмас экансиз, ёруғ кунларингиз узун тун кечаларига айлангусидир”, демокчи бўлмаганмикинлар? Бу азон чақириғига эътибор берилмади. Ёзувчи

¹ Қодирий А. Қичик асарлар. -Т.: Ф.Фулом номидаги БАН, 1969. 201-бет.

² Шу манба, 210-бет.

³ Қодирий А. Ўткан кунлар. Мехробдан чаён. -Т.:Ф.Фулом номидаги НМБ. 1992. 8-бет. (Бундан кейинги мисоллар ҳам шу манбадан олинган).

азон чақириғини тилга олгач, унинг изидан “номоз ўқилди” демаганлар. Фақат чақирикни баён қилганлар. Хужрадагилар эса ўз ишлари билан машғуллар. Бу ҳам ноиттифокликка бир ишорамикан?”¹

Ёзувчимизнинг ғоят мазмунли мақоласидан хийла қискартириб олинган мазкур матн аслида 1,5 бетни (166 сўз) ташкил этади. Бу шарҳни яна бемалол давом эттириш, чуқурлаштириш, янги маънолар топиш мумкин. Масалан, хижрий йил ва ойни милодга айлантирсак, 1848 йил феврал ойининг бошларига тўғри келади. Тарихдан аёнки, XIX аср ўрталарида Туркистон ўлкаси осмонида қора булутлар қуюқлаша бошлаган, рус босқинининг совуқ изғирини эсаётган бир давр эди. Муаллиф буларни айтиб ўтирмайди, маънони матн остига сингдиради. Зийрак ўқувчи биладикки, феврал ойи бошларида ҳаво совуқ, ҳали қиш чилласи этагини йигиб олмаган пайт бўлади. Бу буюк санъаткор А.Қодирийнинг тасвирда оз сўз қўллаб, кўп маъно бера олиш маҳоратидан далолатдир.

Шундан сўнг Маргилон карвон саройининг кўриниши, унда жойлашган одамларнинг феъл-атвори қисқа, лўнда ибораларда кўрсатиб ўтилгач, асарнинг асосий қаҳрамони Отабек билан таништиришга киришилади. Ўқувчи атиги икки абзацга жойлашган тасвирда (98 та сўз, шунинг ҳам 4 таси “ва”, “ҳам” боғловчилари, 4 та “бу” кўрсатиш олмоши) Отабекнинг мукаммал сурати-ю сийратидан воқиф бўлади. Аниқлик шу даражада мукаммалки, қаҳрамон жойлашган хужра ҳам, унинг эгаси ҳам ўқувчи кўз олдида барча анжомлари (ҳатто уларнинг эски-янгилиги ҳам, қандай матодан тикилгани ҳам), қадди-қомати, ҳолати, кайфияти (“Қандоғдир бир хаёл ичида ўлтирғувчи йигит”) ҳам лоп этиб кўринади.

А.Қодирий тасвирда шу қадар аниқликка интиладикки, Отабекни йўқлаб келган Раҳмат бойвачча билан Ҳомидбойни ҳам, бошқа ҳар бир персонажни ҳам эсда қоладиган даражада тиниқ ифодалайди. Ҳатто юзи, кўзи, соқол-мўйлабининг қай даражада қузалганлиги-ю, ранги ҳам назаридан четда қолмайди.

¹ Адабиёт. Бадийят. Абдижит. Хотиралар,бадиалар,мақолалар. Нашрга тайёрловчи Х.Қодирий. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2004. 66-бет.

Бугина эмас. Адиб асарларини мутолаа қилган ўқувчи Абдулла Қодирий яратган қахрамонларнинг ёши ҳам аниқ кўрсатилганига гувоҳ бўлади. Назаримда, ёзувчи қадимда ижод қилган фан аҳллари ҳамда табибларнинг қарашларини синчиклаб ўрганиб, йигит кишининг камолот босқичини аниқ чегаралаб олгандек туюлади. Унинг ишончига кўра, эр киши икки мучал –20–24 ёш орасида йигит бўлади, ақл–фаросати тўлади, ҳис–туйғулари пўртанага келади, ҳаётида, характерида жиддий ўзгариш рўй беради.

Ҳайратланарли жойи шундаки, Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Обид кетмон” каби йирик эпик асарларидаги асосий қахрамонлар ҳам 20–24 ёшларида ўз бошларидан муҳим ҳодисаларни кечирадилар.

“Ўтган кунлар” романининг бош қахрамони Отабек билан илк учрашувимиздаёқ унинг 24 ёшга кирганлигини билиб оламиз. Романнинг “Отабек Юсуфбек хожи ўғли” бобида Ҳомиднинг: “Неча ёшга кирдингиз, бек?” деб берган саволига Ҳасанали: “Бекка худо умр берса, бу йил ҳамдуна бўлса, тўппа–тўғри йигирма тўрт ёшга қадам кўядилар”, дейди. Насрнинг аниқлик фазилатига ғоят катта эътибор берган адиб Ҳасанали нутқида бир ўқ билан бир йўла икки куёни урган: биринчидан қахрамоннинг ёшини аниқ белгилапти, иккинчидан, ҳижрий 1264 йил эски тақвим бўйича маймун йилига тўғри келганлигига ишора қиляпти. Шу йили Отабек уйланди, Ҳомиднинг фитнаси билан дастлаб Маргилон ҳокими Ўтаббой кушбеги фармонида кўра дор остига келтирилади. “Нажот фариштаси” Кумушбибининг кўмаги ила ўлимдан қутилди. Кейинги сафар Ҳасаналининг элчилиги боис Қўқонда Мусулмонқул жаллоднинг қўлидан халос бўлди. Ҳа, маймун йили Отабекнинг бошига маймун кунларини солди, аммо у айнан йигит ёшида бўлганлигидан бу кулфатларни енгди.

Отабек ўзининг бошига не–не балоларни ёғдирган фитначи рақибларини аниқлаб, Ҳомид, Содик ва Мутални ер тишлатганида 27 ёшда, Кумушбибидан айрилганида 30, ўз ихтиёри билан урушга бориб, босқинчиларга қарши жангда шаҳид бўлганида 37 ёшда эди. Ҳа, Отабек дунёга йигит келиб, йигит кетди!

Бундай фактларни ёзувчининг яна бошқа асарларида ҳам кўп учратиш мумкин. Демак, қаҳрамонларининг гувоҳлик беришларича, йигит ёши аниқ – 24 дир. Бу рақам менга яна бир сирли ҳикматни англатиб туради. У ҳам бўлса, Қодирийнинг ижодий камолоти билан боғлиқ масаладир. Зукко адибимиз Т.Маликнинг биз юқорида тилга олган мақоласида Отабекнинг Зиё шоҳичи уйидаги даврада айтган фикрларидан парча келтириб, кейин қуйидагиларни ёзади:

“Бу гапларни йигирма тўрт ёшли йигитнинг номидан тахминан шу ёшдаги адиб ёзптилар. (Тахминан дейишимизга сабаб шуки, асар ёзиш ғояси Абдулла Қодирийда, эҳтимол, шу ёшларида туғилгандир). Ҳар ҳолда роман эълон қилинганда у зот ўттиз ёшларида бўлганлар”.

Ҳурматли адибимизнинг ушбу гапларидан “тахминан”, “эҳтимол” сингари мавҳум сўзларни чиқариб ташлаб, аниқ айтиш мумкинки, Абдулла Қодирий “Ўтган кунлар” ни парвозга шайлашга киришганда роса йигирма тўрт ёшга тўлганди (1894-1918). Роман икки-уч йилда ёзиб тугалланган, аммо уни нашр этиш чўзилиб кетди. Ёзувчининг олдида турли тўсиқлар пайдо бўла бошлади. Дастлабки икки бўлими “Инқилоб” журналида босилиб чиқди. Ана шу журнал нусхасини ўқиган ўқувчилар ёзувчига, журнал муҳарририятига тўхтовсиз мактуб йўллашиб, “Ўткан кунлар”ни тезроқ китоб ҳолида чиқаришни сўрашарди. Афсуски, “Рўмон деб сизга тақдим қилинган бу нарса дунёга келиши биланок бахтсизликка учрай бошлаган эди: беш йиллаб босила олмай ётди”.

Демак, “Ўткан кунлар”нинг 1-бўлими 1925, учала бўлимларни ўз ичига олган тўқис китоб 1926 йилда босилиб чиққанини ҳисобга олсак, унинг босилиб чиқишига беш йил тўскинлик қилинганлиги чиқариб ташланса, роман айнан 1918-1920 йиллар оралиғида ёзиб тугалланган. Айни шу пайтда муҳтарам адибимиз Абдулла Қодирий танлаган қаҳрамони Отабек билан тенгдош – 24-26 ёшларда бўлиб, юртига, миллатига, касбига бўлган буюк ва ўлмас эътиқодини ҳимоя қилиш учун Ҳомид, Содик, Мутал ва чор Русияси истилочилари қиёфасидаги душманларига қарши жангга отланган эди. Шу боисдан ҳам 114 ёшлик улуғ санъаткоримиз Абдулла Қодирий менинг кўз ўнгимда ҳамиша навқирон - 24 ёшида намоён бўлаверади.

АЛИШЕР НАВОИИ ИЖОДИЁТИДА ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

*Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
филология фанлари доктори (Тошкент)*

Йигирма биринчи аср ёшларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларни маънавий камол топтиришда Навоийнинг миллий давлатчиликка оид қарашлари катта аҳамиятга эга. Ёшлар йили дастурини амалга оширишда Навоийнинг бу борадаги фикр-ғояларидан, панду насихатларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, бугунги ёшларимиз келажакда ҳарбий зобитлар, давлат хизматчилари, Ватан посбонлари бўлиб етишишлари шубҳасиз. Шунда Навоийнинг давлат ва жамият бошқаруви йўналишидаги ҳаётий-фалсафий фикрлари жуда асқотади. Навоийдаги ватанпарварлик ва халқпарварлик туйғулари ёшларимизнинг доимий ҳамроҳига айланса, лашкар беҳатар, Ватан сарҳадлари беҳавотир, осойишта бўлади, деган умиддамиз.

Алишер Навоийнинг давлат ва жамият бошқарувиغا ижодий муносабати доимий долзарб ҳамда ўта ҳаётий муҳим муаммодир. Ушбу мавзу янги бозор иқтисодиёти шароитларида, хусусан, йигирма биринчи асрнинг дастлабки етти йилида бирор ўринда деярли ёритилмаган. Аслида миллий давлатчилик асосларини барпо этишнинг маънавий масалалари ҳамиша Алишер Навоийнинг диққат марказида турган. Зотан, у улўғ шоир ва буюк мутафаккир бўлиши билан бирга, атоқли давлат арбоби ҳамда йирик мулкдор шахс сифатида ҳам фаолият кўрсатган. Ҳозир ҳам у яшаб ижод этган Ҳирот шаҳрида халқ нуфўзли ўтмишдошини фахр билан "Амири кабир" сифатида эслайди.

Бизнинг авлодимизнинг ёшлик даврларида давлат ва жамият бошқарувиغا, мулкка муносабат батамом бошқача эди. Бу борадаги нуқтаи назар коммунистик мафкура асосига қурилган эди. Ўрта мактабнинг ўнинчи синфида буюк пролетар ёзувчиси Максим Горькийнинг "Она" романи ўқитиларди. Романнинг бош қаҳрамони Павел Власовнинг нутқи ҳар бир ўқувчига ёдлатиларди ва унинг нутқи қандай ўзлаштирилганлиги баҳоланарди. Нутқ қуйидаги сўзлар билан бошланарди: "- Биз – социалистлармиз! Бунинг маъноси шуки, биз хусусий мулкка қаршимиз!" Бунда коммунистик мафкуранинг нуқтаи назари яққол ифодаланган. Бозор иқтисодиёти тизимининг нуқтаи назари эса бунга тамоман тесқари. Бозор

иктисодиёти хусусий мулк тарафдори. Бозор иқтисодиёти тизимида ҳар бир кишининг хусусий мулк орттириши, хусусий мулкка эга бўлишигина эмас, балки уни кўпайтириши, йирик мулкдорга айланиши қонун билан кафолатланган. Мулкдорлик ҳуқуқи жамиятнинг барча қатламлари, тоифаю табақа вакилларига берилган. Хусусий мулкдорликни рағбатлантириш, такомиллаштириш йўлга қўйилган. Хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатларига кенг йўл очилган, банклардан кредит олиш, сармоя орттириш ва уни ривожлантириш, мулкдорлик талабгорларини ҳомийлик йўли билан қўллаб-қувватлаш имкониятлари яратилган. Мустақилликнинг ўтган ўн олти йилида аввалдан сармоёга эга бўлмаган кўплаб оддий одамлар ва хунармандлар ушбу имкониятлардан фойдаланиб, мулкдор бўлишга улгуришди. Масалан, оддий тупроқдан сопол буюмлар ясашни санъат даражасига кўтарган, ўнлаб жаҳон мамлакатлари музейларида ижод намуналари сақланса-да, шўро даврида қоса қармаган, санъатини ривожлантиришга сармоя топа олмаган гиждувонлик усто Ибод Нарзуллаевнинг авлодлари бугун яхшигина мулкдорга айланган ва дунё кўргазмаларида хорижий кулоллар билан тенг рақобатлашиш салоҳиятига эга. Бундай мисоллар кўп. Бундай мулкдорлар қанча кўпайса ва кучайса, давлат ва жамият ҳам шунчалик бойийди ҳамда кучаяди.

Янги тизим қонуниятлари ўз-ўзидан жамиятда мулкдорлик руҳиятини шакллантиришни тақозо этади. Хўш, унда замонамиз қаҳрамонлари кимлар бўлади? Замонавий ёшларимизнинг маънавий қиёфаси, ахлоқи, маданияти қандай шаклланади? Табиийки, янги бозор иқтисодиёти шароитларида ёшларимиз маънавий-ахлоқий қиёфасини мусаффо сақлаш, уларда маънавий баркамоллик мужассамлашган мулкдорлик маданиятини шакллантириш долзарб масала бўлиб қолади. Бозор иқтисодиёти тизими мулкдорлар жамияти тарафдори экан, замонамиз қаҳрамони, у қайси соҳа ва касб эгасилигидан қатъи назар, мулкдорлар тоифасига мансуб бўлиши қонуний ҳолдир. Мана шу ўринда Навоий сабоқларига зарурият сезилади. Яъни бозор иқтисодиёти тизимида шаклланаётган фуқаролик жамияти маънавий баркамол инсонлардан таркиб топиши, бошқарувдаги давлат хизматчилари эса маънавий комил инсонлар бўлиши тақозо этилади. Бундай сифат даражасига эришиш учун эса Навоий ўғитлари сув билан ҳаводек зарур. Навоийнинг бу борадаги

қарашлари, айниқса, "Ҳайрат ул-аброр" дostonининг учинчи мақолотида қиёмига етказиб ифодаланган. Хўш, Навоий наздида, мулку мамлакат эгаси ким? Унинг маънавий сифатлари оддий халқ вакиллари билан қандай нисбатда? "Шоҳнинг мунглуғ мушаввашлар билан не нисбати?"

*Бил муниким, сен доғи бир бандасен,
Кўпрагидин ожизу афгандасен.
Эрмас алар туфроғу сен нури пок,
Хилқат аларгау сенга тийра хок.
Барча жавориқ била аъзода тенг,
Сурати навъию ҳаюлода тенг.
Лек ҳунар ичра, камол ичра ҳам,
Хулқу хушу лутфи мақол ичра ҳам.
Ҳам равишу адлу ҳам инсоф аро,
Ҳилму ҳаёву бори авсоф аро,
Шаръ тариқида, ибодатда ҳам,
Ҳақ йўлида тақвию тоатда ҳам.
Сен тушубон йўл нажаҳидин йироқ,
Кўпраги сендин юрубон яхшироқ.*

Навоийнинг ушбу фикрларини фақат шоҳгагина эмас, балки барча давлат хизматчиларига, мулкдор раҳбарларга нисбатан татбиқ этиш мумкин. Албатта, раҳбарлар – жамиятнинг етакчилари. Аммо, улар Навоийнинг фикрича, алоҳида ҳолатда кўпчиликнинг бири. Табиий салоҳиятларига кўра, улар бошқа жамият аъзолари билан тенг. Ҳатто уларга насиб этмаган айрим фазилатлар бошқаларда бўлиши мумкин. Навоий бошқалардаги афзалликларга қиёсан шоҳни камтаринлик ва хокисорликка даъват этади. Мутафаккирнинг бундай талаби бизнинг янги давлатчилигимиздаги тамойилларга ҳам тўғри келади. Ўзбекистон Конституциясига биноан: "Халқ давлат хокимиятининг бирдан-бир манбаидир"(7-модда). Ҳақиқатан ҳам, давлат раҳбарларининг битмас-туганмас заҳираси халқ оммасида мужассамдир. Ҳар бир раҳбар шахс халқ орасидан етишиб чиқади ва хизмат вазифасини бажариб бўлганидан кейин яна асл ўзанига - халқ бағрига қайтади, оддий фуқарога айланади. Навоий сабоғида ана шу оддий ҳақиқатни назардан кочирмаслик, ўзини халқдан юқори қўймаслик, халқдан йироқлашмасликка нозик ишора бор.

Рахбарият халкнинг бир қисми эканлиги, ўзини халкдан устун қўйиши ноўринлиги ҳозирги методологиямиз асосларида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Президент И.А.Каримов ўз нутқларида раҳбар маънавияти масалаларига қайта-қайта мурожаат этади. Мисол тариқасида унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги сўзлари диққатга сазовор: "...Айрим (раҳбар - Н.Ж.) ходимларнинг махсус хизмат либосини кийиши билан бирданига юриш-туриши, хулқ-атвори ўзгариб қолади. Уларнинг онгида "Биз давлатнинг ўта ишончли одамларимиз, қолганлар эса биз назорат қилиб туришимиз лозим бўлган омма, холос" деган кайфият пайдо бўлади. Бу, ахир, ўтмишга, шўролар даврига хос бўлган ахлоқий тубанлик асорати эмасми? Давлат муассасалари ... ходимлари бир ҳақиқатни қулоғига қуйиб олсинки, улар ҳам мана шу халкнинг бир қисми, ҳеч кимдан, оддий одамлардан ортиқ жойи йўқ». Раҳбар ходимлар одамларни назорат қилиши эмас, балки уларга хизмат қилиши керак, дея уктиради юртбошимиз.

Давлат бошқаруви ходимларининг халқ олдидаги масъулияти масаласида ҳам Алишер Навоий ҳозирги давлат ва ҳуқуқ нуқтаи назари билан яқдил. Ушбу масала Асосий Қонунимизда қуйидагича ечимини топган: "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар" (2-модда). Навоий ҳукмдорнинг халқ олдидаги масъулиятини қуйидагича бадий талқин этади:

*Бўлди раият галаву сен шубон,
Ул шажари мусмиру сен богбон.
Қўйни шубон асрамаса ою йил,
Оч бўрилар тўъмасидур бори, бил.
Боқмаса деҳқон чаманин туну кун,
Нахли тарин англа қуругон ўтун.
Бўрини доғи галадин дур қил,
Сув берибон богни маъмур қил.
Ғам есанг, ул гала манофиъ берур,
Бог гулу меваи нофиъ берур.
Гала тугансау қурусса шажар,
Худ санга қолмас яна нафъу самар.*

Навойи талқинича, подшоҳ раият, яъни халқнинг тинч ва осойишталиги, тўқ ва фаровонлиги учун масъулдир. Халқ - пода бўлса, шоҳ - чўпон, халқ - боғ бўлса, подшоҳ - боғбон. Қўйларни чўпон ою йил йиртқич ҳайвонлардан қўриқламаса, бари оч бўриларга ем бўлади: Халқни ҳукмдор ўғри, босқинчи, юлғич, порахўрлардан ҳимоя қилмаса, халқ ҳимоясиз қолади, адолатсизлик авж олади, давлат ва жамият таназзулга учрайди. Боғбон мевали дарахтларини парваришламаса, қуриган ўтинга айланади-қолади. Бу ҳолда нафақат боғ гулу мева беришдан тўхтайтиди, яъни халқнинг насибаси қурийди, балки ҳукмдорнинг ўз ризки ҳам қирқилади. Бундай фожианинг олдини олиш учун, бўрини подадан қувиш, боғни эса суғориб, обод қилиш керак. Яъни раҳбар давлат ва жамият тарқибини нопок кимсалардан тозалаш зарур.

Мутафаккир золим ҳукмдорнинг зулми ва гуноҳлари жазосиз қолмаслигидан огоҳлантиради, маъшар қунидаги ҳисоб-китобга ва дўзах азобига мустаҳиқ бўлишига иқроп этади:

*Ким не кишиким, санга маҳкум эрур,
Зулминга бечораву мазлум эрур,
Гарчики йўқ шавкату сармоясини,
Сендин эрур ортуқ анинг поясини.
Негаки чун ҳашир қуни зулжалол
Золиму мазлумни айлар савол.*

Қиёмат қуни Яратувчи золим билан мазлумни сўроқ қилганида, мазлум юксалади, золим эса афтода ҳолга тушади. Унда жабрдийда молу мартабаси бўлмаса ҳам, золим ҳукмдордан юкори мақомда туради. Унга меҳр-мурувват, бунга эса хор-зорлик юзланади:

*Анга эваздур, санга шармандалиқ,
Анга бийиклик, санга афгандалиқ.
Тил чекиб ул ханжари пўлоддек,
Очилибон савсани озоддек.
Санга бинафша киби қадди нигун,
Бош қўтара олмай уётдин забун.
Анга нишоту санга андуҳу гам,
Ул санга андоққи, анга сен бу дам.
Ҳар не хато қилгонинг ўлғоч ҳисоб,
Бўлғусидур ҳар бирига юз азоб.*

Яъни у қанчалик кўп хатога, гуноҳга, зулмга йўл қўйган бўлса, охиратда шунчалик азоб-укубат тортади. Унга фақат биргина восита - у зулм етказган мазлумнинг кечирими нажот бахш этиши мумкин. Умид фақат шундан:

*Қилмаса мазлум гуноҳинг биҳил,
Дўзах ародур ватанинг муттасил.
Афвин анинг тутмасанг уммид сен,
Билки, тамуг ўтида жовид сен.*

Агар жабрдийданинг афвига сазовор бўлолмаса, золим дўзах ўтида абадий куйиши муқаррар. У кимгаки бир ингичка ипчалик зиён етказган бўлса, шша ип маҳшарда унинг қатли учун илонга айланади:

*Кимгаки бир ришта етурдунг зиён,
Қатлинга ул риштани билгил йшлон.*

Зулм учун жазо муқаррарлигини уқтираркан, шоир ҳукмдорни ҳушёрлик билан зулмпешалиқдан воз кечишга ундайди. Зулмни даф этишнинг бирдан-бир оқилона йўли адолат ўрнатиш эканлигини мазкур мақолотга илова қилинган ҳикоятда маҳорат билан тасвирлайди Навоий.

Навоийнинг давлат ва жамият бошқаруви ҳақидаги ғоялари унинг лирик асарларида ҳам ўзига хос ўрин тутаетди. Мана бу асарда ғазабкор шоҳ ва унинг хизматидаги амалдорларнинг аянчли аҳволи ниҳоятда таъсирчан тасвирланган:

*Жаҳон ганжиге шоҳ эрур аждаҳо,
Ки ўтлар сочар қаҳри ҳангомида.
Анинг коми бирла тирилмак эрур –
Маош айламак аждаҳо комида.*

Шоирнинг бадий талқинича, шоҳ жаҳон хазинаси устида ётган бамисоли бир аждаҳо. У қаҳру ғазабга минганида, гўёки оғзидан олов пуркайди. Шунинг учун унинг паноҳида бирор амалга эга бўлиш, яъни унинг маслаги билан яшаш бамисли аждаҳо ҳалқумида туриб тирикчилик ўтказиш билан баробардир. Бундай амалдорларнинг маскани шунинг учун ҳам таҳликали ва омонатки, аждаҳо - шоҳнинг қаҳри келганида ё ҳалқумидаги луқмани билиб-билмай ёқиб юборади ёки лиқ этиб ютиб юборади. Шунинг учун ҳам шоҳ саройига ўралашган амалдорларнинг аксарияти ё беному

нишон йўқ бўлиб кетади ёки маънавий-руҳий мажруҳ бўлиб оддий одамлар орасига қайтади ва гумном бўлади.

Бозор иқтисодиёти маънавияти ҳам навоиёна адолатли бошқарувни тақозо этади. Навоийнинг ўзи маърифатли мулкдор бўлган ва маърифатли мулкдорликни ёқлайди. Агар ёш тадбиркор маънан баркамол, кўзи тўқ, саховатли, олийҳиммат бўлмаса, нафси унга ғолиб келади. Бойлик орттиришнинг эса чек-чегараси йўқ. Оқибатда, бундай мулкдорлик маънавий инқирозга олиб боради. Навоий эл шод, мамлакат обод бўлишининг асосий шартини қуйидаги асариди катта бадий жасорат билан намоиш этган:

*То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.*

Демак, бўлгуси мулкдорларни маънавий камол топтириш учун уларнинг маънавий-руҳий оламидан ҳирсу ҳавас, нафсу ҳаво каби бузғунчи тамойилларни барҳам топтириш, зулму ситамнинг жон таслим этишига эришиш зарур экан. Шундагина, Навоий орзу этганидек, жамиятда маънавий баркамол мулкдорлар синфи шаклланади, эл шод, мамлакат обод бўлади.

ЭРТАККА ХОС АНЪАНАВИЙ ШАРТЛИЛИК

*Салима МИРЗАЕВА,
ф.ф.д. (АНДУ)*

Маълумки, романик дostonлардаги эпик маконлар моҳиятан ўз ва ўзга маконларга бўлинади. Ўз макон - бу халқ идеалини ташувчи қахрамон, унинг яқинлари ва дўстлари яшайдиган макон ҳисобланади. Шунга кўра, ўз макон ҳар томонлама таъриф тавсифга лойиқ макон бўлиб, дostonларда у аниқ тасвирлар, ер шарининг қайси нуқтасида жойлашганлигини англатувчи изоҳ ёки қайдлар билан таъминланмаган бўлса ҳам, халқ ижодкорлари уларнинг жойлашиш ўрнининг мавҳумлиги ҳолатида ҳам юксак таъриф тавсифларга бой тасвирлайдилар. Масалан, «Гўрўғли» дostonларидан айримларида Чамбил «Урганч элдан тубанда, ўзи қибла томонда, Чамбилнинг белинда, Така-Ёвмитнинг элинда» («Далли», 7-бет), «Ўзи қибла томонда, Бухородан тўманда (аслида тубанда), Така-Ёвмит деганда, Ёвмит элида, Чамбилнинг белида» («Равшан», 361-бет), «қибладан туманинда, Така-Ёвмитнинг

элинда, Чамбилбелнинг белинда» («Холдорхон», 5-бет), «кибладан туманинда, Гўрўғли замонинда, Гўрўғлибек Чамбил мамлакатида» («Кундуз билан Юлдуз», 203-бет) деб эпик маконнинг аниқ ўрнини кўрсатишга интиладилар.

Қизилқум саҳросининг умуман гиёҳ ўсмаган қумнинг бир чеккасида улкан чинорнинг ўсганлиги, унинг шохларида турлитуман сайроқи қушларнинг бола очиб, сайраб туришлари, чинор ёнида девори қалайдан бино қилинган кўрғоннинг мавжудлиги романик эпос учун хос тилсимли эпик макон учун типик тасвир. Романик дostonлардаги эпик маконнинг бундай тилсимли характери бевосита сеҳрли эртақлар таъсиридан бошқа нарса эмас. Шу боис бундай эпик маконлар тасвиридан ҳеч ким аниқ географик ёки реал мантикий изох талаб эта олмайди. Бундай тасвирлар романик эпос учун табиий ҳисобланиб, эпос эстетикаси талаблари, эпик аънана учун хос ҳолат сифатида қабул қилинаверади.

Қаҳрамон сафари пайтида унинг олдида пайдо бўлган тасодифий бундай маконларнинг эстетик вазифаси битта. У ерда қаҳрамон ким биландир учрашади ва шу орқали воқеалар оқими жонланади. «Малика айёр» дostonида ҳам Қалайи кўрғонда Авазхон Шоқаландар (Гўрўғли) ва Шозаргар (Рум элининг подшоси Ҳасан) билан учрашади. Мана шундан сўнг улар хавфли сафарга отланиб, турли хатарларни енгиб, ўз мақсадларига етадилар. Хуллас, қаҳрамон сафари чоғида унинг олдида пайдо бўлган кўрғон ёки маконлар жиддий эпик вазифа адо этувчи маконлар ҳисобланади. Улар бемақсад асар сюжетиға киритилмайди.

Авазхон Шоқаландар, Шозаргар ва мерганлар билан навбатдаги ўзга маконға - Кўкламтоққа келади. Кўкламтоғ аслида ҳақиқий тоғ эмас, балки девлар томонидан сурати чизилган тилсим макон эди ва Торкистон шахрининг дарвозасига кўндаланг қилиб қўйилганди. Агар Шоқаландар Кўкламтоққа «Ёрил» деб буйрук берса, тоғ иккиға ажралиб, унга йўл берар эди.

Ушбу макон романик дostonлар эстетик табиатиға хос тилсимли жой бўлиб, у ердан ҳар ким ҳам ўта олмасди. Чунки ичкари кирган зотни ё шерлар, ё аждарлар ўлдирар эди. Шу боис бу хавфли йўлни фақат Малика айёрнинг қора тулпоридағина босиб ўтиш мумкин, холос. Ушбу сирларни ҳалок бўлган одамларнинг суяклари остида юмронқозик қиёфасига кириб олган Шоқаландар девлардан билиб олади ва Торкистонға улар девлар айтгандай

килиб кириб борадилар. Ўз-ўзидан маълум бўладики, Кўкламтоғ, Ўртачўл каби эпик маконлар эпос қаҳрамонларининг донолигини, тадбиркор ва жасоратли эканликларини синаб кўриш, шу орқали тингловчиларнинг уларга нисбатан меҳр-муҳаббатларини ошириш учун воситачилик қилувчи маконлар ҳисобланади.

Мана шундан сўнг Малика айёр яшайдиган Қосимшоҳ мамлакатининг пойтахти Торкистон макони тасвирланади. Бахши ушбу ўзга маконни шундай тасвирлайди: «Торкистон шундай шаҳар: буни қоронғуликда парилар, девлар сеҳр-жоду билан ясаган эди. Ўзи қоронғилик дунёдан эди. Бу қоронғулик дунёга ёруғ дунёнинг куни билан ойининг шуъласи урмас эди. «Бу ой билан офтобга муҳтож бўлмайлик», - деб яхши олмослардан, дур, гавҳарлардан ой, офтоб қилиб, майда, ўткир кимматбаҳо тошлардан юлдузлар қилиб қўйган эди. Бу қоронғуликда Торкистоннинг шаҳри шундай ёруғ, ярқиллаб турган. Гуллар очилган, чаманлар яшнаган, сувлар оккан, гулистон-бўстон, булбуллар сайраб маст бўлиб қолган, кўрмаганлар армонда, кўрганлар дармонда. Ҳеч бир бунинг мисоли ўхшашини айтиб бўлмайди»¹.

Юқоридаги тасвиру таърифдан шу нарса маълум бўладики, сеҳрли эртақларга хос ҳаёлот бойлиги романик дostonлардаги маконлар тасвирида, айниқса, ўзга мифологик маконлар тасвирида жуда кенг истифода этилади. Фозил шоир ҳам эртақларга хос ана шу анъанани дoston жанрига дадил олиб киради ва эпосга хос тасвир поэтикаси талабларига мос ҳолда ижодий қўллайди. Бунда эпосга хос ички мантиқ талабларига риоя қилишни унутмайди. Масалан, Торкистон қоронғулик дунёсига жойлашган экан, у ерда яшовчи париларнинг яшаш шароитини ҳам бадий далиллаши лозим эди. Чунки ўсимлик, ҳайвонот - жамики тирик мавжудот ёруғликда ўсиб-улғаяди. Агар Торкистон зулмат дунёсида жойлашган бўлса, у ердаги ўсимликлар, қушлар қандай ҳаёт кечиришади. Бироқ шаҳарнинг ёритилишини бахши дур, гавҳарларнинг ялтираши билан, яъни улардан сунъий ой ва офтоб қилингани, майда ўткир тошлардан эса юлдузлар ясалганлиги билан изоҳлайди. Аслида эса зулмат бағрида, агар заррача нур бўлмаса, ҳеч қандай тош ҳам чақнамайди. Ўсимлик ва қушларнинг яшаши эса ёруғлик билан жуда-жуда алоқадор. Аммо романик дostonлардаги бадий шартлилик масаланинг биологик ва физиологик жиҳатларига аниқ ҳаётий изоҳ реалистик талқин

¹ Малика айёр. -86-бет.

беришни назарда тутмайди. Чунки эртакка хос анъанавий шартлилик романик дostonларда етакчи бадиий тасвир мақомини олган. Бунга кўра, Торкистон шахри зулмат бағрида жойлашган ва бу маконда яшовчи девлар, одамлар, парилар эса тилсимот қудрати билан ясалган сунъий ой, қуёш ва юлдузлар нуридан баҳраманд бўлиб кун кечирадилар. Дoston учун ўзга маконнинг ер ости дунёсида жойлашганлиги, у ердан олиб кетилиши шарт бўлган париларнинг сунъий ёритгичлар нуридан баҳра олиб яшашлари аҳамиятли. Масаланинг қолган барча жиҳатлари эса романик дostonларда аниқ илмий детерминизмга эга бўлиши шарт эмас.

Умуман олганда, мазкур дostonдаги қаҳрамон олдида турган эпик маконларнинг ҳар бири муайян даражада мифологик асосга, мифологик моҳиятга эга бўлади. Бундай эстетик ҳодиса ҳақида проф. Б.Саримсоқов куйидагиларни ёзганида тўла ҳақли эди: «Малика айёр» дostonида қаҳрамон олдида қўйилган соф ижтимоий тўсиқлар билан генезиси мифологик тасаввурга алоқадор эпик тўсиқлар нисбати солиштирилиб чиқилса, унда юқорида айтилганидек, генетик жиҳатдан мифология билан алоқадор эпик тўсиқлар нисбати кўпроқ ўринни эгаллайди. Бунинг муҳим сабабларидан бири дoston асосида ётган эпик тўсиқнинг бевосита мифологик образ - пари ҳамда мифологик макон Торкистон мамлакати билан боғлиқлиги ҳисобланади. Бундан романик эпоснинг барча намуналаридаги эпик тўсиқлар кўпроқ мифологик кодлар билан алоқадор экан, деган тугал хулоса келиб чиқмаслиги лозим... бундан романик эпос таркибига кирувчи дostonлардаги эпик тугун, конфликтнинг мифологик тасаввурлар билан боғлиқлигига қараб қаҳрамон йўлидаги эпик тўсиқлар ё кескин ижтимоий-эстетик, ё кескин мифологик характер касб этишлари мумкин, деган хулосага келиш мумкин¹.

Мазкур фикрнинг романик дostonлардаги эпик маконларга ҳам тааллуқли жиҳатлари бор. Чунки дostonларнинг ушбу типиди шундай эпик ўзга маконлар борки, улар анъанавий жойлар сифатида бир эмас, жуда кўпчилик дostonларда бир хил вазифа, бир хил тавсиф ва тасвирда қўлланиладилар. Бу эса эртакка хос анъанавий шартлиликни амалга ошишида муҳим бир воситадир.

¹ Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси //Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. - Т.: Фан, 1981.-Б.143-144.

БОБУР ЭЪТИРОЗИНИНГ СИРИ

Ҳабибулло Жўраев,
доцент (ФарДУ)

XV асрнинг иккинчи ярми адабий муҳити ҳақида кенгрок тасаввурга эга бўлишимиз, шу давр ижодий маҳсули бўлмиш айрим асарлар мазмун-моҳиятини тўғри англашимизда Заҳириддин Муҳаммад Бобур мероси муҳим аҳамиятга эга. Бадиий асар яратилиши, муаллифнинг ғоявий-бадиий позициясигина эмас, балки унинг китобхон томонидан қай йўсинда қабул қилиниши ҳам дунёқараш, муносабат, савия билан боғлиқлигини "Бобурнома"даги айрим лавҳаларда кузатишимиз мумкин. Масалан, Бобурнинг Муҳаммад Солиҳ шахсияти ва ижодий фаолиятига берган баҳоси адабиётшунослар томонидан таҳлил этиб берилган. Аммо текширувчилар бу баҳони икки муҳолиф томон қарашлари сифатида талқин этадилар. Биз қуйида Бобур таърифи акс этган ўша лавҳани келтирамиз: "Яна Муҳаммад Солиҳ эди. Чошнилик ғазаллари бор, агарчи ҳамворлиги чошнисича йўқтур. Туркий шеъри ҳам бор, ёмон айтмайдур. Шайбонийхоннинг отига бир туркий маснавий айтибтур. Бисёр суст ва фурудтур, ани ўқуғон киши Муҳаммад Солиҳ шеъридан безътиқод бўлур..." (1)

Тадқиқотчиларнинг ўзаро муносабат билан боғлиқ қарашларини рад этмаган ҳолда шуни ҳам айтиш керакки, Бобурнинг бундай хулосага келиши унинг дунёқарашини, адабий жараёнга, муҳитга муносабати, қолаверса, ижодий тамойили билан ҳам боғлиқдир. Чунки Бобур сал юқорида анъанавий "Искандарнома" ўрнига "Темурнома" битган Ҳотифий ижодига ҳеч қандай муносабат билдирмайди. Ҳотифий достонининг фақат "латофати шухратича йўқ"лигини айтиб ўтади, холос. Агарда шахсий ғараз Бобурнинг кенг, холис дунёқарашидан устун турганида эди, у ўз бобокалонини Искандардан ҳам юқори кўтариб дoston ёзган Ҳотифийни таҳсинга кўмган бўлур эди.

Муҳаммад Солиҳ бевосита Шайбонийхон хизматида бўлиб, кўрган-кечирганларини бадиий асарда реалистик тасвирлаши, бошқача айтганда, ўз даври адабий анъаналари қобиғидан чиқиб кетишини "Бобурнома" муаллифи ҳазм килолмаган кўринади. Бобурнинг ўзи "Бобурнома" асарида қанчалар реалист бўлмасин, аксарият лирик асарларида бундай ижодий принципни қўлламаган, анъанавий романтик ифодадан узоқлаша олмаган эди. Шунинг учун

хам Муҳаммад Солиҳнинг шеърий асарда реалистик принциплар асосида иш кўрганлиги, руҳий олам талқинларидан кўра воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний тасвирлаш тамойилида бўлганлиги унинг замондоши бўлган Бобурга, эҳтимол, унча маъқул келмаган.

Бобур яна бир замондоши бўлмиш мавлоно Ҳилолийга, аксинча, ўз даври тасвир анъаналаридан чекинганлиги учун эътироз билдиради. "Бир маснавийси бор, - деб ёзади "Бобурнома" муаллифи, - хафиф баҳрида, "Шоҳ ва Дарвеш"қа мавсум. Агарчи баъзи байтлари тавре воқеъ бўлубтур, вале бу маснавийнинг мазмун ва устихонбандлиги (сюжети) бисёр ковок ва харобтур». Шундан сўнг Бобур ўз баҳосини куйидагича изоҳлайди: «Шуаройи мутақаддам ишқ ва ошиқликни ўз маснавийларида эрга ва маъшукликни хотунга нисбат қилибтурлар. Ҳилолий Дарвишни ошиқ қилибтур, Шоҳни маъшук. Абётеким, шоҳнинг афъол ва акволида дебтур, ҳосилким, шоҳни жалбий ва фоҳиша қилибтур. Ўз маснавийсининг маслаҳатиға бир йигитни ва яна шоҳ йигитни бисёр бесураттурким, ...фоҳишалардек таъриф қилғай..."

Агарда Захириддин Муҳаммад Бобур Ҳисор ҳукмдори Хисравшоҳнинг феъл-атворидаги нуқсонларни "асли-насли тоза эмас"лигидан дея ҳисоблашидан, Ҳусайн Бойқарони "каримутттарайн" - ҳам ота, ҳам она томондан шоҳ авлоди дея эҳтиром кўрсатишидан, Бадиуззамонни собиқ ғунчачи-канизак Ҳадичабегимнинг фарзанди Музаффар мирзодан ортиқроқ кўришидан ҳам маълум бўладики, Ҳилолийнинг "шоҳ йигит"ни "бесурат" таъриф қилиши унинг дунёкараши ва тушунчасига мос келмаган, тўғрироғи, бирмунча нафсониятига теккан.

Бобурнинг Ҳилолий асарига юқори баҳо бермаслигига дунёкараш билан бирга ижодий услуб масаласи ҳам алоқадор. Ҳилолий ўз даври учун хос ва мос бўлган услубий хусусиятлардан ҳам бирмунча чекинган. Гарчи "Шоҳ ва Дарвеш" ишқий-романтик асар бўлса-да, бироқ у ўзининг тасвир тарзи билан бошқа шу типдаги дostonлардан тафовутланади. Гап шундаки, Ҳилолий анъанавий бадий санъатлардан хаддан зиёд баландпарвоз тасвирлар, хаёлий гўзалликлар яратиш учун фойдаланган. Бироқ Шоҳ образини васф этганда уни самовий фаришталардек эмас, балки реал инсон сифатида кўрсатади. Шу билан бирга, Шоҳ ўз ошиғи Гадо учунгина гўзалдир. Муаллиф Шоҳни ҳар қадамда таъриф-тавсиф қилмасдан, унга дастлабки боблардагина айрим ўринлар ажратган. Ошиқ Гадода эса гўзаллик ва нафосат сифатлари

деярли йўқ. Чунки Шох ва Гадонинг ишқи ташқи гўзалликка эмас, балки маънавий юксаклик, руҳий поклик, қолаверса, ишқи илоҳийга асосланган.

Хулоса қилиш мумкинки, шоирнинг дунёқараши, ғоявий мақсади асар характериға, тасвир воситалариға, фалсафий-эстетик жиҳатларға таъсир кўрсатганидек, асарни қандай қабул қилиш, баҳо бериш муайян давр билан боғлиқ равишда китобхон савияси ва нуқтаи назариға ҳам боғлиқдир.

НАВОИЙ ДЕБОЧАЛАРИ БАДИИЯТИГА ДОИР

*Фарида КАРИМОВА,
доцент (НамДУ)*

Алишер Навоий дебочаларини жуда гўзал ва бой бадиий воситалар беаб туради. Бу бадиий воситалар хилма-хил ва ранг-баранглиги билан кишини ҳайратда қолдиради. Дебочаларда шоирнинг буюк сўз санъаткори сифатидаги маҳорати жуда ёрқин намоён бўлган. У дебочаларда ташбеҳ, сифатлаш, истиора, муболаға, тафрит, тарди акс, мадиҳ, фахрия, талмеҳ, эънот, таносиб каби кўплаб маънавий ва лафзий санъатлардан маҳорат билан фойдаланади.

Навоийшунос олим Ё.Исҳоқов «Навоий поэтикаси» китобида шоир асарларида қўлланган ташбеҳ, сифатлаш, истиоралар ҳақида гапириб, улар мумтоз шеърятнинг қон-қонига сингиб, унинг зарурий элементларға айланиб кетганлигини таъкидлайди.¹ Дарҳақиқат, Навоий асарларини, жумладан, дебочаларини ҳам бу поэтик санъатларсиз тасаввур этиш қийин.

Дебочаларда энг кўп мурожаат қилинган санъатлардан бири ташбеҳдир. Навоий тафаккур оламининг ниҳоятда кенг ва ранг-баранглиги ташбеҳ санъати орқали яққол намоён бўлади. Шоир тафаккурнинг учқур отида юксак-юксакларға парвоз қилади, ўзининг фикр-ўйларини, ички ҳиссиётларини гўзал бир либосда жилвалантирадики, бу рангин жилвалар, бу бетакрор гўзаллик кишиға битмас-туганмас завқ бағишлайди; ана шу бетимсол гўзалликни кашф этган даҳо кудратидан ҳайратланасан киши.

Фикримизнинг далили сифатида дебочалардаги ўхшатиш намуналариға назар ташлайлик. Навоийнинг ўхшатишларидаги

¹ Ё.Исҳоқов. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983, 208-бет.

Ўхшамиш фақат шаклга эмас, кўп ҳолатда вазифага асосланган. Мана шу хусусият Навоийга жуда кўплаб ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ва келмайдиган ўхшатишларни вужудга келтиришга сабаб бўлган.²

Маълумки, Шарқда девон тузишнинг ўзига хос қоидалари мавжуд. Яъни, девондаги шеърлар араб-форс алифбосидаги 32 ҳарф тартибида жойлаштирилиши лозим. Лекин Навоийгача бўлган шоирлар 32 ҳарфнинг тўрттасида шеър битмаганлар. Навоий ўз девонида бу камчиликни тугатади. Буни шоир образли тарзда шундай тасвирлаб, гўзал ташбеҳ намунасини яратади: «Чун сўз аруси назм ҳарирининг матбуъ кисватин ва мавзун хильятин кийиб, жилва оғоз қилса, ҳукқаи ёкути доғи ўттуз иккита гавҳардин қачонким тўртига нуқсон вокиъ бўлса, муқаррардурким, жамолига андин қусур ва каломига андин футур воқеъ бўлғусидур».³ Яъни: «Сўз келинчаги шеъриятнинг ҳарир либосидан ёқимли ва ярашимли кўйлак кийиб, жилва қила бошласа-ю, оғзидаги ўттиз иккита гавҳар (тиш) дан тўрттасида нуқсон бўлса, ундан жамолига қусур ва нуткига путур етиши муқаррардир». Девондаги шеърларни сўз келинчагига, алифбодаги 32 ҳарфни унинг оғзидаги тишларига ўхшатиш Навоийнинг ташбеҳ бобидаги кашфиётларидан биридир.

Умрининг сўнгги йилларида Навоийнинг соғлиги анчагина ёмонлашади. Худди шу пайтларда Хусайн Бойқаро шоирга ўз шеърларини тўплаб, тўрт девон тузиш ҳақида фармон беради. Умри давомида ёзган лирик шеърларини тўплаб, уларни ислоҳ қилиб, тўрт девон тузиш Навоий назарида осон иш эмас. У шоирдан улкан меҳнат ва катта масъулият талаб қилади. Буни яхши англаган шоир шу даврдаги руҳий ҳолатини куйидагича тасвирлайди: «... агарчи заъфимга қувват имкони зоҳир бўлуптур, аммо ҳануз бузуғ кошонамдин чиқарга кўпмоқ тиласам, осилган у бори анкабут торлари дастгирим бўлуб мадад еткурмагунча, тебранмакка тобу тавон ва ҳаракатқа мақдур, балки имкон йўқтур, пашша юз пили дамон торта олмаган юкни нечук тортқай, батахсиским, мажруҳу ранжур даги бўлғай, мўрчанинг шери жаён қила олмаган ишни нечук қила олғай, хусусанким, бемору сихҳат тарикидин маҳжур дағи бўлғай».⁴

² А.Рустамов. Навоийнинг бадий маҳорати. Ғ.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1979, 67-бет.

³ Алишер Навоий Мукамал асарлар тўплами, 20 томлик, 1-том, Тошкент, 1987. Б-20

⁴ Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Тошкент: Фан, 1988, 15-бет.

Навой ўз асарларида, жумладан, дебочаларида ҳам муболага санъатидан маҳорат билан фойдаланади. Юқоридаги парчада ҳам муболагадан ўзининг кексалик пайтидаги рухий ҳолатини, кечинмаларини реал ва таъсирчан ифодалаш учун фойдаланади. Навой шу даврларда кексаликдаги қувватсизлик ва хасталиклар туфайли шунчалик заифлашадик, ўрндан туришга ўргимчак торлари мадад етказмаса, ҳаракат қилшга имкон ва қуввати йўқ. Беморнинг ўргимчак торларига тирмашиб ўрндан кўзгалиши жуда чиройли муболагали тасвир намунасидир.

Мумтоз адабиётда нарса ёки ҳодисани атайин кичрайтириб, заифлаштириб тасвирлаш санъати - тафрит ҳам кенг қўлланади. Навой юқоридаги парчада ўхшатиш билан тафритни биргаликда қўллайди. Шоир ўзини пашша ва чумолига ўхшатади; пашша юзта ҳайбатли фил торта олмаган юкни тортолмайди, тортса ҳам мажрух бўлади, чумоли ғазабли шер қила олмаган ишни бажара олмайди, бажарса ҳам соғлиғидан айрилади. Бу билан шоир девон тузиш жуда улкан иш эканлигини, бу ҳамманинг кўлидан келавермаслигини таъкидламоқда.

Маълумки, девон тартиб бериш учун жуда катта билим ва тажриба, талант ва маҳорат талаб қилинган. Шунинг учун ўтмишдаги шоирларнинг кўпчилиги ўз шеърларидан девон тузавермаганлар.

Мумтоз адабиётда сўз такрорига асосланган санъатлардан бири тарди акс бўлиб, Навой ўз лирик шеърларида ҳам бу санъатнинг гўзал намуналарини яратди. Шунингдек, дебочаларда ҳам бу санъатга мурожаат қилади: «Не тонгдин ақшомғача ўзумга бир дам ғизодин ком, не ақшомдин тонгғача турфат-ул-айни кўзумга уйқудин ором».⁵ Бу мисолдаги биринчи гапда «не тонгдин ақшомғача», иккинчи гапда «не ақшомдин тонгғача» тарзида қайтарилган ва акс ҳосил қилган. Келтирилган мисолда бу санъат шоирнинг хаста пайтидаги рухий ҳолатини чуқур ва таъсирчан ифодалаш учун хизмат қилган.

Дебочада кўп қўлланилган қофия билан боғлиқ санъатлардан бири эънотдир. Эънот санъатининг моҳияти шундан иборатки, «сўзлагучи сажъ ёки қофияда равий ҳарфидин олдин берилмаги шарт бўлмаган бир ёки бир неча махсус ҳаракат ёки муайян ҳарф келтирур».⁶ Дебочалар, асосан, сажъ усулида ёзилган. Навой кўп

⁵ Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. – Тошкент: Фан, 1988, 20-бет.

⁶ Атоуллох Хусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. – Тошкент: 1981, 102-бет.

Ўринларда сажълаш учун шундай сўзларни танлайдики, уларда равийдан олдинги бир ёки бир неча ҳарфлар ҳам бир хил бўлади. Бу сажъланаётган сўзларнинг жарангдорлигини, равонлиги ва мусикийлигини таъминлайди. Асосийси, айтилаётган фикрнинг чуқур ва ёрқин, таъсирчан ифодаланишига хизмат қилади. Масалан: «Яна буким, сойир давовинда расмий ғазал услубидинким, шойиъдурур, тажовуз қилиб, махсус навъларда сўз арусининг жилвасига намойиш ва жамолига оройиш бермайдурурлар».⁷

Юкоридаги мисолда ўзаро сажъланган «намойиш» ва «оройиш» сўзларидаги равий «ш» товушидир. Равий олдида келтирилиши шарт бўлмаган «о» ва «и» товушлари такрорланган. Бу эса сажъланган сўзларнинг оҳангдорлигини, таъсирчанлигини оширади.

Дебочалардаги эънот санъати намуналарини яна кўплаб келтириш мумкин: «Ҳолиё, иккаласи алфоз назмига қойил, балки девон такмилига мойил бўлғай».⁸ Ёки: «Ва гоҳи иборатим қусурин тағйир бермак била айбдин мубарро ва гоҳи маонийимдин футурин ислоҳ қилмоқ била нуқсондин муарро қилур эрди».⁹

Алишер Навоий дебочаларда «мадих» санъатини ҳам қўллайди. «Мадих» луғатда мақташ, мақтов демақдир.¹⁰

Мумтоз адабиётда шоир қасида, девон ё бирор асарини ўз даври ҳукмдориға ёки бирор олий мартабали шахслардан бирига бағишлаши анъанага айланган бир ҳол бўлган. Шубҳасиз, бундай асарларда (кўпроқ кириш қисмларида) ўша ҳукмдор ёки олий мартабали шахс ниҳоятда кўқларга кўтариб мақталган. Масалан, Хусрав Дехлавий «Нух сипехр» («Тўққуз осмон») достонини ўз даврининг ҳукмдорларидан бири Муборакшоҳга бағишлаган. Ҳукмдор бунинг учун унга, шоирнинг маълумот беришича, «олтин фил» ҳадя қилган.

Навоий девонларининг дебочасида ҳам шунга ўхшаш ҳолат мавжуд. Шоир ўз даври ҳукмдори Хусайн Бойқарони мадих санъати орқали ниҳоятда таърифу тавсиф қилади. Бунинг сабабларидан бири анъанавий ҳолатнинг мавжудлиги бўлса, иккинчидан, санъаткор ижодини қўллаб-қуватлаш, унга моддий ва

⁷ Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1987, 22-бет.

⁸ Ўша асар, 15-бет.

⁹ Ўша асар, 17-бет.

¹⁰ Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П. Шамсиев, С.Иброҳимов. – Тошкент: 1972, 348-бет.

маънавий шароит яратиб бериш давр ҳукмдорлари ва олий мартабали кишиларга хос одат бўлган. Бу Навоийгача ва Навоийдан кейинги даврда ҳам анъанавий ҳолат тусини олган.

Алишер Навоий дебочаларида Ҳусайн Бойқаро шаънига битилган баландпарвоз сўз ва ибораларни, шеърий мисраларни кўплаб учратамиз. Бунинг сабаблари Ҳусайн Бойқаронинг ҳам мактабдош дўст сифатида, ҳам подшоҳ сифатида шоир ижодининг ривожланиши учун шарт-шароитларни яратиб беришга интилганлиги, шеърларини таҳрир қилганлиги, девон тузишга рағбатлантирганлиги, умуман, Навоий талантига ва ижодига чуқур ҳурмат билан қараганлигидадир. Ўз навбатида, дебочалардаги баёнда, келтирилган шеърларда Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога бўлган чексиз ҳурмати, чуқур эҳтироми яққол сезилиб туради. Ҳатто айрим ўринларда Ҳусайн Бойқарога хос бўлган сифатлар бўрттирилади. Масалан, Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаронинг тахт тепасига келишини мадиҳ санъати орқали қуйидагача тасвирлайди: «Мулк шабистони бир давлат машъали била равшан бўлдиким, учкунининг ашиъасида бадри мунир бадр олдида Суҳодек ёшунди ва адл шахристони бир маъдилат хуршиди била ёрудиким, ашиъасининг партавида меҳри оламгир меҳр олдида заррадек кўрунди. Иқлимгиреким, хумоюн шарафидин фармонраволик хутбасининг минбари пояси Муштарий авжига етти ва ганжбахшеким, рўзафзун жаноби исмидин кишваркушойлик сиккасининг миръоти беҳбуд нақшин зоҳир этти. Покдинеким, шарият ривожиди хуршиди раъяти ихтисобидин Зухра уди юзидаги торлардин мусҳаф битир мистар юзига чекти. Адлойинеким, раият риоятида инсофи деҳқони мададидин Миррихи қаҳтандош савобит доналарин сипеҳр мазраъида экти. Соҳибқиронеким, тийғи суйидин разм бўстонида фатҳ гуллари очилди, мулкистонеким, азми асаридин базми анжуманида иноят саҳобидин зафар дурлари сочилди:

*Шаҳеким, васфи юз минг йил туганмас, деса юз минг тил,
Бу айтилгонча юз минг бил, яна ҳар бирни юз минг қил.
Ки юз мингдин бири зикр ўлмагай зикр ўлса юз минг қарн,
Бу юз минг қарндин ҳам бўлса ҳар бир лаҳза юз минг йил!»¹¹*

¹¹ Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1987, 15-16-бет.

Бундан кейинги ўринда ҳам Хусайн Бойқарони васф этувчи туркум рубоийлар берилади. Умуман, ҳар икки дебочада ҳам Хусайн Бойқаро мадҳига жуда кенг ўрин берилган бўлиб, бу нарса юқорида тилга олинган сабаблар билан боғлиқдир.

Дебочаларда кўлланилган санъатлардан бири фахриядир. Алишер Навоий «Хазойин ул-маоний» дебочасида бу улкан шеърӣ тўпламнинг яратилиш тарихи, тузилиши билан ўқувчини таништиради. «Хазойин ул-маоний» яратилган вақт оралиғида «Хамса», «Назм ул-жавоҳир», «Мажолис ун-нафоис», «Зубдат ут-таворих» ва бошқа асарларини ижод қилганлиги ҳақида хабар беради. Шундан сўнг давом этиб ёзади: «Ва бихамдиллоҳ андоқ муродлар касб эттиким, менинг абнойи жинсимнинг юзидин бирига муяссар бўлмайдуру ва андоқ мақсудларга еттимким, аларким, мендек юз, балки минг қуллари бор эрди, бирининг соғари орзуси менга нишот еткурган май била тўлмайдуру. Бихамдиллоҳи таолоки, бу авқотдаким, умр водийсининг кўпрагин анинг давлатидин муродлар била қатъ этибмен ва ҳаётнинг ниҳоятига қомлар, балки қомронлиғлар била етибмен, ҳеч турлуғ армон хотиримда қолмайдуру ҳеч навъ орзу қўнглумда синганин ҳаёлим топа олмайдуру. Ҳар не дунё муродию зоҳир қомронлиғидуру, сурубмен ва сўзумнинг сийту садосин анинг мадҳида етти фалакка еткурубмен».¹²

Шоир бу ўринда фахрия усули орқали ўзининг ноёб таланти ва маҳорати туфайли бадий ижод соҳасида улкан ютуқларга эришганлиги ва ижодда бундай юсак чўққиларга кўтарилиш ҳаммага ҳам насиб этавермаслигини таъкидламоқдаки, бу, албатта, реал заминга эгадир.

Умуман, шоир дебочаларда ўз фикрларини равон, таъсирчан, образли ифодалаш учун бадийликнинг турли хил воситаларидан фойдаланади. Шу боис Навоийнинг шеърӣ асарларидагина эмас, балки насрий асарларида, хусусан, дебочаларида ҳам бадийлик юксак даражададир.

¹² Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик 3-том. – Тошкент: Фан, 1988, 20-бет.

ЎЗБЕКИСТОНДА МАХТУМҚУЛИ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Эргаш ОЧИЛОВ,
фил. ф.н. (ТАИ)

Махтумқули ўзбек халқининг ўз шоирига айланиб кетган: унинг, хусусан, маънавий-ахлоқий мавзудаги теран панд-насихатга йўғрилган маънодор шеърлари кириб бормаган ўзбек хонадони йўқ, Махтумқули номини билмайдиган бирорта ўзбек топилмайди десак, муболаға қилмаган бўламиз. Махтумқули шеърлари ўзининг халқчил руҳи туфайли асрлар давомида халқ бахшилари, халфалари ва ҳофизлари томонидан куйланиб, шоирларга илҳом бериб, адабий давралар ва шеърят кечалари, гап-гаштакларда ўқилиб келган. Ўзбекнинг бирор тўй-тантанаси йўқки, у Махтумқули кўшиқларисиз ўтса! Қора Сейтлиев таъбири билан айтганда:

*Ўзбекнинг уйида маъно сочилса,
Фирогийдан бошлар донолар сўзин.¹*

Шубҳасиз, “бутун туркий халқлар учун тушунарли ва сеvimли шоир”² бўлган Махтумқули Ўзбекистонда ҳам энг машҳур, энг сеvimли, энг оммабоп шоирлардан бири ҳисобланади. Зеро, “Махтумқули шеърятти ўзбек маданиятининг қонуний бир бўлаги, эҳтиёж қисмига аллақачонлар айланиб улгурган. Бу шеърят ҳар бир ўзбек учун бир таълим Академияси”³.

Махтумқули асарларининг ўзбек халқи орасида тарқалиши XVIII асрнинг 60-70-йилларидан – у Хивадаги Шерғозихон мадрасасида таҳсил олиб юрган пайтларидаёқ бошланган.⁴ У турли мушоиралар, адабий давралар, шеърят кечаларида қатнашиб, ўзининг ҳозиржавоблиги ва халқона теран маъноли шеърлари билан тез орада элга танилган, шуҳрати кенг ёйилиб, ҳали ҳаётлигидаёқ у ҳақда ўнлаб ривоятлар ҳам тўқилган.

“Махтумқулининг Хивада ўтказган ўқиш йиллари унинг йигитлик – 25-28 ёшига тўғри келади”⁵. Бу даврда Низомий, Саъдий, Жомий, Навоий, Фузулий асарлари Хива мадрасаларида асосий дарсликлар сифатида ўқитилган. “Бу эса Махтумқулининг

¹ Кўчирма куйидаги китобдан олинди: Қураμβоев К. Ўзбек-туркман адабий алоқалари. – Тошкент, 1978. 7-бет.

² Кенжабек М. Махтумқули – валий шоир (Сўзбоши) // Махтумқули. Сайлаъма. – Тошкент, 2004. 3-бет.

³ Ҳажоқлов И. Шеърят – руҳий муносабат. – Тошкент, 1989. 101-бет.

⁴ Бу ҳақда қаранг: Абдуллаев Ҳ. Махтумқули ва ўзбек адабий муҳити. – Тошкент, 1983. 30-бет.

⁵ Абдуллаев Ҳ. Махтумқули ва ўзбек адабий муҳити. 15-бет.

Ўзбек, форс-тожик ва озарбайжон адабиёти вакиллари ижодидан баҳраманд бўлишига қулай имконият яратади”.¹ У араб, форс ва ўзбек тиллари, ислом дини асослари ва тасаввуф фалсафасини яхши билган.

Академик Самойловичнинг ёзишича: “Махтумқули даврида туркманларга ва Махтумқулининг ўзига Хоразм ва Бухоро ҳам маданий таъсир кўрсатди”.² Унинг сўфиёна шеърлари Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Носируддин Рабғузийлар асарларидан илҳомланиб яратилган. “Махтумқулининг ғоявий суянч, рухий таянч жойларидан бири Аҳмад Яссавий деб ижодиёти ҳисобланади, – деб ёзади Иброҳим Ҳаққулов. – Уни Яссавийдан ажратиш улкан чинорнинг ўқ илдизини заминидан суғуриб ташлаш билан теппа-тенгдир. Махтумқули Яссавий ҳикматларидан кўп ғоявий озиқ олган, хусусан, Яссавий тўртликларида қўлланилган ва доимий қайтарилган поэтик образлардан ижодий фойдаланган”.³ Махтумқули ва Хива адабий муҳити мавзуида тадқиқот олиб борган Ҳамдам Абдуллаевнинг тахминича: “У Нишотий, Равнак каби шоирларни шахсан билган ва улар билан яқин алоқада бўлган бўлиши мумкин”.⁴

“Махтумқулининг адабий мероси, шуҳрати Ўзбекистонинг бошқа вилоятларига қараганда Хоразмда кенг ёйилган ва халқ қалбига чуқур сингиб кетган. Бунинг асосий сабабларидан бири Махтумқули шеърларининг Хоразмдаги ўзбек шевалари тилига яқинлигида, шоирнинг Шерғози мадрасасида таҳсил олиши ва асарларининг кўп қисмини Хоразмда ёзганлигидан бўлса керак. Шунинг учун ҳам машҳур хонанда ва бастакор Комижон Отаниёзов айтганидек: “Хоразмни шоирнинг иккинчи юрти” деб бемалол айтиш мумкин”.⁵

“Махтумқули асарлари кенг тарқалган Хоразмда шоир шеърларини ўз репертуарига киритмаган бирорта ҳам бахши ёки созанда йўқ. Айниқса, халқ бахшиларининг ижрочилик санъатида Махтумқулининг дидактик термалари ҳам кўпчилиқни ташкил этади”.⁶ Шу билан бирга, яна бир муҳим далилни келтириб ўтиш жоиз. У ҳам бўлса, “Махтумқули шеърларининг бахшилар

¹ Қурамбоев К. Махтумқули шеърлати Ўзбекистонда, 7-бет.

² Бу ҳақда қаранг: Абдуллаев Ҳ. Махтумқули ва ўзбек адабий муҳити, 21-22-бетлар.

³ Ҳаққулов И. Шеърлат – рухий муносабат, 100-бет.

⁴ Абдуллаев Ҳ. Махтумқули ва ўзбек адабий муҳити, 16-бет.

⁵ Қурамбоев К. Махтумқули шеърлати Ўзбекистонда, 40-бет.

⁶ Ўша ерда, 48-49-бетлар.

репертуаридаги айрим вариантлари турли-тумандир”¹. Айни пайтда, шоир шеърларининг Комилжон Отаниёзов ижросидаги матнида ҳам бир қатор тафовутлар учрайди. Ёки Бола бахши репертуаридаги “Ярашмас”, “Баллидур”, “Дунёсан”, “Айрилма” каби шеърлар шоир шеърларининг ўзбекча нашрларида учрамаса,² Абдулла бахши ижросидаги “Бўлсин”, “Дунё бу”, “Жафоси бўлмасин” каби айрим шеърлар ҳатто туркманча нашрларда ҳам йўқ – бу шеърларни у онаси Жамила халфадан ўрганганлигини айтади.³ Чунончи:

*Эй ёронлар, биродарлар,
Келиб-кечмали дунё бу.
Қурби етган гўч йигитга
Ейиб-ичмали дунё бу.
Зулм етар бошларига,
Оғу қўшар ошларига,
Бунда қилган ишларига
Ҳисоб бермали дунё бу.*

Бу мисоллар Махтумқули асарларининг кўзёзмалари ҳамда бахши ва ҳофизлар репертуаридаги шеърларни киёсий ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Махтумқули шеърлари асрлар давомида ўзбек шоирларига ҳам таъсир кўрсатиб, улар учун ўзига хос илҳом булоғи бўлиб келди. Чунончи, “Мунис, Огахий, Комил ва бошқа шоирларнинг Махтумқули чашмасидан бебахра қолиши мумкин эмас эди”.⁴ Ислом шоирнинг дostonчиликдаги талантининг шаклланишида Махтумқули шеърлари муҳим аҳамият касб этган”.⁵ Ёки “Эргаш Жуманбулбулнинг қатор термалари билан Махтумқулининг “Сухбат яхшидур”, “Бўлма”, “Керак”, “Эл яхши”, “Зар бўлмас” каби дидактик мазмундаги шеърлари ўртасида ҳам кўпгина муштаракликларни кўрамиз. Айниқса, Махтумқулининг “Кунларим” номли шеъри билан Эргаш Жуманбулбулнинг “Кунларим” термаси ўртасидаги ғоявий-тематик яқинлик, мазмун оҳангдошлиги, услубий ўхшашлик ўзбек халқ дostonчисининг

¹ Ўша ерда, 55-бет.

² Ўша ерда, 50-бет.

³ Ўша ерда, 57-бет.

⁴ Абдуллаев Х. Махтумқули ва ўзбек адабий мухити, 27-бет.

⁵ Қурамовов К. Махтумқули шеърляти Ўзбекистонда, 41-бет.

Махтумқули шеърятига ижобий маънода тақлид қилганлиги, унинг ижодидан илҳом олганлигига яхши мисол бўла олади”¹

Махтумқулининг халқона услуб ва содда тилдаги шеърлари ўзбекларга ҳам тушунарли бўлганлигидан уларни таржима қилишга эҳтиёж сезилмаган, ҳатто 1960 йили нашр этилган “Ўзбек адабиёти” мажмуасининг тўртинчи жилди иккинчи китобида ҳам Махтумқули шеърлари асл нусхасида берилган.²

Махтумқули шеърларининг ўзбекча таржимаси биринчи марта таникли адиб ва таржимашунос олим Жуманиёз Шарипов томонидан амалга оширилди. У таржима қилган шоирнинг 314 та шеъри 1958 йили “Танланган асарлар” номи билан босилиб чиқди. Китобга атоқли шарқшунос Е.Э.Бертельс томонидан ёзилган сўз боши ва профессор Г.О.Чориев қаламига мансуб “Махтумқули” номли ижодий портрет характеридаги каттагина мақола ҳам илова қилинган. Шоир шеърларига бениҳоят ташна ўзбек ўқувчилари талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, бу таржималар 1960 ва 1963 йилларда бир оз қисқартирилган ҳолда катта адабларда қайта нашр этилди. “Махтумқули шеърятидан” деб номланган шоир шеърларини ўз ичига олган тўплам эса 1976 йили 150 минг нусхада босилди ва тез орада тарқалиб кетди.

Мустақиллик йилларида Махтумқули шеърларининг янги таржималари пайдо бўлди. Истеъдодли шоир ва таржимон Музаффар Аҳмад улуғ туркман шоирининг 70 га яқин шеърини таржима қилиб, 1995 йили “Сайланма” номи билан нашр эттирди. Таникли шоир ва мохир мутаржим Мирзо Кенжабек эса буюк сўз санъаткорининг 170 та, асосан илгари ҳукмрон мафкура йўл қўймаган диний-тасаввуфий мазмундаги шеърларини илк бор ўзбекчалаштириб чоп қилдирди. Бу китоб ҳам “Сайланма” деб аталиб, ундан мутаржимнинг “Махтумқули – валий шоир” деган кириш мақоласи ҳам ўрин олган.

Бундан ташқари, турли нашрларда Жуманиёз Жабборов ва Муҳаммад Али каби шоирларнинг ҳам Махтумқули шеърларидан қилган таржималари эълон қилинди.

Биз Махтумқули шеърларининг Ж.Шарипов, Ж.Жабборов, М.Кенжабек ва М.Аҳмадлар томонидан ўзбек тилига ўгирилган энг яхши таржималарини саралаб, шу билан бирга, ўзимиз ҳам

¹ Ўша ерда, 46-бет.

² Қаранг: Ўзбек адабиёти (Мажмуа). Тўрт жилдлик. Тўртинчи жилд. 2-китоб. – Тошкент, 1960, 108-124-бетлар.

шоирнинг 45 та шеърини таржима қилиб, “Дунё ўтиб борадир” номи билан “Шарқ мумтоз шеърляти дурдоналари” рукнида эълон қилдик. Тўплам Ўзбекистондаги энг йирик ва нуфузли нашриёт – “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан 2007 йили 5 минг нусхада нашр этилди.

Маълум бўладики, ярим аср мобайнида Ўзбекистонда Махтумқули асарлари 7 марта катта тиражларда нашр этилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Махтумқулининг умумий ҳажми 60 босма табоқдан иборат 3 жилдлик тўла асарлар тўпламини Музаффар Аҳмад таржимасида нашр этишни режалаштирган. Унинг 1-жилди 2008 йили босмадан чиқади. Таржима учун улуғ шоирнинг 1992-1996 йилларда Ашхободда нашр этилган уч жилдлик шеърлар тўплами асос қилиб олинган¹.

Махтумқули ҳаёти ва ижоди ўзбек олимларининг ҳам ҳамиша диққат марказида бўлиб келган. Жумладан, хоразмлик таниқли адабиётшунос олим Ҳамдам Абдуллаев “Махтумқули ва ўзбек адабиёти” мавзусидаги номзодлик диссертациясини 1968 йили айнан Ашхободда – туркман олимлари ҳузурда муваффақиятли ҳимоя қилган. У ўз тадқиқотида Махтумқули ва Хоразм адабий муҳити, шоир асарларининг Хоразм фольклорига таъсири ҳамда шеърларининг халқ бахшилари, халқалари ва ҳофизлари томонидан қуйланиши масалаларини текширган.

Каримбой Қурамбоев бутун умр ўзбек-туркман адабий алоқалари ва Махтумқули ижодини ўрганиб келади. Бу изланишларини умумлаштириб, у “Ўзбек-туркман адабий алоқалари” (1978) номли салмоқли монографияси ҳамда “Махтумқули шеърляти Ўзбекистонда” (1984) деган рисоласини эълон қилди. Рисола буюк туркман шоирининг ҳаёти ва ижоди, адабий алоқа ва ўзаро таъсир, Махтумқули шеърлятининг халқчил асослари ва ўзбекча таржималари таҳлили масалаларига бағишланган.

Бундан ташқари, Воҳид Зоҳидов, Воҳид Абдуллаев, Натан Маллаев, Раҳмонқул Орзибеков, Қобил Тоҳиров, Раҳматулла Иноғомовлар шоир ижодини ўзбек-туркман адабий алоқалари

¹ Қаранг: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририятининг нашр режаси. – Тошкент, 2008, 8-бет.

нуктаи назаридан ўрганган бўлсалар. Ғайбулла Саломов, Машариф Сапаров ва М.Тайлақовалар шоир асарларининг ўзбекча таржималари юзасидан текширишлар олиб бордилар: Охунжон Собиров Махтумқули ва ўзбек фольклори муносабатларини тадқиқ этган бўлса, Иброҳим Ҳаққул Махтумқули шеърятининг мавзу кўлами ва образлар оламини таҳлил қилади, Аҳмад Яссавийнинг шоир ижодига таъсирининг айрим нуқталарини кўрсатиб ўтади¹.

М.Кенжабек Махтумқули ҳаёти ва ижодини ислом ва тасаввуф нуктаи назаридан ўрганиб, у забардаст сўз санъаткори ва комусий аллома бўлибгина қолмай, ҳол ва ҳикмат аҳлидан бўлган ориф инсон, валий зотдир деган хулосани баён қилади² ва “Махтумқули ижоди «Қуръони карим», Ҳадиси шарифларга, тасаввуф таълимоти, валийлар ҳикматиға ҳамда Оллоҳ ўз ҳузуридан ато этган илми ладунийға асосланган”³, – деб ёзади.

Махтумқулига бағишлаб Шайхзода, Миртемир каби кўплаб шоирлар қатор шеърлар ёзишган, хоразмлик драматург Қурбонбой Матризаев 4 парда, саккиз кўринишли “Махтумқули” мусиқали драмасини яратган. Шоирнинг мураккаб ҳаёт йўли ва ижодидан хикоя қилувчи бу драма 1967 йилдан буён Хоразм вилояти театрида қўйилиб келмоқда. “Бастакор Абдушариф Отажонов ўзбек ва туркман халқ куйларидан ижодий фойдаланган ҳолда асарларга оригинал куй басталаган”⁴. Драмадаги 8 кўринишдан 5 таси Махтумқулининг бевосита Хивадаги ҳаёти ва ижодига бағишланган.

Маълум бўладики, ўзбек бахши ва халфалари, ҳофиз ва бастакорлари, шоир ва олимлари, таржимон ва ноширлари Ўзбекистонда Махтумқули ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарларини таржима қилиш ва ўқувчиларга етказиш, панду ҳикмат билан сугорилган чуқур маъноли шеърларини куйга солиш ва куйлаш, халқ ичида кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш борасида катта ишларни амалга оширдиларки, сира иккиланмай “Ўзбекистонда ҳам махтумқулишунослик мактаби вужудга келди”⁵, деб айтиш мумкин.

¹ Қаранг: Ҳаққулов И. Шеърят – руҳий муносабат, 100-115-бетлар.

² Қаранг: Кенжабек. М. Махтумқули – валий шоир, 3-бет.

³ Ўша ерда, 8-бет.

⁴ Бу ҳақда қаранг: Абдуллаев Ҳ. Махтумқули ва ўзбек адабий муҳити, 72-86-бетлар.

⁵ Қурамбоев К. Махтумқули шеърятини Ўзбекистонда, 62-бет.

КОМИЛЛИК СИРЛАРИ

Шавкат ҲАЙИТОВ,
доцент (БухДУ)

Инсон маънавий жихатдан гўзал, ҳамида ахлоқ сифатларига эга бўлса-ю, унда жисмоний жихатдан қусурлар бўлса, бундай одамни комил деб бўладими? Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат»да Адиб Аҳмад, «Мажолис ун-нафоис»да темурий шаҳзода Шоҳ Ғариб Мирзо ҳақида битганлари бу саволга мукамал жавоб бўла олади. Аҳамиятига кўра ҳар иккала асардан зарур ўринларни назардан ўтказамиз: «Адиб Аҳмад ҳам турк элидин эрмиш. Анинг ишида ғариб нималар манкулдир. Дерларки, кўзлари бутов эрмишки, асло зоҳир эрмас эрмиш. Басир бўлиб, ўзга басирлардек андоқ эмас эрмишки, кўр бўлғай. Аммо бағоят зийрак ва закий ва зоҳид ва муттакий киши эрмиш... Ҳақ субҳонаху таоло агарчи зоҳир кўзин ёпиқ яратқондир, аммо кўнгли кўзин бағоят ёруқ қилғондир».¹

«Мажолисун-нафоис»нинг еттинчи мажлисидан ўқиймиз: «Шоҳ Ғариб Мирзо, шўх таблиғ ва мутасарриф зеҳнлик ва нозук тахайюллуқ ва дақиқ тааққуллуқ йигитдур. Назм ва насрда назири маъдум ва мутахаййила ва ҳофизада адили номаълум. Ов ва куш хотирига марғуб ва қурро ва ўқуш кўнглига маҳбуб... Девон ҳам жамъ қилибдур. Яхши матлаълари бу мухтасарға сиғмас, магар яна бир китоб битилғай».² Ҳазрат Алишер Навоий жумлалари «Бобурнома»да берилган қуйидаги маълумотлар билан қувватлантирилса, бизни қизиқтирган саволнинг ечими осонроқ топилади: «Яна Шоҳ Ғариб Мирзо эди, букри эди. Агарчи ҳайъати ёмон эди, табъи хўб эди. Агарчи бадани нотавон эди, каломи марғуб эди. «Ғарибий» тахаллус қилур эди, девон ҳам тартиб қилиб эди, туркий ва форсий шеър айтур эди...».³

«Ҳибат ул-ҳақоийк» муаллифининг турк элидан эканлигини зикр этган Алишер Навоий «Анинг ишида ғариб нималар манкулдир» дейиш билан Аҳмад Югнакийнинг ғайб сирларидан хабардор киши эканлигига ишорат этади. Кейинги жумлада адиб кўзларининг кўрлиги хусусидаги маълумотдан сўнг ўқиймиз: «Басир бўлуб (кўрмайдиган бўлиб) ўзга басирлардек андоқ эмас

¹ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат – МАТ. 20 жылдлик. 17-жилд. – Тошкент: Фан, 2001, 426-бет.

² Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис - МАТ. 20 жылдлик. 17-жилд. – Тошкент: Фан, 1997, 170-бет. Бундан кейинги иктибослар ҳам шу нашрдан олинади ва саҳифаси қавс ичида кўрсатиб борилади

³ Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1990, 149-бет.

эрмишки, кўр бўлгай». Улуғ мутафаккир бу изоҳи билан Адиб Аҳмадни ҳаётдаги бошқа кўзи сўкир кишилардан фарқли томонига, яъни жисмоний жиҳатдан ожиз бўлса-да, руҳий камолотга етган инсон эканлигига эътиборни қаратади.

Бунда Навоий мулоҳазаларининг моҳияти халқимизнинг «Кўзи сўкирдан кўкраги сўкир ёмон» мақоли мазмуни билан янада ойдинлашади. Имом Ғаззолий уқтиради: «Басират нури сувратларни эмас, маъноларни мулоҳаза қилади». «Ҳаққул яқийн» соҳиблари «моддий кўзлардан кўра кучлироқ, равшанроқ бўлган ботин кўзи ила мушоҳада юритадилар».¹

«Насойимул-муҳаббат»дан кўчирилган навбатдаги ихчам жумлада бир йўла комил инсон ахлоқига хос тўрт хусусият ўз тажассумини топган:

Зийрак. Борлиқни, ҳодисалар моҳиятини ҳис этиш қобилияти беҳад баланд шахс.

Закий. Ўткир ақл-идроқ, теран тафаккур соҳиби, донишманд.

Соҳид. Дунёнинг ўткинчи ҳою ҳавасларидан кечган, молу мансаб ҳаёлини қалбидан буткул чиқарган, нафснинг барча истакларини унутган; кўзи, тили, кўнгли, кўли пок инсон.

Муттақий. Мазкур сифатнинг мақоми бениҳоя юксак эканлиги Ҳазрат Алишер Навоийнинг қуйидаги сўзлари билан асосланади: «Муттақийи покрав масжидда муътакиф бўлгон чоғи Мусҳаф авроқи аросида гул яфроғи».² Улуғ адиб “муттақий” сифати билан зийнатланган пок қалбли инсонни Қуръони мажид саҳифалари катидаги гул баргига қиёс қилади.

«Муттақий» сўзи такводор, парҳезкор, гуноҳ ишлардан сақланувчи, ҳалол иш тутувчи маъноларига эга.³ У инсоннинг қалб қалъасини ҳимоя қилувчи, энг катта ва хатарли душман Шайтонни мағлуб айловчи нодир хислатдир. Мавзунинг айни кирраси “Маҳбул-қулуб”да қуйидагича бадиий инкишоф этилган: «Ва отанг (Одам Ато - Ш.Ҳ.) авлодидин баъзи анга (Шайтонга – Ш.Ҳ.) интиқом туздилар ва хору забун қилиб жафолар кўргуздилар. Нафсни чун тақво риёзати била зеридаст қилдилар, Шайтонни залиллик била ерга паст қилдилар» (159).

¹ Ғаззолий. Ихёу улумиддин. Биринчи китоб. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003, 120, 133-бетлар.

² Алишер Навоий. Маҳбул ул-қулуб. – МАТ. 20-жилдлик. 14-жилд. –Тошкент: Фан, 1998, 145-бет. Бундан кейин “Маҳбул-қулуб” га мурожаат қилинганда матн охирида саҳифани кўрсатиш билан чекланади.

³ Қаранг. Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Ф.Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, 430-бет.

«Насойимул муҳаббат»дан келтирилган сўнги жумлада Аллоҳ «кўнгли кўзин бағоят ёруқ қилғондур» дейиш билан Адиб Аҳмаднинг зоҳирий илмлар билан бирга ботиний илмларни ҳам эгаллаган комил инсон эканлиги таъкидланади.

Адиб Аҳмад шахсида кузатилгани каби «Мажолисун-нафоис»дан олинган иқтибосда ҳам Шоҳ Ғариб Мирзо тимсолига хос қатор ахлоқий гўзалликлар – комил инсон хусусиятлари акс этган.

Маслаксиз, субутсиз, майпараст, бадфеъл, кибрли, фосик, собит шахсиятга эга бўлмаган шоир на халққа ва на ўзига фойда етказа олади. Алишер Навоий «Мажолисун нафоис»да Ҳофиз Саъд, Сайид Куроза, Сайид Қутб Лакаданг каби шундай таъ аҳлининг аччиқ қисмати ҳақида куюниб хабар беради. Яна бир иллат борки, у ҳар қандай истеъдодли шоиру олимни элда хор айлайди. Бу барча тубанликларнинг биринчиси – таъма. «Мажолисун-нафоис»нинг биринчи мажлисидан ўқиймиз: «Мавлоно Соҳиб Балхий – бовужуди шеър фанида маҳоратлик киши эрди, адвор ва мусикий илмида комил эрди... Ва таъбида тамаъ муфрит учун... фазойил эл қошида иззати камрак эди» (21). Шунинг учун ҳам Расули Акрам (с.а.в.) умматларга таълим берадилар: «Аттамау юзҳибул ҳикмата мин кулубил уламои», яъни «Тама қилмоқлик уламоларнинг дилларидаги ҳикматларни кетказади».¹

Шоҳ Ғариб Мирзо маънавий олами гўзал, хаёллари беғубор, «нозук тахайюллук» ижодкорлар сирасига киради. Сўз – илоҳий неъмат. Шундай экан, ижод завқи, шоирлик истеъдоди Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло уни ҳар кимга ҳам бермайди. Шеър завқи-зоти пок, қутлуғ хилқатли, табиати беғубор кишиларга муяссар бўладиган ғариб ҳолат. Шоҳ Ғариб - «хайъати ёмон» ва «бадани нотавон». Аммо у насаб гавҳари, ҳунар (шоирлик) зевари билан музайян, саодатманд шахзода.

Хуллас, Алишер Навоий талқинида Шоҳ Ғариб Мирзо – беназир ижодкор.

У – юксак идрок, зехният, дақиқ тафаккур ва кучли талант соҳиби.

Шоҳ Ғариб Мирзо – чуқур хаёл этиш ва эсда сақлаш қувваси, яъни ҳофиза кучига эга.

¹ Муҳаммад пайгамбар хиссаси. Ҳадислар. – Тошкент: Камалак, 1991, 93-бет.

Алишер Навоий ҳофиза қобилиятини инсон мукамаллигининг белгиларидан бири сифатида эътироф қилган. Жаҳонгир Амир Темурнинг учинчи ўғли, Эрон, Эрон Озарбайжони ва Ироқ ҳукмдори Мироншоҳ Мирзо мусохибларидан бири Хожа Абдулқодир ҳақида Навоий ёзади: «Хожанинг камолотидин бири «Қуръон» хифзи ва кироат илми эрди» (164). Хожа Абдулқодир ана шу истеъдоди боис Темур Кўрагон қатлидан омон қолган: «Хожаи фақирни... судраб тахт илайига келтурдилар. Андин бурунким сиёсат ҳукм бўлғай... филҳол бийик ун била «Қуръон» ўқимок бунёд килдиким, ул Ҳазратнинг ғазоби лутфқа мубаддал бўлуб, фазл ва камол аҳли сари бокиб, бу мисраъни бавакт ўқудиким:

Абдол зи бийм чанг бар Мусҳаф зад.

(Қаландар кўркувдан Қуръонга чанг солди, 277).

Андин сўнгра Хожаға илтифот ва тарбиятлар қилиб, ўз олий мажлисида надим ва мулозим қилди» (163-164).

«Мажолисун - нафоис»нинг учинчи мажлисида Мавлоно Ҳилолийнинг турк элидан эканлиги қайд қилинар экан, унинг шахсида назарга ташланадиган етуклик нишонаси қуйидагича ихчам ифода этилади: «Ҳофизаси яхшидур, таъби дағи ҳофизасича бор» (86). Алишер Навоий орзусидаги комил инсон Фарҳод ҳам шундай фазилат (ҳофиза қуввати баланд) билан зийнатлангандир:

*Агар бир қатла кўрди ҳар сабақни,
Яна очмоқ йўқ эрди ул варақни.
Не сўзниким ўқуб кўнглига ёзиб,
Дема кўнглига, жон лавҳига қозиб.
Ўқуб ўтмак, уқуб ўтмак шиори,
Қолиб ёдида сафҳа-сафҳа бори.¹*

Алишер Навоий ҳаёлотидаги баркамол шахзода Фарҳод сиймосида кузатилгани каби тарихий шахс, шоҳ Хусайн Бойқаронинг ўғли Шоҳ Ғариб Мирзо учун ҳам китоб ўқиш ва ёд олиш табиий эҳтиёжга айланган: «қурро ва ўқуш кўнглига маҳбуб». Ўқиш ва ёд олиш умрининг мазмунига айланган, ижодкор шахзода Шоҳ Ғариб Мирзонинг ов ва қушга рағбати эса подшоҳ хонадонининг ўша даврдаги урфияти, анъана сифатида қабул қилинган тартиб-қоида, таомиллари билан изоҳланади.

От миниш, ов қилиш, қуш солиш, чавгон ўйнаш сирларидан воқиф бўлиш, расм-русумларини билиш ва амалда қўллаш олиш

¹ Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. – МАТ. 20-жиддик. 8-жидд. – Тошкент: Фан, 1991, 33-бет.

маҳоратини эгаллаш шахзодалар учун шарт бўлган. Шундан бўлса керак, кўпгина Шарқ пандномаларида қушчи ва овчилар зикрига алоҳида фасл ва боблар бағишланган.

Хуллас, Алишер Навоий фикрига кўра инсонда туғма, жисмоний нуқсон бўлса-да, у рухий ва маънавий жиҳатдан тараккий қилиб комиллик мақомига кўтарила олади.

МАВЛАВИЙ ЧЎБИННИ БИЛАСИЗМИ?

*Рустамжон ТОЖИБОЕВ,
доцент (ҚДПИ)*

Кўхна Фарғона замини жаҳонга буюк алломалар, оташнафас шоирлар, эл ардоғидаги машҳур санъаткорларни етказиб берган. Фарғона тарихида ўтган машҳур зотлардан бири Мавлавий Чўбин ёки Домла Чўбин номи билан замондошлари орасида шуҳрат топган мулла Асроркул Тўпчи Мирзо ўғлидир.

Мавлавий Чўбин асли ҳозирги Риштон туманидаги Зоҳидон қишлоғида таваллуд топган. Туғилган йили номаълум бўлиб, тахминимизча, XIX асрнинг биринчи чорағида дунёга келган. Отаси Кўқон хонлари саройида муншийлик вазифасида ишлаган экан. Шу туфайли халқ орасида Тўпчи Мирзо номи билан танилган.

Мулла Асроркул ўз она қишлоғида хат-саводини чиқаргандан сўнг Кўқонга келади ва машҳур Муҳаммад Алихон мадрасасида ўқий бошлайди. Мазкур билим даргоҳи ўз замонасида Хўқанди латифдаги энг баобрў илм ўчоқларидан бири эди. Асроркул бу ерда мадраса дастури бўйича чуқур билим олди ва комил мулла бўлиб етишди. Аммо у дунёвий илмларни ўрганишга аҳд қилиб, Ҳиндистон сафарига отланади. Бир неча йиллар ҳинд диёридаги ўқув даргоҳларида таълим олади. Турли дунёвий фанлар, айниқса, риёзиёт (математика), илми ҳайъат (астрономия) фанларини пухта ўрганади. Шундан сўнг Кўқонга қайтади. Унинг шаҳарга қачон қайтгани маълум эмас. Дунё кўрган, диний ва дунёвий илмлардан етук олим даражасига кўтарилган мулла Асроркул Хўқанди латиф уламолари орасида тезда шуҳрат қозонади.

Унинг таърифи мамлакат ҳукмдори Саййид Муҳаммад Худоёрхонга ҳам етиб боради. Хон алломани ҳузурига чорлаб, у билан суҳбатлар қуради. Асроркул Ҳиндистонда эгаллаган билимларини амалда кўрсатиш учун хон ўрдасида "Доираи ҳиндийя" - соядан вақтни ўлчаш соати, яъни қуёш соатини қуради.

Бу соат чўб, яъни ёғочдан қурилгани учун мулла Асроркул халқ орасида "Мавлавий Чўбин" номи билан машҳур бўлиб кетади. "Доираи ҳиндийа" Худоёрхонга маъқул бўлади. Мавлавий Чўбин хоннинг буйруғига кўра Жоме мадрасасининг бош мударриси Улуғхон тўрага ноиб вазифасига тайинланади. Мавлавий бу мадрасада кўп йиллар толиби илмларга дарс беради. Гарчи мадраса дастурида бўлмаса ҳам риёзиёт ва илми ҳайъат фанларидан ҳам кизикувчи талабаларга сабоқлар беради. У Жоме мадрасасининг ҳовлисида ҳам "Доираи ҳиндийа" ясайди. Бироқ унинг бу машғулотлари замонасидаги айрим мутаассиб руҳонийлар ва жоҳил мударрисларнинг игво ва фасодига дучор бўлади. Оқибатда жаҳолат пешволари Мавлавий Чўбинни куфр ишларини қилишда, яъни кофирликда айблайдилар. Бироқ хондан кўрққанликларидан буни халқ орасида ошқор қилмай, пайт пойлаб турадилар.

1875 йилда улар кутган кунлар келиб қолди: тахтга интилган мансабпараст амалдорлар фитнасидан кўрққан Худоёрхон рус аскарлари паноҳида Хўқандни ташлаб кетди, хонлик шаҳзода Насриддинбек қўлига ўтди. Бироқ мамлакатда уруш, бузғунчилик давом этаверди. Вазиятдан фойдаланиб қолишни кўзлаган чор Россияси кўшинлари Фарғона водийсига юриш бошлайдилар. 1875 йилнинг августи ўрталарида Насриддинбек мамлакатни рус кўшинларидан ҳимоя қилиш учун катта кўшин билан душман келаётган томонга - Хўжанд сари сафарга отланди. Ана шу пайтда, яъни шаҳарда кўшинлар қолмай, фақатгина тинч аҳолининг ўзи бўлган пайтда Хожа Муҳаммад Бачқирий, Тўхтасин ясовул Янгиқўргоний, Жаббор Амин Шўркишлоқий, Қаландарбек Оққўргонийлар бошчилигидаги оломон шаҳарга бостириб кириб, хон ўрдасини ва хазиналарини талон-торож қиладилар, шаҳардаги бир неча машҳур зотларни ўлдирадилар. Улар Жоме мадрасасига ҳам кирадилар Мавлавий Чўбинга қалбида ғараз ва адоват сақлаб юрган айрим ярамас мударрисларнинг кутқуси билан жоҳил оломон "шариатга хилоф" соатни бузиб ташлайди. Бунга ҳам қаноат қилмай, оломон Мавлавий Чўбинни ҳужрасидан масжид ҳовлисига судраб олиб чиқиб, жоме айвони олдида уриб ўлдиради. Домланинг тарафдорларидан бўлган Хўжамкул деган олим оломонга насиҳат қилмоқчи бўлганда, уни уйигача қувиб бориб, яшириниб ётган жойидан топиб чиқиб, ўз ҳовлисида қатл этадилар. Оломон бундан ташқари Абдували мударрисни ҳам ўлдиради.

Босқинчилар бир-икки кун шаҳарни талаб, сўнг қишлоқларига қайтиб кетадилар.

Мавлавий Чўбиннинг жасадини мулла Исмоил деган шогирди Зоҳидонга элтиб, оила аъзоларига топширади. Домлани катта хурмат ва эҳтиром билан ўз она қишлоғидаги қабристонга дафн этадилар. Авлодлари Мавлавий қабри атрофига гуллар экиб кўядилар. Тез орада қабристонда гулзор пайдо бўлади. Шу туфайли бу қабристон эл орасида "Гулмозор" номи билан атала бошланди.

Мавлавий Чўбиннинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида таниқли олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Пўлатжон Қаюмов (1885 - 1964) ўзининг "Тазкирайи Қайюмий" асарида алоҳида бир фаслда сўз юритган бўлиб ва уни "Аҳмад Донишга баробар мунавварул-фикр олимлардан бўлиб, шу йўлда шаҳид этилмишдир", деб таърифлаган эди. Пўлатжон домланинг ёзишича, Мавлавий Чўбиннинг Муҳаммад Амин исмли фарзанди бўлган. Тазкира муаллифи у билан 1908 йилда Зоҳидонда учрашган. Ўша пайтда Муҳаммад Амин Асрорқул ўғли қозилик мансабида турган эканлар. Демак, Мавлавийнинг ўғли ҳам замонасининг илми, диёнатли кишиларидан бўлган экан. Акс ҳолда у қозилик лавозимида қўйилмаган бўлур эди. Фарғона давлат университети доценти, филология фанлари номзоди Маликжон Бобораҳимовнинг бизга хабар беришича, Мавлавий Чўбиннинг набираси Усмонали Асрорқулов Зоҳидонда 1997 йилда вафот этган. Унинг ўғли Умарали Асрорқулов ҳозир Зоҳидонда яшайди.

Муаррих Мирзо Олим Мушрифнинг "Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавокин" ("Султонлар насаблари ва хоқонлар тарихлари") номли тарихий асарида ҳам жоҳил оломонининг 1875 йил августида Кўқонга босқин қилгани ва Мавлавий Чўбинни ҳам ҳалок этганлари ҳақида қимматли маълумотлар бор. Мушриф ўз асрида мазкур воқеалар ҳақида битган бир ғазалини ҳам келтиради:

Бир неча соҳиб хуруж ходис бино бўлди дариғ,
Феъли шайтони ҳавога мубтало бўлди, дариғ,-
деб бошланувчи бу ғазалда:

Нечани қатл айладилар хазнани торож этиб,
Рустойи шахр халқиға вабо бўлди дариғ.
Мавлавий Чўбин била ул Абдумўмин решни
Қатл қилдилар, ҳама кори қазо бўлди дариғ.
Масжиди Жомеъда жамъ ўлди жамики хосу ом,

Чун хужуми гуфтугўйи можаро бўлди. дариг... -
каби мисралар ҳам бор.

Афсуски, Мавлавий Чўбин ҳақида билганларимиз ҳозирча шулардан иборат. Келгусида улуғ алломанинг ҳаёти ва фаолиятига доир янги маълумотлар чиқиб қолишидан умидвормиз. Миллий кадриятларимиз қад ростлаётган ушбу кунларда юртдошимиз Мавлавий Чўбин ҳақида маълумотлар кўпаяди деб ўйлаймиз.

ОЙБЕК АСАРЛАРИДА ФОЛЬКЛОР АНЪАНАЛАРИ

*Тоҳсиҳон СОБИТОВА,
доцент (ЎзМУ)*

Илдизлари қадим-қадим замонларга бориб тақаладиган халқ донолиги мужассам бўлган фольклор асарлари ўзбек адабиётида алоҳида муносиб ўринга эга бўлган Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг деярли барча жанрда ёзган асарларига ҳамоҳанг бўлган. Адиб халқ оғзаки ижодининг жуда қадимий ва ранг-баранг экани, у неча асрлардан бери бойиб, сайқал топиб, даврлар оша оғиздан-оғизга ўтиб келаётгани ва бу асарларда ҳар бир давр ўз изини қолдиргани, халқ эзгу ниятлари ўзининг тўла ифодасини топгани учун ҳам халқ бу эртақ, дoston, афсона, кўшиқ, мақол ва ривоятларга жуда диққат билан кулоқ солгани ва уни шу кунларгача авайлаб-асраб келгани ҳақида ёзади. "Халқ ўз кўшиқ ва дostonларини кўз қорачигидек асрар эди, – дейди у. - Порлоқ бадиий образлар билан ифодаланган халқ фантазияси, халқ донишмандлиги бу бой хазинани кундан-кунга бойитар эди".

У "Навоий" романини қандай ёздим" деган мақоласида шундай дейди: "Ёзувчилар тилни халқдан ўрганишлари лозим. Халқ тили ажойиб формалар ва қочириқларга бой битмас-туганмас асл манбадир".

Ойбек Алишер Навоий ижодини таҳлил қилиб, бу сиймонинг халқ ижодига бўлган муносабатини кўрсатиб беради ва Навоий "Фарҳод ва Ширин" дostonини яратишда халқ оғзаки ижодидан фойдаланиб ниҳоятда юксак бадиий асар ёзганини айтади. "Фарҳод ва Ширин" асарида халқ афсоналари ҳам асосий материаллардан бири бўлганлигини ёзади. Ёзувчи фольклор асарлари унга илҳом булоғи бўлганини таъкидлайди ҳамда оғзаки ижод жанрларидан кенг фойдаланиб, халқ афсоналари асосида "Бахтигул ва Соғиндик", "Гули ва Навоий" дostonларини яратади. "Бахтигул ва

Соғиндиқ" асари кўпроқ халқ оғзаки ижодида Хоразм дostonчилигидаги "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" ишқий-романтик дostonига ўхшаб кетади.

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг серқирра ижоди фольклор материалларига бой бўлиб, адиб ўз ижодида халқ оғзаки ижоди маҳсулидан унумли фойдаланди. У "Ғули ва Навоий" дostonини бевосита халқ афсоналари асосида яратган. Асарга сўз боши ёзган адибнинг умр йўлдоши: Зарифа Саидносирова шундай хикоя қилади;

"Кичиклигидан Навоий шеърларига яхши ошна, мафтун, муҳаббати зўр бўлган Ойбек 1934-1935 йиллардан бошлаб Навоийнинг ҳаёти, ижодиёти, фалсафий дунёқарашлари устида теран илмий тадқиқот бошлаган эди. Бунинг натижасида Ойбек 1936 йилда "Навоийнинг таржимаи ҳоли ва ижодий фаолияти" номли монографиясини ёзиб тугатди, кейин унинг ҳақида дoston, роман яратишга ва бир қатор мақолалар ёзишга киришган эди.

1968 йилнинг март ойида Ойбек ҳаёли яна беш асрлик воқеа чангини тозалаб, тарих йўлларини кезди, бир халқ афсонаси асосида "Ғули ва Навоий" дostonини яратди. Ойбек бу дostonини Ҳазрат Навоийнинг 525 йиллик юбилейига бағишлаган эди".

Ойбек ўз халқи ва туркий халқлар орасидаги афсоналарни ўрганиб ва кузатиб бориб ўзининг "Навоий" ва "Ғули ва Навоий" дostonларини яратди. Халқ афсоналарида қандайдир ҳақиқат борлиги учун ҳам адиб ўз асарида Ғули ва Навоий муҳаббатини соф севги сифатида кенг талқин қилиб, уни бадиий акс эттириб беради. Дostonнинг муқаддима қисмида Навоий инсонгарвар қалб эгаси, зулм ва ҳақсизликка нафрати кучли бўлган шахс сифатида тасвирланади. Унинг Хусайн Бойқарога ҳурмат ва садоқати тараннум этилади ва ҳоказо. Дostonнинг асосий қисми Навоийнинг ғўзал Ғулини кўриб қолиши воқеаси билан бошланади.

Навоий Ғулига кўзи тушар экан, умр бўйи излаган ва орзу қилган ёрини топганидан беҳад хурсанд бўлиб, қуйидагиларни ёзади:

*"Ё раб будир мен излаган ёр!.."
- Охтармагим шу ўзи бешак!
- Рўёларда кўрганам шу қиз
Осмонимда тугилди юлдуз..."*

Шу ҳолда Навоий ўз тақдирдан беҳад шод, қалби жўшқин туйғуларга тўлган ҳолда қиз эшиги томон боради ва унинг отаси Солиҳ боғбондан розилик сўрайди. Отаси Гулининг ихтиёрини билгач, розилик беради. Ўз бахтини топган Навоий ишқ нашъаси кўксида лим-лим тўлган ҳолда бахт қанотида учгандек ўзини бахтиёр ҳис қилади. Навоий дил ҳасратини, қалбидаги завқ ва шавқини ифодалаш учун бетиним шеър ёзади ва ўз ишқини мадҳ этади. Шоирнинг бутун хаёли Гули билан банд. Гули Навоий кўз олдида пайдо бўларкан, ўз дил ҳасратини қуйидагича ифодалайди:

*- "Лутф айлангиз, улуг ҳазратим,
Сизни кўрдим, битди ҳасратим.
Йўлингизга интизордурмен,
Кутадурмен, хоки зордурмен.
Муҳаббатдан тутдингиз шароб,
Сипқирдим-у, оромим хароб..."
Туйғуларки, ширин, тўлди дил,
Таърифидин ожиздир бу тил.
Қизни қучур қулиб Навоий,
Афсус бари - хаёл, ҳавоий..."*

Шоир Алишернинг ички дунёсини, ишқ кўйида ёнган севишганнинг бутун ҳолатини тасвирлаш учун фольклорга хос бўлган шартли тасвир - хаёлот ва туш приёмларидан кенг фойдаланади. Ишқ нашъаси кўксида лим-лим бўлган Алишер ижод гашти билан яшайди. Унинг қалбида дақиқа сари ишқ мавжланиб боради. Алишер учун Гулининг боғи бахтнинг бешиги, кўнгил эшиги бўлиб қолади. Ойбек Навоий ва Гули муҳаббатини ана шундай романтик бўёқларга бой бўлган сержило сатрларда тасвирлайди. Достонда Алишернинг расталарни кезгани ва мўъжизакор дур сотиб олгани, Гулига совга қилгани Гулининг битган ғазалларини тинглаганини тасвирловчи саҳифалари ғоят таъсирли, тилларда дoston бўлгучи буюк бир муҳаббатдан ҳикоя қилувчи сатрларга айланади. Достоннинг қолган қисмлари хазон бўлган буюк муҳаббатнинг тасвирига бағишланган.

Гули ва Навоий муҳаббатидан беҳабар Хусайн Бойқаро овга кетаётиб бу маросимни кузатаётган одамлар орасида Гулига кўзи тушади ва уни Навоийга кўрсатади. Бахтига қилинган бу хужумдан аламда ёнган, ғам ютган Навоий ҳеч нарса деёлмайди. Шох қозини совчи қилиб Солиҳ боғбон хузурига юборади. Чол қизининг

ихтиёри билан у унаштирилганлигини айтади. Ғазабланган шох Алишерни юбориш ниятида излатиб тополмайди ва кичик вазирни совчиликка юборади. Зўравонлик ва шохнинг қаҳр-ғазабига учраган чол ҳамда ҳўнг-ҳўнг йиғлаган Гулининг охи фиғон кўкка етади. Севгилари поймол этилган Гули ва Навоий сўнгги бор учрашадилар. Бебахт тақдирдан нолиган Гули:

"- Ҳазрат менми ё сиз бевафо?

- Йўқ тақдирдан эмиш бу жафо!.."

деб зорланади.

Навоий қалби тўла дард ана шундай аламли мисраларида ифодаланади. Шу ҳол:

Шоир ва гул айрилдилар жим,
Қалблар мунгли, ғариб ва етим...
Ол шафақда аста туғди кун,
Эриб кетди такрор келмас кун...

Ойбек халқ афсоналари сюжетидан фойдаланиб қолмай, унда эртақ ва дostonлардаги айрим воқеалар ва приёмлардан фойдаланади. Масалан, дostonнинг сўнггида ноилож Ҳусайн Бойқаро саройига келтирилган Гули халқ дostonларидаги садоқатли ёр тимсолида тавсирланади ва у шохдан 40 кун муҳлат сўрайди ва шу 40 кунга қадар севган ёри Алишер ишқида яшайди ва бу дунёдан пок ҳолда тоқ ўтади. Кўриниб турибдики, бундай воқеалар халқ дostonларида жуда кўп қўлланган бош қаҳрамон тақдири билан боғлиқ бўлган тасвирдир. Ўлим тўшагида ётган Гули:

"Сизга сўнгги ёлғиз васиятим

Елкангизда элтинг тобутим..."

деб Алишерга васият қилади. Тоғдек дард юкидан букилган, дил яраси ўртанган Алишер Ҳусайнга йиғлаб бу машъум ҳодисани маълум қилади:

"Сарви гулнинг соясида сўлди гул нетмак керак?"-

дейди. Шох:

"Сарвдан тобут ясаб гулдан кафан этмоқ керак"

деб жавоб беради. Алишер севикли ёри Гулнинг васиятини бажо келтириб, уни сўнгги йўлга кузатади. Дostonнинг бутун руҳи, ундаги айрим унсурлар ва тасвирий ифодалар, поэтик воситалар

халқ оғзаки ижоди билан боғланган ва фольклор асарлари руҳи билан сайқалланган.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, Ойбекнинг турли жанрдаги ижодида фольклор мотивлари, афсона ва ривоятлар, фольклоризмнинг ранг-баранг кўринишлари янгича жило топди. Халқ донолиги мужассам бўлган фольклор асарлари ёзувчи учун битмас-туганмас ижод чашмаси эканини намойиш этди. Унинг бу ижодий лабораторияси эндиликда юксак камолотга эришаётган бугунги адабиётимиз учун мактаб бўлиб қолди.

К ВОПРОСУ ОБ АДЕКВАТНОСТИ ПЕРЕВОДА

(на материале рассказа Тулкуна «Горный тюльпан»)

Кадир НАСЫРОВ,

доцент(НамГУ)

Тимур МАМАДЖАНОВ,

студ. (НамГУ)

Известно, что хорошим считается тот перевод, который достиг адекватности. В практике художественного перевода это означает полное воссоздание идейного содержания и формальных особенностей оригинала. Такой перевод считается идеальным. Однако, несмотря на то, что каждый переводчик стремится к нему, как показывают наблюдения, не всем это удается. Это происходит в силу неглубокого понимания идейного содержания текста оригинала, а порой и незнания или слабого знания национального своеобразия культуры, психологии и обычаев того или иного народа, речевого этикета национального языка.

Именно с последним мы столкнулись при анализе перевода рассказа узбекского писателя Тулкуна «Горный тюльпан». Вот заинтересовавший нас эпизод:

«Шу пайт хаста ётган хонадан йўғон овоз эшитилди:

- Маъмура!

Маъмура ўрнидан туриб кетди. Бунинг устига овоз ҳам таниш эди.

- Мени чақиряптилар! Кизимни исмини Маъмура кўйганлар! Отим Райхон бўлса ҳам мени кизимиз номи билан атаб, Маъмура деб чақирадилар».

Здесь мы имеем дело с довольно обычной для среднеазиатского быта, семейных взаимоотношений ситуацией. Однако при неверной передаче на ПЯ она может быть совершенно

непонятой, и создать множество проблем при восприятии несведущим читателем.

Переводчик Н. Красильников данный текст переложил на русский язык следующим образом:

« Но тут из спальни донесся грубоватый голос:

- Мамура!

Мамура привстала. Голос ей показался очень знакомым.

- Это он меня зовет, - пояснила женщина, ничего не заметив. – Вообще-то меня зовут Райхон. А дочку Мамурой. Но муж иногда путает и называет меня дочкиным именем...».

Русскоязычный читатель как минимум может подумать, например, что больной в бреде путает имена дочери и жены. На самом же деле муж вовсе не путает имена. Это происходит вполне сознательно, в силу народных обычаев в недавнем прошлом. Связано это, несомненно, с психологией, с национально-культурными устоями и обычаями жителей Средней Азии. Того требует узбекский речевой этикет между супругами. В узбекских семьях того времени не принято было (супругам) называть друг друга по «непосредственно» собственным именам. Обращаясь к жене, муж называл ее именем своего старшего ребенка, так же как и она его. Кстати, эта традиция в некоторых семьях сохраняется и по сей день.

Однако, возможна и иная интерпретация этого факта, т.е. смысла этого художественного эпизода. Из данного рассказа мы узнаем, что этот мужчина в молодости любил девушку по имени Мамура, и в память о ней назвал свою дочь ее именем. Вполне возможно, что, называя супругу этим именем, он воскрешал в памяти приятные минуты прошлого. В любом случае мысль автора перевода о том, что муж путает имена дочери и жены не обоснованна и ложна. На наш взгляд, предложение: «Отим Райхон бўлса ҳам, мени қизимиз номи билан атаб, Маъмура деб чақирадилар» правильнее было бы перевести так: «Хотя меня и зовут Райхон, муж зовет меня именем нашей дочки». Нелишне было бы в сноске дать комментарий к такому правилу речевого этикета.

Использованная литература:

1. Мусаев К. Лексико – фразеологические вопросы художественного перевода. – Ташкент: Ўқитувчи, 1980.

2. Насыров К. Теория и практика перевода. Учебно-методическое пособие. – Наманган: 2008.

НАСРИЙ САРЛАВҲАЛАРДА ТАРДИ АКС ВА РУЖУЪ САНЪАТЛАРИ

*Абдулҳамид ҚУРБОНОВ,
катта ўқитувчи (НамДУ)*

Адабий асарда маъно ва шакл ғоят серқирра бўлганидек, бадий санъатлар ҳам асар мазмун ва шаклининг турли томонларига тааллуқли бўлиши мумкин. Шундай бадий санъатлар борки, улар бевосита асар композицияси ва услуби билан алоқадордир. Атокли адабиётшунос олим Ё.Исҳоқов Навоий лирикасида учрайдиган бадий санъатларни таҳлил қилар экан, асар композицияси ва услуби билан алоқадор санъатларни алоҳида гуруҳга ажратиб, композицион-стилистик санъатлар деб номлаган ва композицион-стилистик санъатлардан иккитаси: раддул-матлаъ ҳамда раддул-қофия санъатларини тадқиқ қилган эди.¹

Раддул-матлаъ, раддул-қофия сингари санъатлар бирга, шундай тасвирий воситалар ҳам борки, уларни тўғридан тўғри композицион-стилистик санъатлар қаторига киритиш қийин. Чунки бундай санъатлар бадий асар услуб ва композицияси билан бевосита боғлиқ эмас: улар ё шаклий гўзалликка, ёки ғоявий мазмуннинг таъсирчан бўлишига хизмат қилади. Бироқ, шу билан бирга, уларнинг бадий асарнинг турли қисмлари ўртасида шаклий ва мазмуний боғланиш ҳосил қилиши ҳам кўзга аён ташланиб турадики, бу жиҳатдан уларнинг асар композициясидаги муҳим ўрни ва аҳамиятини ҳам инкор қилиш мумкин эмас. Бинобарин, уларни ҳам шартли равишда композицион-стилистик санъатлар қаторига киритиш мумкин. Тарди акс, ружуъ, иштиқоқ, шибҳи иштиқоқ, сажъ, тарсеъ, мувозана (унинг турли шаклий ва мазмуний кўринишлари), илтизом, таносуб каби санъатлар ана шулар жумласидандир. Алишер Навоий композицион-стилистик санъатларнинг имкониятларидан лирик шеърятда, балки бадий наср, жумладан, «Фарҳод ва Ширин» достонидаги насрий сарлавҳаларда ҳам маҳорат билан фойдаланган. Улуғ шоирнинг

¹ Ё.Исҳоқов. Навоий лирикасида композицион-стилистик санъатлар. Тўплам: Навоий ва ижод сабоқлари – Тошкент: Фан, 1981, 51-бет.

тенгсиз маҳоратини *тарди акс* ва *руйсӯ* санъатлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тарди акс жумла ёки байтдаги сўз ва ибораларни тескари тартибда такрорлаб, ранг-баранг маъно товланишлари ҳосил қилиш санъатидир.¹

XXXIII бобнинг насрий сарлавҳасидан ўрин олган куйидаги тарди аксни кўрайлик: «*Фарҳоднинг ул тош аригин, балки ариг тошин қазиб, Армания тоғига еткуруб, ул тоғ фазосида қасри қулла монанд, балки асоси кўҳ пайванд бино қилиб итмомизга еткурғони*».²

Фарҳоднинг тоғ бағрида ариқ қазиб, Армания тоғига қадар етказиши ҳикоя қилинган мазкур жумлада улуғ шоир «тош» ва «ариг» сўзларини аввал «тош ариги», сўнг «ариг тоши» тарзида келтириб, тарди акс санъатининг нозик намунасини яратади: *тош ариги - ариг тоши*. «Тош аригин» ва «ариг тошин» сўзларини шундай тушуниш мумкин: 1) *тош ариги* - тошлар ичидаги ариқ; 2) *ариг тоши* - ариқ ичидаги тошлар. Демак, Фарҳод «*тошлар ичидаги ариғни, балки ариг ичидаги тошларни қазиб, Армания тоғига еткур*»ган.

XXIX бобнинг насрий сарлавҳасидан олинган куйидаги жумлада ҳам тарди акс санъати мавжуд: «*Фарҳоднинг синуқ заврақ жисми заврақ синуқида қолиб, ани дарё мавъси Яман мулки сори солиб, Яман аҳли кемасига учрағони*».³ Жумлада Фарҳоднинг денгиз сафари даврида ҳалокатга учраши тасвирланган бўлиб, тарди акс «*синуқ заврақ*» ва «*заврақ синуқи*» ўртасида юзага келган. «*Синуқ заврақ*» - Фарҳоднинг жисми, унинг ҳалокат пайтида шикаст етган жисмини шоир синиқ кемага ўхшатади: *Фарҳоднинг синуқ заврақ (дек) жисми*. «*Заврақ синуқи*» эса ҳалокатга учраган кеманинг бир бўлаги. «*Заврақ синуқи*» дер экан, шоир Фарҳоднинг синиқ заврақдек шикастланган жисми кеманинг кичик бир синиғи устида қолганлигидан хабар беради: *заврақ синуқида қолиб*.

Маълумки, Фарҳод шоҳлик тахтини рад этгач, Хокон Фарҳодни хазинадаги бойликлар билан таништириш мақсадида «Тутиб илгин хазойин ичра» олиб киради. Мазкур воқеалар тасвирланган XIX бобнинг насрий сарлавҳаси тарди акс санъатига асосланган куйидаги жумла билан бошланади: «*Хоқоннинг ўз*

¹ Ё.Исхоков. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Зарқалам, 2006, 80-бет.

² Алишёр Навоий. МАТ. 20 томлик. 8-том. – Тошкент: Фан, 1991, 251-бет.

³ Алишёр Навоий. МАТ. 20 томлик. 8-том. – Тошкент: Фан, 1991, 210-бет.

гавҳарин хазойин ғаройиби, балки ғаройиб хазойинига киюрмоги».¹

Жумлада «хазойин» ва «ғаройиб» сўзлари аввал «хазойин ғаройиби» тарзида келиб, сўнг эса «ғаройиб хазойини» тарзида тескари такрорланиб, тарди акс санъатининг беҳад ажойиб намунасини ҳосил қилган. Улуғ шоир Ҳоконнинг ўғлининг кўлидан тутиб, хазойин ғаройиби – хазинадаги бир-биридан қиммат, бир-биридан ғаройиб нарсалар: беҳисоб олтин-кумуш, дуру гавҳарлар сари бошлашини ҳикоя қилар экан, шу заҳотиёқ ўз фикрини рад этади: «Йўқ, - дейди у сўзларнинг ўрнини алмаштириб, - хазойин ғаройиби эмас, балки ғаройиб хазойинига киюрмоги».

«Хазойин ғаройиби»даги сўзлар ўрин алмашиб, «ғаройиб хазойини»га айланар экан, бу шунчаки ўрин алмашиш эмас: сўз тартибининг ўзгариши билан сўзларнинг маъноси ҳам ўзгарган. Агар «хазойин ғаройиби»нинг маъноси хазиналар ғаройиби бўлса, «ғаройиб хазойини»нинг маъноси, аксинча, ғаройиботлар хазинаси. Сўз маъносининг ўзгариши ўз навбатида жумла мазмунини ҳам ўзгартириб юборган. «Хазойин ғаройиби» ва «ғаройиб хазойини» Фарҳод кайфият ва кечинмаларининг, қолаверса, улуғ шоир фалсафий қарашларининг ўзига хос мўъжаз ифодаси: агар «хазойин ғаройиби» шоҳликка ишора бўлса, «ғаройиб хазойини» ишқ ва ошиқлик рамзидир. «Хазойин ғаройиби»нинг жумлада ружуъ санъати воситаси билан рад этилиши ҳам бежиз эмас. Зеро, шоҳлик тахтини рад этган Фарҳодни «хазойин ғаройиби» қизиктирмас, унинг хазинага киришдан мақсади ҳам хазойин ғаройиби эмас, балки ғаройиб хазойини – Оинаи Искандарий эди. Шунинг учун «анинг кўзига сангнора ушоқ тошча ва қизил олтуи қаро туфрогча кўрунмай, кўзи чазъи биллурий дуржга тушуб, сувда меҳри ховарийдек, биллулда оинаи Искандарийга туш(гач), ул кўзгу тилисмидин ғариб суратлар анга юз кўргузиб, кўнгли кўзгу аксидек изтиробга туш»ади.

Тарди акс санъатининг ноёб ва шавқангез яна бир намунаси XXVI бобнинг сарлавҳасидан ўрин олган. Оинаи Искандарий юзида нафақат Арман кишвари ва Арман водийси, балки «тамошо айлаю ҳар сори боқиб, қаёнким боқиб, ўтлар элга ёқиб» Шириннинг ўзи ҳам юз кўрсатган, кўзгу юзида Шириннинг «жамоли оламафрўз»ини кўрган Фарҳод хушидан кетиб йиқилган эди. Шоир

¹ Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 8-том. – Тошкент: Фан, 1991, 119-бет.

бу воқеани шундай баён қилади: *«Шириннинг жамоли кўзгусин ул кўзгу жамолида мушоҳада қилиб, оҳ уруб йиқилғони»*.¹

Улуғ шоир кўзгу юзида Ширин жамолининг намоён бўлиши ҳақида сўзлар экан, аввал Ширин жамолини кўзгуга нисбат беради: *Шириннинг жамоли кўзгуси*. Сўнг «жамоли кўзгуси»ни «кўзгу жамоли» тарзида тескари такрорлаб, кўзгунинг юзини Шириннинг жамолига ўхшатади: *кўзгу жамоли*.

Ҳайратомуз ҳолат: «жамол» ва «кўзгу» сўзлари икки мартадан такрорланиб ва ўзаро ўрин алмашиб, худди бир-бирининг мазмун-моҳиятига кўзгу тутгандек бўлади. Жумланинг тарди акслар кўзгусида юз кўрсатган мазмунини шундай ифодалаш мумкин: *Шириннинг жамоли кўзгу бўлганидек, кўзгу ҳам Шириннинг жамолидир!* Шириннинг жамоли кўзгу жамолида қандай жилва қилган бўлса, унинг жамолида ҳам *«жамоли оламафрўз» - илоҳий жамол* шундай жилваланиб туради! Бинобарин, Фарҳоднинг *«Шириннинг жамоли кўзгусин ул кўзгу жамолида мушоҳада қилиб, оҳ уруб йиқилғони»* ажабланарли эмас.

Кўриниб турибдики, тарди акс санъати насрий сарлавҳалар бадииятида муҳим ўрин тутиб, ранг-баранг ғоявий-услубий мақсадлар ифодаси учун хизмат қилган: биринчи жумлада нозик сўз ўйини ҳосил қилган бўлса, иккинчи жумлада Фарҳоднинг шикаста жисми ва муҳлик ҳолати ҳақида ғоят мутаассир тасаввур яратган, учинчи ва тўртинчи жумлаларда эса ғоявий мазмуннинг ўзига хос жилвасига айланган. Шу билан бирга, тарди аксининг жумла бадий қурилишида ҳам алоҳида ўрни борлиги кўриниб турибди: тарди акс ҳосил қилувчи сўзлар занжирнинг икки ҳалқасига айланиб, жумлада занжир ҳалқаларидек изчилликни юзага келтирган: *«тош ариги - ариг тоши», «синуқ заврақ - заврақ синуқи», «хазойин гаройиби - гаройиб хазойини», «жамоли кўзгуси - кўзгу жамоли»*.

Насрий сарлавҳаларда композицион изчиллик учун хизмат қилган санъатлардин яна бири ружуъ санъатидир. Ружуъ кўп жиҳатдан тарди акс санъатига ўхшаб кетади: у ҳам тарди акс санъатидек композицион жиҳатдан икки қисмдан иборат. Бироқ ружуъ санъатида шоир тарди аксдаги сингари аввалги сўзларни кейинги қисмда тескари тартибда такрорламайди, балки аввал бир фикрни баён этиб, сўнг аввалги фикридан қайтади-да, унинг ўрнига

¹ Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 8-том. – Тошкент: Фан, 1991, 185-бет.

ундан-да кучлироқ, ёркинроқ ва мутаассирроқ бошқа бир фикрни баён қилади.¹

Шопур билан сирдош дўст бўлиб, Шириндан хабар топган Фарход Ширинни излаб Шопур билан бирга Арман мамлакати сари йўлга тушади. Бу ҳақдаги ҳикояни шоир ХХХ бобнинг насрий сарлавҳасида қуйидаги жумла билан бошлайди: *«Фарходнинг Шопур дашт паймолиги, балки раҳнамолиги била Яман мулкидин Арман кишвариға азимат қилгонини»*.²

Жумладаги ружуъ *«даштпаймолиг, балки раҳнамолиг»* сўзларидир. *«Даштпаймолиг»* сўзининг маъноси *«дашт кезувчилик»*, *«раҳнамолик»* сўзининг маъноси эса *«йўлбошчилик»*. Фарход «Яман мулкидан Арман кишвари»га йўл олар экан, унга Шопур *«даштпаймолиғ»*, яъни даштда ҳамроҳлик қилади. *«Йўқ, - дейди шоир бу фикридан қайтиб, - Фарходга Шопур ҳамроҳлик эмас, балки йўлбошчилик қилади»*. *«Даштпаймолиг, балки раҳнамолиг»* дер экан, шоирнинг фикрлари аввалгисига қараганда кучлироқ жаранглайди, шу билан бирга, *«даштпаймолиғ, балки раҳнамолиғ»* сўзлари узвий бирикиб, жумлада шаклий ва мазмуний изчилликни кучайтирувчи тасвирий воситага айланганини ҳам сезиш қийин эмас.

Қуйидаги жумлада тарди акс Фарход мўъжизакор меҳнатининг мислсиз шиддати ҳақидаги ёркин манзарага айланган: *«...теша бирла тоғ бағрин ёрмоқ, балки тоғ пораларни ҳавога учирмоқ била қиёмат кўнормоқ»*.³ Тарди аксинг биринчи бўлагиди шоир тасвирлайдики, Фарход тешаси билан тоғ бағрини ёриб тоғда қиёмат кўтаради. Теша билан тоғ бағрини ёриб, қиёмат кўтаришнинг ўзи ҳам Фарходнинг мислсиз куч-қувватини беҳад ёркин намоиш этувчи муболағадор тасвир. Бирок улуғ шоир бу билан қаноатланмайди, тарди аксинг иккинчи бўлагиди Фарход тешасидан кўтарилган қиёмат садоларини осмону фалакка олиб чиқади: *«...теша билан тоғ бағрин ёрмоқ, йўқ ёрмоққина эмас, - дейди у, - балки тоғ бағрини ёриб, тоғдек-тоғдек тоғ пораларни ҳавога учирмоқ била қиёмат кўнормоқ»*.

Улуғ шоир бадий санъатларни маҳорат билан ишга солиб, насрий сарлавҳаларда ўз қаҳрамонларининг хилма-хил саргузашт ва кечинмаларини изчил ва таъсирчан тасвирлай боради. Баъзан

¹ Ё.Исхоков. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Зарқалам, 2006, 49-бет. А.Ҳожиахмедов. Мумтоз бадийят малохати. – Тошкент: Шарқ, 1999, 47-бет.

² Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 8-том. – Тошкент: Фан, 1991, 222-бет.

³ Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 8-том. – Тошкент: Фан, 1991, 245-бет.

бир санъат иккинчи санъат билан қўшилиб, жумлани сўз санъатининг мумтоз намунасига айлантиради. Бу ҳол ружуъ санъатига ҳам хос бўлиб, кўпгина жумлаларда ружуъ санъати тарди акс санъати билан қўшилиб кетган. XXXVI бобнинг насрий сарлавҳасидан олинган куйидаги жумлада ҳам шу ҳолнинг гувоҳи бўламиз: *«Фарҳод била Ширин май висолидин, балки висол майидин пурҳол, балки беҳол бўлгонлари»*.¹

Жумлада иккита ружуъ мавжуд: 1) *май висолидин, балки висол майидин*; 2) *пурҳол, балки беҳол*. Ҳар бир ружуъ қахрамонлар ҳолат ва кечинмаларининг рангин бир манзараси бўлиб, улуг шоир бир ифода ўрнига бошқа бир ифодани келтирар экан, ўз мақсад-муддаосини қадам-бақадам ҳадди аълога кўтара боради. Чунончи, Фарҳод билан Шириннинг *«май висолидин, балки висол майидин пурҳол, балки беҳол бўлгонлари»* ишқий кечинмалар тасвирининг авж нуқтасидир. Фарҳод инсонийлик ва ошиқлик шартларини адо этди: тош кесиб, Ширин учун ариқ ва ҳовуз қазди, қаср қурди, фидокорона меҳнати билан Ширинга муносиб эканлигини кўрсатди. Бироқ Фарҳодни саройга чорлаб, унинг шарафига мажлис тузган Меҳинбону, гарчи *«мунинг ашқи гаҳи бошидин ошиб, гаҳ онинг оҳидин олам тутошиб»* турганини билса ҳам, ошиқ ва машуқни бир-бири билан учраштиришга шошилмайди: Фарҳод аввал яна бир синовдан ўтмоғи, илм ва хунарда комила ўн қизнинг саволларига жавоб бермоғи лозим. Ниҳоят *«анга кўзу кўнгул жуз пок эмас»*лигини билиб, *«сўзидин асрори шлоҳий зоҳир»* эканлигига ишонч ҳосил қилиб, Меҳинбону дейди: *«хўблар шоҳига айтингки, бир дам мезбонлиқ расми тутсун, юзидин меҳмон кўзин ёрутсун!»* *«Келиб мажнун қошида ором тутган»* Ширин Фарҳодга:

Деди лаълиға олиб лаъли аҳмар:

«Сенинг ишқингда нўш эттик бу соғар».

Сўнг қадахни лиммо-лим тўлдириб, Фарҳодга узатади:

Ичиб жоми лабо-лаб тутти ул дам

Ки: «Нўш этгил менинг ишқимда сен ҳам».

Қадах тўла майни «сипқорган» Фарҳод ҳушини йўқотади:

Аёғни топшуруб фарди замона,

Ўзин тупроққа солди бехудона.

¹ Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 8-том. – Тошкент: Фан, 1991, 280-бет.

Бу ҳолни кўрган Ширин ҳам беҳуш бўлиб, Фарҳоднинг ёнига йиқилади:

Бу ширин ҳол чун наззора килди,
Анинг ёнида Ширин ҳам йиқилди.

Фарҳод ва Шириннинг ҳушдан кетишлари, насрий сарлавҳада баён қилинишича, май туфайлидир. Ҳақиқатан ҳам, зоҳиран олиб қаралганда, Фарҳод ҳам, Ширин ҳам «май висолидан» - май ичиб, мастликдан эс-ҳушларини йўқотадилар. Бироқ Фарҳод ва Ширин майпараст ҳам, май ичиб беҳуш йиқиладиган маст ҳам эмас. Шунинг учун ҳам шоир бу фикрни ружуъ воситаси билан рад этади: «*Фарҳод била Ширин май висолидин эмас, - дейди шоир, - балки висол майидин пурҳол, балки беҳол бўлганлари*». «*Висол майи*» - висолнинг завқу шавқи. Дарҳақиқат, «Фарҳод била Ширин»ни қадахдаги май эмас, балки «висол майи» - висолнинг завқу шавқи эс-ҳушидан айриб, ошиқ ва маъшук ўртасидаги висол манзараси тасвирланган машҳур ғазалда айтилганидек, уларни «*йўқ бодаким, лутфи анинг масти хароб айла*»¹ ган эди.

Шоирнинг мақсад-муддаоиси иккинчи ружуъда яна ҳам ойдинлашган: *пурҳол, балки беҳол*. «*Пурҳол*»нинг маъноси – *хушҳол, хурсанд, беҳолнинг маъноси – ҳушсиз, ҳолсиз*. Биринчи ружуъ билан иккинчи ружуъдаги сўзлар ўртасида нозик алоқадорлик мавжуд: «*май висолидин - хушҳол, висол майидин - беҳол*». Демак, «*Фарҳод била Ширин май висолидин хушҳол, висол майидин эса беҳол бўлган*». Энди улуғ шоир ружуълар силсиласига жо қилган фикрни шундай тушуниш мумкин: «*Фарҳод била Шириннинг май ичиб, мастликдан хушҳол бўлганлари, йўқ, йўқ, май ичиб, мастликдан хушҳол бўлганлари эмас, балки висолга етишиб, висол сархушилигидин беҳол бўлганлари!*»

Албатта, «*Фарҳод била Шириннинг май ичиб, мастликдан хушҳол бўлганлари*»ни ҳам бутунлай инкор этиш мумкин эмас. Аслини олганда, ружуъ санъатининг моҳияти ҳам - шу: *рад этиб, тасдиқлаш!* Шоир бир фикрдан қайтиб, ўрнига бошқа бир фикрни келтирар экан, аввалги фикрни бутунлай инкор этмайди, балки шу фикр, шу ҳолатни янада кучлироқ, янада аниқроқ ифодалаш учун замин ҳозирлайди. Ҳақиқатан ҳам, Шопурнинг Фарҳодга «*раҳнамолиги*»ни унинг «*дашт паймолиги*» тасвири, Фарҳоднинг «*тоғ пораларни ҳавога учирмоқ била қиёмат кўпормог*»ини «*теша*

¹ Алшар Навоий. Фавойд ул-қибар. МАТ. 20 томлик. 6-том. - Тошкент: Фан, 1990, 46-бет.

бирла тоғ бағрин ёрмоқ била қиёмат кўпормог»и тасвирисиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, «Фарҳод била Шириннинг висолга етишиб, висол сархушлигидин беҳол бўлгонлари»ни ҳам уларнинг «май ичиб, мастликдан хушҳол бўлгонлари» тасвирисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Шундай қилиб, ружуъ ва тарду акс санъатлари улуғ шоирнинг бетакрор маҳорати билан, бир тарафдан, қаҳрамонлар руҳий ҳолат ва кечинмаларининг мутаассир ва рангин лавҳаларига айланган бўлса, иккинчи тарафдан, ружуъ ва тарду акс ҳосил қилувчи сўзлар силсиласи тасвирда занжирсимон изчилликни юзага келтирган.

ХУРШИД ДАВРОН ШЕЪРИЯТИДА АЁЛ ТИМСОЛИ

*Дилфуза ТОЖИБОЕВА,
ЎЗМУ тадқиқотчиси*

Дунёда аёл муҳаббатидан кучлироқ, қайғусидан аянчлироқ туйғунинг ўзи йўқ. Агар аёл севиб қолса, бутун вужудида ишқ ҳукмронлик қила бошлайди. Унинг учун кеча билан кундузнинг, иссиқ билан совуқнинг, узоқ билан яқиннинг, гўзаллик билан хунукликнинг фарқи йўқ. У муҳаббати учун таслим бўлишга, ғолиблиқдан воз кечишга, ҳаётдаги барча қийинчиликларни енгиб ўтишга тайёр.

Хуршид Даврон шеъриятида аёл тимсоли, унинг руҳий кечинмалари ўзига хос тарзда ифода этилади. Шоирнинг “Аёл, қайғу ва муҳаббат ҳақида” номли шеъри уч қисмдан иборат. Шеърнинг биринчи қисми “Аёл” деб номланади. Аксарият шеърларда аёл тимсолини гўзал ташбеҳлар билан кўқларга кўтарилади. Лекин бу шеър аёл ҳақидаги мақтовлар билан бошланмайди. Аёл - гўзаллик тимсоли ёки яратувчи, фаришта каби сўзлар йўқ. Бу шеърда оддий, камситилган ва хўрланган аёл тимсоли мавжуд:

*У аёлнинг қўллари дагал,
У аёлнинг кўйлаги дагал.
Уни ҳар кун калтаклар эри,
Ҳар кун юзда кўқарар доғлар*

Аёл киши учун бундан ортиқ азоб ва хўрлик йўқ. У бошқа аёллар каби турмуш ўртоғининг ишдан келишини ҳар куни интиқлик ила кута олмайди. У ҳар бир кунини кўрқув ва ҳадик исқанжасида ўтказди. Мана шу муштипар аёлнинг ўзига карашга вақти йўқ. Шунинг учун унинг “қўллари, кўйлаги дағал”.

Шеърнинг кейинги мисраларида шоирнинг поэтик тимсолга нисбатан ўзгача муносабати ифодаланади. У аёл ҳам бошқа аёллардек гўзалликни севади. Қалбида рўёбга чикмаган орзулар, яширин ҳис-туйғулар мавжуд. Нима бўлган тақдирда ҳам у - аёл. У – нозик қалб соҳибаси. Шеърнинг аввалида аёл тимсолига нисбатан фақат ачиниш уйғонса, бу мисраларда унга нисбатан ҳурмат ҳисси пайдо бўла бошлайди. Шоирни ҳайратга солган мана ўша поэтик тимсол:

*Кеча ногоҳ йўлнинг четида
Кўриб қолдим ўша аёлни.
У ҳидларди мен сезмай ўтган
Миттигина марварид гулни.*

Шеърнинг иккинчи қисми “Қайғу” деб номланган. Бу шеърда ниманингдир дардида ўйга толган, хаёли паришон аёл ҳолати шундай тасвирланган:

*Латтани ҳўллар экан,
Қотиб қолади.
Ерга эгиб бошини
Ўйга толади.*

Юзлари ажин босган бу аёлнинг юзида фақат қайғуни кўриш мумкин. Унинг қалбида қандай дард бор, у нимани ва кимни ўйлапти - номаълум:

*Ажин босган юзларида
Акс этар қайғу-
Кимни ўйлаб, кимни эслаб
Ғам чекади у?*

Шоир шеърининг кейинги қисмини “Муҳаббат” деб атайти. Учинчи қисмидаги поэтик тимсол аввалги шеърдаги қайғули аёлга ўхшамайди. Унинг қалбида муҳаббат жўш уриб турибди. У севиқли ёри учун ҳамма юмушларни бажаришга кодир. Чунки у севади:

*-Мен севаман, - шивирлар аёл, -
Кирларингни ювиб бераман.
Дазмоллайман кўйлақларингни*

Сени қучган қўллари билан.

Бу аёл жуда бахтли. Чунки унинг қалбидагина муҳаббат хукмрон эмас. Балки унинг вужудида ҳам севгининг тимсоли дунёга келмоқда. Бундай ҳолатни сўз билан айтиш, уни ҳис қилиш аёл учун жуда муҳим:

*Бир кун тонгда тўшакда ётиб,
Жилмайганча шивирласам, бас:
“Юрагимнинг остида кимдир
Худди сендек олмоқда нафас”.*

Хуршид Даврон “Шоирнинг онаси” номли шеърда она тимсолини, унинг ишонарли портретини мусаввирдек чизиб беради:

*Она келиб олис қишлоқдан,
Ўғли билан яшай бошлади.
Ва дастурхон ёзилган чоқда
Ширмой ноннинг четин тишлади.
Ювиб берди бир бозор кирни,
Сувлар қуйди сўлган гулларга.
Неваралар богчадан қайтгач,
Эртасан айтиб берди уларга.*

Она хонадон тинчини авайлашга ҳаракат қилди. Овозини чиқариб гапирмади. У ҳатто тунда “хуррак” отсам, болалар тинчи бузилади, деб тонгда болишга бошини қўйди. Лекин аёлнинг бир кунни мазаси қочди ва қўлидаги пиёлани тушириб юборди. Синган пиёланинг “чил-чил”ига эса ўғли югуриб чикди:

*Ўша заҳот ҳушига қайтди,
Чайқаларди ўнгида олам.
У югуриб чиққан ўғлига
Шивирларди: “Кетайми, болам?”*

Юқоридаги шеърда онанинг нақадар буюк зот эканлиги ифодаланган. Она фарзандининг юмушини осон, хонадонини тинч қилишга уринмасин ўғли онага нисбатан эътиборсиз эканлиги кўриниб туради. Она суйган ўғлининг уйида ўзини ноқулай сеза бошлайди.

Хуршид Давроннинг “Онам қариб қолган”, “Опа”, “Нодира”, “Дарахтзор қошига келар бир аёл”, “Сен келган кун” каби шеърларида ҳам шоирнинг аёлга бўлган турли-хил муносабатлари

ифодаланган. Хуршид Даврон шз шаърларида аёлнинг мухаббати, нафрати, қайгу ва алами каби ҳис-туйғуларини турли поэтик кўриниш ва ҳолатларда ифодалай олган.

САРЛАВҲА - ГАПИРУВЧИ НОМ ДЕМАК

*Музаффар АЛИҚУЛОВ,
катта ўқитувчи (НамДУ)*

Ёзувчи маҳоратини белгиловчи омиллардан бири сарлавҳа бўлиб, у адибдан юксак бадий дид талаб этади. Сарлавҳа ҳам асар мазмунини белгиловчи, китобхонни мақсадга етакловчи, китобхонга ғояни очиб берувчи ёки ишора қилувчи бадий-лисоний воситадир. Ҳар қандай бадий асар ўзига хос номга эга бўлади. Сарлавҳа сўзи форс-тожик ва арабча сўзлардан олинган бўлиб, луғат ва илмий адабиётларда “китоб, асар, мақола ва шу кабиларнинг номи” деб таърифланади.¹ Сарлавҳалар гапирувчи номлар сирасига киради. Демак, сарлавҳа муаллифнинг ғоясини аниқ ва ёрқин ифода этади ва ўқувчи диққатини ўзига тез жалб қилади.²

Сарлавҳалар мазмунан умумлашма моҳиятдаги таъсирчанликка эга. У кишига завқ, эстетик таъсир кўрсатади, фалсафий мушоҳадага ундайди. Шунингдек, сарлавҳалар кишини асар мазмуни, ғояси ҳақида ўйлашга, фикрлашга ундайди. Масалан, ҳар бир адиб ўзига хос сарлавҳа яратиш маҳоратига эга. Ойбекнинг «Кутлуг қон» романи мисолида бу масалани кузатайлик. «Кутлуг» соф туркий сўз бўлиб, кут-барака, бахт келтирувчи, муқаддас деган маъноларни англатади. Сарлавҳанинг моҳияти Йўлчининг ўлими пайтида Шокир ота тилидан очиб берилади: «Йўлчининг ўлими, унча-мунча ўлим эмас. Бу жуда катта ўлим. Аканг, Йўлчи ўғлим, нима учун, ким учун қон тўқди? Ўзи учун эмас, халқ учун, юрт учун, жамики аламзадалар, аламдийдалар учун қон тўқди. Бу қон энг қутлуғ, энг муборак, энг соф қон... Йўлчининг қони беҳуда кетмайди, сира беҳуда кетмайди. Бу ҳикматли қон, қутлуғ қон... Йўлчи ўғлимнинг қони қутлуғ, уни юзга, кўзга суриш керак...»³

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Москва: Рус тили, 1981. 2-том. -Б. 256.

² Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Т.: 1982. -Б. 204.

³ Ойбек. Кутлуг қон. –Т.: Ўқитувчи, 1975. -Б.345.

Кўриниб турибдики, Ойбек асарини «Қутлуғ қон» деб номлаб, ўзига хос маҳорат билан мазмун, мавзу ва ғояни асар номига сингдириб юборган.

Абдулла Қаҳҳор машҳур ҳикояларидан бирини «Ўғри» деб номлайди. Асарнинг бошидаёқ Қобил бобонинг ҳўкизи ўғирланганини билиб оламиз. Ҳўкизини топиш учун қилинган ҳаракатлар бир-бирига уланиб бораверади. Бечора чол ҳўкизини топиш учун нажот излайди ва бу ҳол амалдорларга ниҳоятда қўл келади. Адиб шундай маҳорат билан қалам тебратиб, ҳақиқий ўғри ким эканлигини умуман айтмайди ва асарни «Ўғри» деб номланишини ҳам «эсдан чиқаради». Ҳикоя номи «Ўғри» бўлса-да, ҳўкиз ўғриси ҳақида умуман гап бўлмайди. Адибнинг маҳорати шундаки, сарлавҳага рамзийлик ва фалсафийликни сингдира олган. Китобхон ҳикояни ўқиб, гап ҳўкиз ўғриси ҳақида эмас, балки бечора, камбағал кишиларнинг бор-будини шилиб олаётган, ўғирлаётган амалдорлар ҳақида эканлигини англаб етади. Бу сарлавҳада ғояга ишора қилувчи фикрлар жамланган ва ёзувчи асар моҳияти, мазмуни ҳақида ўйлайди, мушоҳада қилади. Демак, китобхонга ҳавола этилаётган фикр сарлавҳада акс этади.

Асарда китобхон диққатини тасвирланган воқеага жалб этишда сарлавҳа муҳимлигини англаган Ўткир Ҳошимов бир ҳикоясига «Нега, нега?» деб ном қўяди. Сарлавҳа жумбоқ характериға эга. Китобхон асарни ўқиб тугатмагунча сарлавҳа мазмунини англай олмайди. Бундай сарлавҳа китобхонни ўзига тез жалб этади ва асарни охиригача ўқишга ҳаракат қилади. Ёзувчи айтмоқчи бўлган фикр ва ғоя ҳикоя охирида ойдинлашган. Асар Ҳамидулла аканинг троллейбусда ишга кетаётган пайтдаги фикр-ўйлари билан бошланади. Билет олишга даъват этаётган назоратчи, билет олмай «кўён» бўладиган талабалар, қўлга тушганларнинг жарима тўлаши, атрофни кузатишлар воқеани тўлдириб боради. Ҳамидулла ака - жиддий, қаттиққўл, бирмунча асабий қаҳрамон. Унинг бошига анча ташвиш тушган. Қамалиб чиққан, отаси урушдан ногирон бўлиб қайтган. Адиб шуларни ёритиб бораркан, ҳикояга асос бўлган саволга бот-бот мурожаат қилади ва бир гап, яъни ўғли Раҳматулла ҳақида ҳам фикр беради. Троллейбусда пардоз қилган хотинни кўриб Ҳамидулла ака ўзига-ўзи шундай дейди: *«Ўзингнинг хотининг бошқача-да. Йигирма бир йил турмуш кўриб, бир марта лабига буёқ сурмади-я, икки гапнинг бирида: «Раҳматим келса, ҳафта ўтмай, тўй қиламиз» дейди...*

Раҳматулла келишган йигит. Ичмайди, чекмайди, ёмон йўлга юрмайди».¹

Адиб воқеалар ривожда ўқувчи диққатини Афғон уруши воқеаларига ҳам қаратади: «Ой ўтади, йил ўтади, пайти келиб сенинг ўглинг ҳам Афғонистонга боради, интернационал бурчини бажаради...» Ёки бўлмаса: «Раҳматилла бақувват, эсли-ҳушли бола... Шунақа дейди-ку, бу... Афғонистон...».²

Учинчи жиҳати шуки, адиб воқеаларни кундалик ҳаёт билан боғлайди. Ишхонасига етиб келган Ҳамидулла акани бир ҳарбий одам қидириб келади ва уни дарҳол танийди: «Муҳаммадминорнинг майорлик погониди илон расми борми? Бундан чиқди...»³

Туркумли воқеалар тизгинини адиб қўлдан бермай, ўқувчини мақсад, ғоя томон етаклайди: «Шошма, хотиним тагин нима деди: «Раҳматингиз тушимга кирибди, оёғим совқотиб кетяпти, отамга айтинг, менга этик олиб борсинлар, деяпти. Боламнинг жони соғмикан?»⁴

Воқеалар яна Афғонистонда хизмат қилаётган аскар йигит Раҳматиллага бориб такалади. Муҳаммадминор Ҳамидулла акани госпиталдаги ўн биринчи блокка етаклайди: «Келишдик, овозингни чиқармайсан. Ўглинг... «Ўғлим?», «Оёғи нега чалишади?» Нега мадор йўқ?» «Тезроқ! Тезроқ!»...-Ана! Секин... Илтимос, шовқин солма... - Ада! Наҳот ўгли шу бўлса! Тамом бўпти-ку! Ранги докадек оппоқ...»

- Болам! Нима қилди? Нима бўлди сенга! ...

- Опамга айтманг, ада. Сизни кўрдим... Докторга раҳмат.

- Тур, болам! Тур ўрнингдан! Кетамиз!...

У жинни бўлиб қолганга ўхшарди. Шитоб билан аёлни юлқиб четга улоқтирди. Шунда... шунда, тўшакнинг ярми бўш эканини пайқади. Ўглининг иккала оёғи йўқ эди. Тиззадан эмас, ундан ҳам юқориқордан...

Ўша заҳоти шилқ этиб ерга ўтириб қолди.

-Нега? - деди инграб. - Нега? Инсофларинг борми? Ерга мук тушди-да, намиққан тахта полни қўшқўллаб оғиз муштлай бошлади.

- Нега? Нега? Нега-а-а-а!!!»⁵

¹ Ҳошимов Ў. Изтироб. -Т.: Ёзувчи, 1991. -Б.8.

² Ҳошимов Ў. Изтироб. -Т.: Ёзувчи, 1991. -Б.10

³ Ўша китоб. -Б.11

⁴ Ўша китоб.-Б.11

⁵ Ҳошимов Ў. Изтироб. -Т.: Ёзувчи, 1991. -Б.10-11.

Китобхонни ўйлашга, фикрлашга ундайдиган сарлавҳа моҳияти ҳикоя охирида ўз-ўзидан ойдинлашмоқда. Афғон урушидан ногирон қайтиб, юртда жон берган фарзанд ва унинг жонсиз танаси устида отанинг аламли, фарёдли саволи ҳикояга сарлавҳа қилиб олинганлиги маълум бўлди. Ҳикояни ўқиган китобхон ҳам отанинг фарёдига кўшилиб «Нега?» деб савол бериши шубҳасиз ва бу савол барчанинг умумбашарий саволига айланади. Китобхон урушга лаънат ўқийди. Кўришиб турибдики, ҳикоя сўнггида танланган сарлавҳа ечимини топмоқда ва ғоя сарлавҳа билан уйғунлашган. Сарлавҳанинг мазмуни, “юк”и асар сўнггида маълум бўлди ва моҳият очилди. Кузатишларимизни профессор А.Расуловнинг куйидаги фикрлари тасдиқлайди: “Асарни ўқиб бўлгач, сарлавҳа кўз ўнгингизда қоядек виқор касб этади, муҳими, жонланади, ранг руҳга эга бўлади... Исмнинг жисмга монандлигини сарлавҳа билан мазмуннинг мослигига менгзаш мумкин”.¹

АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРЛАРИДА МАЖОЗИЙ ОБРАЗ КЎРИНИШЛАРИ

*Обиджон КАРИМОВ,
катта ўқитувчи (НамДУ)*

Оламни метафорик образ орқали тушунишга интилиш шу бугуннинг меваси, маҳсули эмаслигини яхши биламиз. Қадим «Кул тегин», «Тунюқуқ» ёдномаларида, «Қобуснома» (Кайковус), «Девону луғотит турк» (Маҳмуд Кошғарий), «Кутадғу билиг» (Юсуф Хос Ҳожиб), «Ҳибат ул-ҳақойик» (Аҳмад Югнакий)даги мажозий образларда истиоравий бўёқларнинг қуюқлиги маълум бир воқеанинг, табиат ҳодисасининг таъсир қувватини, эсда сақланишини яна ҳам оширишга хизмат қилган.

Адабий асарнинг бадиий хусусиятларини ўрганиш жараёнида унда ижодкорларимиз томонидан ишлатилган тасвирий воситалар билан танишишга алоҳида эътибор берилади. Ҳар бир тасвирий воситанинг асарда ўз ўрни, мақсади ва вазифаси бўлади. Агар ўхшатиш ва сифатлаш орқали айтмоқчи бўлган нарса мураккаб шаклда баён қилинса, кўчим (ёки троп) ёрдамида шу фикрни қисқа ва аниқ кўринишда баён қилиш мумкин.

¹ Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. – Тошкент: Фан, 2006. -Б.165.

Троп – кўчимнинг хоҳ прозада, хоҳ поэзияда кўзга ташланадиган турларидан бири истиора – метафора ҳисобланади, у ўхшашли кўчим деб ҳам аталади, ўхшашсиз кўчим эса метонимия-мажоздир. Мажозда тасвир объектининг ўзига ёки бўлмаса унинг энг муҳим хусусиятларига янги ном бериш ҳодисалари намоён бўлади.¹

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Алишер ва талаба» шеърига эътибор берайлик:

Сарой йўлга чиқди савлати билан,
Алишер аркони давлати билан.²

Бу ерда ўхшашлик йўқ. Яъни шоир тасвирлаётган нарсани асосий номи билан эмас, балки бир қисми номида ифодаланганлиги кўриниб турибди. Сарой йўлга чиқди дегани саройдаги бутун халқ маъносини ифодалаяпти. Биз шоир бу фикрни айнан шунинг учун ишлатган дея олмаймиз. Чинакам санъаткор ўз бадий мақсадларини амалга ошириш учун имконият тарзида гаваданга олган, яъни метонимия қўллаш билан масалага эстетик ёндашган. «Устозларим» шеърисида шундай ёзади:

Менинг устозларим –
Аҳли шуаро,
Рухимнинг оҳанги – сурудидасиз.
Бирингиз китоблар бағридасиз жо,
Бирингиз Чигатой ҳудудидасиз (2,171).

Шеър мисраларидаги фикрлар оддий, уни тушуниш ортиқча қийинчилик туғдирмайди. Охирги мисраларда метонимия қўлланган, Чигатой қабристонига ётган устозлар, ёзган асарлари кўшиқларда (суруд - кўшиқ демак) мангу барҳаёт экани айтиляпти.

Метонимия образли ифода даражасига кўтарилган, яъни унда воқеаликдан олинадиган тасаввур шакллари алоҳида эстетик қиммат касб этиб борган. Бу ҳолат метафораларда яна ҳам ойдинлашиб, тиниклашиб, шеърят инсон қалбининг ҳолати эканини тасдиқлайди. У «шеърый нутқнинг таъсирчанлигини, образлилигини кучайтирувчи восита ҳисобланади».³ У ҳар бир ижодкорнинг истеъдод қувватига, идрок қилиш маҳоратига боғлиқ ҳодиса.

¹ Бу ҳақда қаранг: Т.Расулов Бадий асар қанотлари. – Тошкент: 1977, 103-104-бетлар.

² Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Тўрт жиллик. Иккинчи жилд. - Т.: 2001, 165-бет. (Бундан кейинги парчалар ҳам шу китобдан олинди, қавс ичида саҳифаси кўрсатилади).

³ Б.Умуракӯлов. Поэтик нутқ лексикаси. – Тошкент: 1990, 60-бет.

Образнинг метафорик хусусияти бадий асарда, айниқса, шеъриятда тасвир табиати, хос услуб билан боғлиқдир. Шоир Абдулла Орипов Чўлпон, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Шайхзода, Миртемир, Усмон Носир каби улуг сўз санъаткорлари ижодини шеъриятда синтез қила олган шоирдир. Ана шу хусусият шоир шеъриятидаги бадий образнинг поэтик мазмунига ўзига хослик бахш этувчи нуқталардан бири ҳисобланади.

Абдулла Орипов шеъриятида фалсафийлик «Саратон», «Она сайёра», «Ўзбекистон», «Қарши қўшиғи», «Кенғлик нуқтаси», «Ҳамид Олимжон хотирасига», «Адолат офтоби», «Бемор ва табиб» каби шеърларида ўта нозик, қатма-қат метафорик маъно юкламалари билан чуқурлаша ва кенгая борганини кўрамиз. Бундай фалсафий–эстетик маъно гуруҳланиши натижасида бадий образнинг тузилиши ўзига хос поэтик структурага эга бўла боради.

«Саратон» шеърида аввал оддий персонаж–образ тасвирланади:

Саратон чоғи бу – зарра шамол йўқ,
Тутлар қавагида мудрар ғурраклар.
Ногаҳон фалакка урган каби дўқ,
Сўзсиз қотиб турар бўйчан тераклар. (2,169)

Мазкур мисраларда образнинг поэтик тузилишига экспозицион кириш ҳосил қилинган. Аста–секин шоир тафаккуридаги онг оқими оддийдан мураккабга томон, яъни саратон образи фалсафий–мажозий маъно билан кенгайиб, бойиб боради:

Ҳали тонг ғунчаси очмасидан лаб,
Наҳор фароғатин ўйламай тақир.
Кимсасиз далага кўзни уқалаб,
Чиқиб келганингни кўрдим-ку ахир. (2,169)

Поэтик образнинг салмоғи кенгайиб боргани сайин шоирнинг дунёни эстетик идрок қилиш табиати ҳам ёрқинроқ акс этиб бораверади:

Чўнтақдан тўкилган тангалар мисол
Шуълалар ўйнайди супа учида.
Бировдан хижолат бўлган каби тол
Ер чизиб туради – дами ичида. (2,170)

Образли восита асосида метафора, метафорик образ юзага келганини пайқаш қийин эмас.

Услубий ранг-баранглик, бадий-эстетик тамойиллар турфалиги Абдулла Орипов шеърлятида, умуман, ҳозирги шеърлятимизда метафоризмнинг кучайишига, кутилган ташбеҳу сифатлашларнинг кашф этилишига олиб келди. Буни мустақиллик даврида яратган шеърлари мисолида таҳлил қилиш галдаги вазиғамиз бўлиб қолади.

АСҚАД МУХТОР БАДИИЙ ТАРЖИМА ҲАҚИДА

*Муаттархон ЖЎРАЕВА,
ўқитувчиси (НамДУ)*

«Асқад Мухтор деганда XX аср ўзбек адабиётининг чинордай бақувват, йирик намояндаси, бадий прозанинг ҳикоя ва очерк сингари мўъжаз турларидан тортиб йирик, салмоқдор романларгача, поэзияда шеър ва кичик миниатюрвий куйма мисралардан тортиб қамровдор поэмаларгача бўлган ажойиб намуналарни яратган баркамол носир ва шоир кўз ўнгимизда гавдаланади.»¹ У драматург сифатида сахна асарлари бунёд этди, публицист бўлиб эҳтиросли мақола ва памфлетлар ёзди, таржимонлик қилиб жаҳон халқлари адабиётларининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ўғирди, таржимашунос сифатида адабий жараёнда фаол иштирок этди. Бадий ижоднинг қайси соҳасига қўл урмасин, қайноқ инсоний туйғуларга йўғрилган ажойиб бадий тафаккур намуналарини берди, адабиётшуносликнинг мураккаб қирраларидан бири ҳисобланган таржимашуносликнинг ривожда ҳам Асқад Мухторнинг алоҳида ўрни бор.

Асқад Мухтор «Шарқ юлдузи» журнали (1952 йил 7-сон)да «Бадий таржима маҳоратини эгаллайлик», «Звезда Востока»(1954 йил 12-сон)да «Таржима маҳорати хусусида» номли мақолалари, 1958 йили Олмаотада бўлиб ўтган рус тилидан Ўрта Осиё, Қозогистон ва Озарбайжон халқлари тилларига таржима масалаларига бағишланган кенгаш олдидан 1957 йили чоп этилган «Рус тилидан ўзбекчага бадий таржиманинг баъзи масалалари» рисоласи, «Таржима санъати» тўплами(1978)нинг 4-китобидан ўрин олган «Таржима – умрбоқий бўлсин», шу номли тўпламнинг

¹ Саломов Ғ, Матёкубов А. Ижодий камолот ҒҒ Асқад Мухтор замондошлари хотирасида – Т.: Маънавият, 2003, 7-бет.

(1980) 5-китобида босилган «Мураккаб санъат» каби мақолалари билан таржимашунослик соҳасига салмоқли ҳисса қўшди.

«Рус тилидан ўзбекчага бадиий таржиманинг баъзи масалалари» рисоласида А.Мухтор ўзбек адабиёти ривожига таржима санъатининг ўрни, Ўзбекистонда таржимачиликнинг 40 йиллик фаолияти ҳақида фикр юритади ва таржимонлар олдида турган навбатдаги вазифаларни кўрсатиб ўтади.

«Таржима камолидан далолат берадиган энг муҳим жиҳат шуки, бу даврга келиб таржимонлар орасида ихтисослашиш пайдо бўлди. Таржимонлар айрим-айрим халқлар адабиётига, ҳатто якка-якка ёзувчи ёки шоир ижодига ихтисослашдилар. Кўпчилик таржимонларнинг ўзи севган адабиёти, даври, жанри, мавзуси, муаллифи бор. Масалан, Абдулла Қаҳҳор – А.П.Чехов, Мирзакалон Исмоилий – Л.Н.Толстой, Мақсуд Шайхзода – В.В.Маяковский, Ваҳоб Рўзиматов – М.Шолохов ижодининг энг билимдон таржимонига айландилар», - деб таъкидлаб, бу ихтисослашишнинг аҳамияти нималарда акс этишини алоҳида белгилайди.

Биринчидан, таржима қилинаётган асарга ҳар бир таржимон ўз ижодий имкониятидан келиб чиқиб ёндашади, бинобарин, моҳир таржимон «ҳар бир даврга, ҳар бир миллий-адабий анъанага, ҳар бир адиб ва унинг ҳар бир асарига мувофиқ келадиган услубни зийраклик билан танлайди... таржимани «ризқ-рўз манбаи» қилиб олган киши учун эса Толстой ҳам, Флобер ҳам, Достоевский ҳам...«бир хил қолип»да кетаверади, бундай таржимага муҳтож таржималар ўқувчининг эстетик гўзаллик ҳақидаги тасаввурига лат етказди».

Иккинчидан, таржиманинг муваффақияти мутаржимнинг таржима қилинаётган муаллифга услуб, ижодий қиёфа ва истеъдод йўналиши жиҳатидан яқинлигига, маҳорат даражасига боғлиқ. Чинакам таржимонлар дуч келган асарни эмас, ўз қалбига ўрнашиб, кўнгил мулкига айланиб қолган, ўз истеъдод йўналишига мувофиқ келадиган бадиият намуналарини танлаб таржима қиладилар, масалан, Абдулла Қаҳҳор таржималари ўзбек китобхони учун Толстойни иккинчи марта кашф этди, улар миллий тилимиз имкониятларини гўё кенгайтириб юборгандек бўлди. Толстой қаҳрамонларининг мураккаб дунёси бутун нафислиги ва улуғворлиги билан биринчи марта она тилимизда намоён бўлди. «Албатта, Толстойнинг машҳур «даврий жумла»лари таржимонга осон кўчмаган, лекин Қаҳҳор уларга ҳам зўрликсиз, чуқур ҳурмат

билан муносабатда бўлиб, эркин ва енгил нафас бағишлаган, масалан, «Князь ота-боболаримиз гапирган, наинки гапирган, балки тафаккур қилган француз тилида, секин, киборлар доирасида ва саройда қариган обрўлик кишиларга хос ҳимояткорона бир тарзда чертиб-чертиб сўзлар эди», - жумласини ўқиганда кўз ўнгимизда Толстой улуғворлиги намоён бўлса, сўзнинг табиатини, унинг истеъмолдаги ўрни ва замирини яхши биладиган Абдулла Қахҳор таржимада мохирона қўллаган «наинки» сўзи Қахҳор услубинигина эмас, жумланинг ажойиб бадий ширасини ҳам акс эттириб турибди».² Демак, асар ўзининг ҳақиқий, фидойи таржимонини топгандагина тўла муваффақият билан таржима қилинади.

Учинчидан, таржима жараёнида таржимоннинг бадий маҳорати сайқалланиб, ўзига хос бир мактаб шаклланиб борадики, бу барча таржимонлар учун намуна вазифасини ўтайди. Ғ.Ғулом Маяковский асарлари таржимасида ана шундай мактаб яратди.

Таржимонларни ихтисослаштиришдан асосий мақсад таржимон маҳоратининг ривожини билан боғлиқ, бусиз таржима санъати тараққиёти ҳақида тўлақонли фикр юритиб бўлмайди.

Муайян бир халқ, миллат ва элатга хос тушунча, нарса ва ҳодисаларни акс эттирадиган лисоний воситалар – хос сўзлар бадий асарнинг миллий хусусиятини белгилайдиган асосий омиллардан ҳисобланади. Гап бадий таржима ҳақида кетар экан, асарнинг тўла мазмунини қайта яратишнинг ўзи кифоя қилмайди, бадий-эстетик таъсирини ҳам қайта яратиш лозим. Худди шу масала ечимида маҳорат юзага келади. Муаллиф мохир таржимон Миртемирнинг таржималарига тўхталиб: «...у рус тилидаги барин, господин, сударь, баришня, помешчик, дворянин каби хос сўзларни ўзбекча муқобилининг гўзал намуналарини яратди, бунинг мураккаблиги шундаки, биринчидан, бу сўзлар рус миллатининг ўтмиши билан боғлиқ, иккинчидан, уларнинг ўзбекча муқобили йўқ. Миртемир бу муаммонинг ечимини бошқа туркий тиллардан ва Ўрта Осиё халқларининг луғат бойлигидан излади. Озарбайжон тилидан «афандим», татар тилидан «ҳазрат», фарғона шеваидан «ойимқиз», архаик сўзлар фондидан «бегойим», тожиклардан «заминдор» ва шу кабиларни мурожаат реалийлари сафига қўшиш билан бир қаторда, «заговорить зуби», «кури не клюет», «сел в калошу», «мозолить глаза» каби соф русча иборалар, дуб, берёза,

² Мухтор А. Некоторые вопросы перевода художественной литературы с русского языка на узбекский. ГОСЛИТИЗДАТ УзССР. -Т.: -1957 стр. 7.

клён, липа сингари ўзбекча номи учрамайдиган дарахт ва ўсимликларнинг ўзбекча муқобили билан сўз луғатимизни бойитдики, улар бор жилоси ва товланишлари билан тилимизнинг барча хусусиятларига мос келишини таъкидлаб, таржимон маҳоратини юксак баҳолайди.³

А.Мухтор рисолада таржима санъати билан боғлиқ яна қатор муаммоларни санаб ўтар экан, уларнинг ечимини топишда таржимонларнинг ўз наشري - таржима назарияси ва амалиёти журналани ташкил қилиш ва унга мутахассисларни, тажрибали таржимон ва таржимашуносларни жалб этиш лозимлигини алоҳида таъкидлайди.

АЛИШЕР НАВОИЙ ТУЮҚЛАРИ

*Абдулҳамид ҚУРБОНОВ,
катта ўқитувчиси (НамДУ)*

*Дилноза МАДРАҲИМОВА,
4-курс талабаси*

Алишер Навоий адабиётимиз тарихида туюқнинг биринчи назариётчиси бўлиш билан бирга, унинг тараққиётига катта ҳисса қўшиб, туюқ жанрининг ноёб намуналарини яратган мохир сўз санъаткордир. Навоий девонида ҳаммаси бўлиб ўн учта туюқ мавжуд. Бироқ ана шу бир нечта туюқнинг ўзида ҳам Навоийнинг юксак поэтик маҳорати намоён бўлиб туради.

Алишер Навоийнинг туюқлари ҳам унинг бошқа жанрлардаги асарлари каби юксак санъаткорлик билан битилган. Навоий туюқлари ўзининг ажойиб шакли, тажнислари, чуқур ҳаётий мазмуни, жозибadorлиги билан кишига катта бадиий завқ бағишлайди.

Ул парий ишқида бу девонани,
Эйки, истарсен, келиб гулханда кўр.
Бир қадаҳ ул гулни хандон айлади,
Эй кўнгул, наззора қил, гул ханда кўр.¹

Ушбу туюқ-қитъа ошиқнинг ишқий кечинмалари ва маъшуканинг хусну жамолини тасвирлашга бағишланган бўлиб, унда «гулханда» ва «гул ханда» сўзлари тажнис ҳосил қилган.

³ Мухтор А. Некоторые вопросы перевода художественной литературы с русского языка на узбекский. - Гослитиздат. - Ташкент: 1957, стр. 15.

¹ Алишер Навоий. Бадое ул-васат. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. - Тошкент: Фан, 1990, 518-бет.

Биринчи байтда тасвирланишича, париваш маъшуқа ишки ошиқни девонага айлантирган: *Менинг ҳолим қандай эканлигини билмоқчи бўлсанг, - дейди у, - гулханда ёнмоқдаман, мени келиб гулханда кўр.* Мазкур ўринда «гулханда» сўзнинг маъноси *гулхан, олов ичида.*

Иккинчи байтда шоир гўзал маъшуқани гулга ўхшатади. Бир қадах май гул юзли маъшуқани хуш-хандон айлайди. Гул юзли маъшуқани, бунинг устига, хуш-хандон гул юзли маъшуқани кўриш - ошиқ учун олий саодат. Шунинг учун: *Эй кўнгул, - дейди у ўз кўнглига мурожаат қилиб, - уни наззора қил, гулни ханда қилаётган чоғда кўр. «Гул ханда» сўзининг маъноси қулаётган гул бўлиб, бу ўринда у икки сўздан иборат: гул ва ханда.*

Бовужуд ул юз эрур гулгунаси,
Ким кўринур оллида гул гунаси.
Юз кизиллик йўқтурур, эй аҳли зуҳд,
Токи мункирсиз майи гулгуна сиз.²

Ушбу туюқда «гулгунаси», «гул гунаси», «гулгуна сиз» сўзлари тажнис ҳосил қилиб, Алишер Навоийнинг май ва унинг инсон камолотида тутган ўрни ҳақидаги фикрларининг таъсирчан ифодаси учун хизмат қилган Дастлабки мисраларда шоир зохиран маъшуқанинг, болтинан эса комил инсоннинг ҳуснини улуғлайди. Туюқда юзнинг қизиллиги комиллик нишонаси сифатида талкин қилинган. Биринчи мисрада «гулгунаси» сўзи гулгунага эга бўлмаслик маъносида келган. Бу мисрада «гулгуна» сўзининг маъноси юзни кизартириш учун суртиладиган *упа-элик ёки гоза.* Биринчи мисранинг маъноси: *Ўша (яъни таърифланаётган) юз гулгунаси, яъни гозасиз бўлса ҳам.*

Иккинчи мисрадаги «гулгунаси» икки сўздан иборат: *гул ва гунаси.* Гулнинг маъноси маълум, *гуна* эса юзнинг ранги маъносида келган. Иккинчи мисранинг маъноси: *Шундай бўлса ҳам, яъни упа-элик суртиб қизартирилмаган бўлса ҳам, гул унинг олдида гунаси, яъни рангсиз кўринади.* Тасвирланаётган инсоннинг юзи ҳеч қандай пардоз-андозсиз қизиллик топган.

Тўртинчи мисрада ҳам мазкур тажнис икки сўздан иборат бўлса ҳам, *гулгунаси* бирикмаси бошқача тарзда бўлинган: *гулгуна сиз.* Мазкур мисрадаги *Гулгуна* сўзи икки қисмдан иборат: *гулгун + а.* *Гулгун*нинг маъноси қизил, «-а» жўналиш келишигининг

² Алишер Навоий. Бадое ул-васат. Муҳаммад асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. - Тошкент: Фақ, 1990, 518-бет.

кўшимчаси бўлиб, *гулгуна қизилга, майи гулгуна* бирикмасида эса *қизилга майга* деган маънони билдиради.

Учинчи ва тўртинчи мисраларда шоир зуҳд аҳлига мурожаат қилади. Маълумки, зуҳд аҳли ёки зоҳид анъанавий образ бўлиб, у ўтмиш адабиётида ишқ ва ошиқликдан бегона, жоҳил кишиларнинг рамзи сифатида талқин қилинган. Ишқ аҳли – ошиқ билан зуҳд аҳли – зоҳиднинг мақсад-интилишлари ўртасида кескин зиддият бор. Зоҳиднинг мақсади нариги дунёда жаннатга тушиш, жаннат роҳат-фароғатларидан баҳраманд бўлиш. Жаннатга тушиш учун эса кечаю кундуз тоат-ибодат билан машғул бўлиш керак. Ошиқнинг мақсади эса жаннат эмас, Аллоҳнинг висоли. Аллоҳ висолига етишиш учун эса қуруқ тоат-ибодатнинг ўзи кифоя эмас, бунинг учун кўнгилда ишқ бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам туюқнинг лирик қаҳрамони зуҳд аҳлига мурожаат қилиб айтадики, *Эй зуҳд аҳли, токи гулгуна (қип-қизил май) ни инкор этар экансиз, Юзингиз ҳеч қачон қизармайди*. Бу ерда май сўзини ҳам изохлаш лозим. *Май* сўфиёна шеъриятда энг кўп қўлланган тимсоллардан бири бўлиб, одатда *ишқ* маъносида келади. Агар майнинг ушбу маъноларидан келиб чиқадиган бўлсак, сўнгги байтни шундай талқин қилиш мумкин: *Эй зуҳд аҳли, токи ишқни инкор этар экансиз, ҳеч қачон қомил инсон бўла олмайсиз*.

Чарх тортиб ханжари ҳижрон бу тун,
Кўймади бир зарра бағримни бутун.
Тунга бориб бизни беҳол айлади,
Не балолиғ ер эмиш, ё Раб, бу тун.³

Туюқнинг мазмунида севган кишисидан айрилиш, жудолик, ҳижрон аламларининг тасвири ётади. Ҳижрон аламлари тун бағрида, тун сўзининг маънолари билан боғлиқ ҳолда баён қилинган. Шеърда тажнис бўлиб келган сўз «бутун». «*Бутун*» уч маънода қўлланган: 1) *бу кеча*; 2) *бутун, яхлит, соғ*; 3) *бу Тун* (жой номи).

Биринчи байтда лирик қаҳрамон ҳижрон азобларидан шикоят қилиб дейди: *Чарх, - дейди у, - бу тун (бу кеча) ҳижрон ханжарини санчиб, бағримнинг бир парчасини ҳам бутун кўйгани йўқ*. Ҳар икки тажнис сўз ҳам туюқ мазмуни ва лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати билан узвий боғланиб кетган. Биринчи мисрадаги «бутун» сўзининг маъноси бу кеча. Кеча сўзининг маъноси қоронғилик. Шунинг учун

³ Алишер Навоий. Бадое ул-васат. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. - Тошкент: Фан, 1990, 518-бет.

шоир шу сўзга мазмунан мос бўлган ҳижрон тасвирини олиб киради, чарх ва ханжар сўзлари эса қоронғилик маъносини қуюклаштиради. Сўзлар маъносидаги алоқадорлик *таносуб санъатини* юзага келтирган: *тун, ҳижрон, чарх, ханжар*.

Иккинчи мисрадаги «бутун» сўзининг маъноси бутун, яхлит, соғ. Энди шоир сўзнинг бу маъносига мос санъат яратади: *Ҳижрон ханжари*, - дейди лирик қахрамон, - *бағримнинг заррача жойини ҳам бутун қўймади. Бутун ва зарра* сўзлари мазмунан бир-бирига зид бўлиб, *тазод санъатини* ҳосил қилган.

Иккинчи байтда ҳам жудолик аламларидан шикоят давом этирилган: *Тунга бориб бизни беҳол айладинг, ё Раб, қандай бало экан бу тун*, - дейди у. Байтда шоир «тун» сўзи билан боғлиқ жуда ажойиб сўз ўйини қилган. Гап шундаки, учинчи мисрадаги «тун» бирданига икки маънода қўлланган. Бир сўзни икки маънода қўллаш *ийҳом санъатини* юзага келтирган. Ийҳом санъати байтни ва ундаги тажнис сўзларни бирданига икки маъноли қилиб қўйган. Агар бутун туюқда тасвирнинг тун билан боғлиқ эканлигидан келиб чиқилса, учинчи мисра бошидаги «тун»ни кечаси деб ўйлаш мумкин. Унда туюқнинг маъноси қуйидагича бўлади: *Кечаси билан ҳижрон ханжари бағримни қийма-қийма қилди, тунга - ярим кечасига бориб ҳолдан тойдим, ё Раб, қандай бало экан бу тун?*

Лекин байтни фақат шундай маънодагина тушуниш етарли эмас. Чунки «тун» сўзининг бошқа маъно билдиришига ҳам ишора бор: *Не балолиг ер эмиш, ё Раб, бу тун*, - дейди шоир. *Ер* вақтга эмас, жой номига нисбатан қўлланадиган сўз. Шундан келиб чиқиб, тун сўзини Тун деган жойнинг номи деб ўйлаш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, Хуросонда Тун деган шаҳар мавжуд. У ҳолда байтнинг мазмуни қуйидагича бўлади: *Тун (шаҳри) га бориб, бизни беҳол қилдинг, ё Раб, бу Тун қандай бало Тун эканки, у бизни ёрдан жудо қилиб, шу аҳволга солди?!*

Навоий ўзидан аввал туюқнавислик соҳасида тўпланган анъаналарни давом эттириб, тажнис яратишнинг хилма-хил усулларини ишга солади. Шоир ижодида тажниси мураккабнинг анъанавий кўринишлари билан бирга, аввалги давр шоирларининг ҳеч бирида учрамайдиган алоҳида турлари ҳам мавжуд. Чунончи, у туюқларидан бирида бир йўла уч сўздан ташкил топган тажнис ишлатади:

Ўткали ул сарви гул рухсоридин,
Йўқ хабар, ул сарви гулрух соридин.

Ҳажридин боғ ичра берур ёдима,
 Қоматидин - сарву гул - рухсоридин.⁴

Мазкур туюқда тажнис бўлиб келувчи сўзлар бирикмаси «сарвигулрухсоридин». Навоий ушбу бирикмани уч мисрада уч марта уч хил сўзга ажратиб, жуда мураккаб сўз ўйини қилади. Ушбу туюқ ҳам шоирнинг кўпгина туюқлари сингари хижрон мавзуида. Биринчи мисрада «сарвигулрухсоридин» бирикмаси «сарви гул рухсоридин» тарзида бўлинган: *Ўткали ул сарви гул рухсоридин*. *Сарв* - тик ва чиройли ўсадиган дарахт, шунинг учун ўтмиш адабиётида маъшуканинг қомати сарв дарахтига ўхшатишган. Гулнинг маъноси маълум. *Рухсор* юз, чехра дегани. Бирикмадаги *сарви гул* мажозий маънода қўлланган бўлиб, шоир *сарви гул* деганда маъшукани назарда тутди. Мисранинг мазмунини шундай ифодалаш мумкин: *Ўша сарви гул, яъни маъшуканинг рухсоридан - юзи, чехрасидан жудо бўлганимдан бери*.

Иккинчи мисра: *Йўқ хабар сарви гулрух соридин*. Мисрада тажнисли бирикманинг қайта бўлиниши натижасида *сарви гулрух* ва *сори* сўзилари юзага келган. *Гулрух*нинг маъноси *гулюз, гулчехра*. *Сори* эса *сари, томон* маъноларини билдиради. *Сарви гулрух* деганда ҳам шоир маъшукани назарда тутди. *Сарви гул*нинг маъноси сарвгул бўлса, сарви гулрухнинг маъноси гул юзли сарв. Мисрада шундай фикр ифодаланган: *Ул гул юзли сарв, яъни маъшук томондан хабар йўқ*. Энди байтнинг маъноси куйидагича бўлади: *Сарви гул(нинг) рухсоридан (чехрасидан) жудо бўлганимдан бери ўша сарви гулрух (гул чехрали сарв) соридан (томондан) бирор хабар йўқ*.

Иккинчи байтда хижрон мавзуси янада чуқурлаштирилган. Гул юзли маъшукасидан хабар топмаган ошиқ маъшуканинг ёдида боғ ичра сайр қилар экан, боғдаги сарв унинг қоматини, гул эса рухсорини ёдига солади: *Ҳажридин боғ ичра берур ёдима қоматидин - сарву, гул - рухсоридин*. Бу байтда «сарвигулрухсоридин» бирикмаси «қоматидин сарву гул рухсоридин» тарзида бўлиниб, қомат сарвга, юз эса гулга ташбеҳ қилинган.

Шундай қилиб, Алишер Навоий тўрт қисмли мураккаб тажнис яратиб, «сарвигулрухсоридин» бирикмасини уч маънода келтирган:

⁴ Алишер Навоий. Бадое ул-васат. Муҳаммад асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. - Тошкент: Фвн, 1990, 518-бст.

1) *сарви гул рухсоридин* - сарви гулнинг чехрасидан; 2) *сарви гулрух соридин* - гул юзли сарв томондан; 3) қоматидин *сарву, гул рухсоридин* - қоматидан сарву гул чехрасидан.

Шундай қилиб, Навоий туюқлари, гарчи уларнинг миқдори унчалик кўп бўлмаса ҳам, шоирнинг ғазал, мухаммас, таржеъбанд, маснавий, китъа, рубойлари қаторида турадиган баркамол асарлардир. Алишер Навоий туюқ жанрини ҳам ғоявий, ҳам шаклий жиҳатдан янги тараққиёт поғонасига кўтарди. Шоир туюқларида тажниснинг турли кўринишлари: тажниси том, тажниси мураккаб санъатлари муваффақият билан қўлланган. Шоир мураккаб тажнис яратишда, айниқса, катта маҳорат кўрсатган. Кўриб ўтганимиздек, шоир туюқларида тажниси мураккабнинг икки, уч ва ҳатто тўрт сўзга асосланган кўринишлари мавжуд.

МУЛЛА ЙЎЛДОШ ХИЛВАТИЙНИНГ “ҚАСИДАИ ИЛМ” АСАРИДА ИЛМ ҲАҚИДА

*Озода БОЛТАБОЕВА,
ўқитувчи (НамДУ)*

XIX асрнинг иккинчи ярми, XX асрнинг бошларида яшаб ижод этган шоир Хилватий ўз даврида “Эшон Хилватий”, “домла Хилватий”, “Ҳазрати Хилватий”, “Мулла Йўлдош”, “Охунд аълам Хилватий ибн Тўрабой” каби фахрий номларга ҳам эга бўлган. Жумладан, Нодим Намангоний Хилватийга атаб ёзган шеърида:

Хилватий бир кимсаи соҳибғазал,
Сўзларининг ҳар бири қанду асал.
Олиму доною хирадманддур,
Нуктасидин фазл ахли хурсанддур,...

деб шоир Хилватийнинг олиму донолиги ҳақида ўз фикрини баён этса, Мутеъ тахаллуси билан ижод қилган шоир:

Отлари Йўлдошу йўлдоши Худо,
Хилватий эрди тахаллус, ошно.
Анда эрди илму ҳолу илми қол,
Баҳраманд бўлгай эди ҳар бенаво.
Шул замонда зубдаи шоир эди,
Сўзлари дард аҳлиға эрди шифо...

дея шоир Хилватийнинг диний ва дунёвий илмлар эгаси эканлиги ҳақида ёзади.

Хилватийнинг ахлоқий–таълимий мавзудаги шеърларини мутолаа қилсак, Муқимий, Завқий, Фурқат каби маърифатпарвар шоирлар орасида ўзига хос йўналишда ижод қилганининг гувоҳи бўламиз. Хилватийнинг “Ҳаёт”, “Дилим”, “Илм учун” каби ғазалларида илм–маърифатли бўлиш, илмнинг чексиз фазилатлари ҳақида сўз боради. Диний ва дунёвий илмларни эгаллаш, тил ўрганиш борасида ибратли фикрлар айтилади.

Араб ва форс тилини мукаммал билган шоир Хилватий девонидан ўрин олган шеърларининг қарийб 30 фоизи форс тилида битилган. Шоирнинг илм ва унинг фазилатлари ҳақида ёзган асарлари орасида форсча 96 байтдан иборат “Қасидаи илм” асари мавжуд. Бу асарни ўзбек тилига таржима қилган ва нашрга тайёрлаган устозимиз филология фанлари номзоди Сайфиддин Рафиддиновнинг фикрича, ўзбек адабиётида илмнинг барча қирраларини мукаммал ёритган бу каби асар йўқ.

Шоирнинг “Қасидаи илм” асари арузнинг ҳазажи мусаддаси мақсур вазнида ёзилган. Асар 1903 йилда ёзилган ва унинг кириш қисмида, “Ин қасида дар баёни мадҳи илм ва дониш ва хасоил ва манокйби уламо...”, яъни “Бу асар илму дониш мадҳида ва олимларнинг хислат ва манокйблари ҳақида...” деб таъкидлаб ўтилган. Қасидада илм олишга тарғиб, бу йўлдаги машаққатлардан ноумид бўлмаслик, илм йўлида чекилган азоб бир кун келиб роҳат бўлиши, хорлик тортиб илм олган кишини бойлик гулзорига етказувчи илмнинг фазилати ҳақида ёзилган. Илмни икки олам базмгоҳининг чироғи деб таърифланган:

Зиҳи, шамсуз – зуҳо, бадрид – дужо илм,
Чароғи базмгоҳи ду саро илм.

(Қандай яхши! Илм – чошгтоҳ қуёши ва тўлин ойдир, икки олам базмгоҳининг чироғидир.)

Шоир Хилватий бу қасидада илмнинг барча мақсадларнинг калити, кўнгил ойинасини кибру ҳаво ва ғурур зангидан мусаффо қилувчи, ислом қасрининг асоси ва бу бинонинг беш рукни мадори эканлигини айтади:

Калиди жумла мақсуд асту дониш,
Кушойишхойи жамъи муддао илм.

(Барча мақсадларнинг калити, жамии муддаоларнинг очқичи илмдир)

Кунад ойинаи дилро мусаффо,
Зи занги нахвати кибру ҳаво илм

(Кўнгил ойинасини кибру ҳаво ва гурур зангидан мусаффо қилувчи илмдир)

Асоси қасри ислом аст дониш,
Мадори панж рукни ин бино илм.

(Ислом қасрининг асоси ва бу бинонинг беш рукни мадори илмдир)

Зи оби илм нахли шаръ сабз аст,
Шавад хушк ин шажар чун шуд фано илм.

(Шариат дарахти илм сувидан яшнаб туради. Агар илм йўқ бўлса, бу дарахт қуриб қолади)

Шоир илмнинг юксаклиги ва муҳимлигини кўрсатиш учун оят ва ҳадислардан намуналар келтиради. “Зумар” сурасининг 9-оятда Аллоҳ Таолло шундай дейди: “Айтинг (эй Мухаммад): Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?!” Шоир Хилватий ҳам илмли инсонларнинг халқ пешвоси эканлигини айтади:

Барад дар садри мажлис дар мажолис,
Кунад касро ба мардум пешво илм.

(Илм –мажлисларда энг ўртадан жой берувчи, кишини халқ пешвоси қилгувчидир)

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) эса ҳадиси шарифларида: “Олимлар пайгамбарларнинг ворисларидир”, “Илм дунёда азиз ва охиратда шарофатлик қилади”, деб марҳамат қилганлар. Шоир Хилватий ҳам бу қасидада:

Азизат мекунад дар дори дунё,
Шарифат мекунад явмул жазо илм, -

бу дунёда сени азиз, қиёмат қуни шарофатлик қилувчи илмдир, дея таъкидлайди.

Бошқа бир ҳадиси шарифда “Агар илм Хитойда бўлса ҳам изланглар” деб илм олишга ундалган. Шоир мазкур ҳадисни асарда шундай бадий талқин қилади:

Агар аз зиндағони баҳра жўйи,
Бижу аз Рум то мулки Хито илм.

(Агар ҳаётдан баҳраманд бўлишни истасанг, Румдан то Хитоё мулкигача бўлса ҳам илм изла).

Хилватий ушбу асарида илм олишнинг ўз талаб ва одоблари борлиги, устоз ҳақиқа риоя қилиш лозимлиги, жамиятдаги барча фитна ва фасодлар илмсизликдан, жоҳилликдан келиб чиқиши ҳақида ёзади. Илм фазилати ҳақида ёзилган ушбу қасида ўз

мазмун–моҳияти, раvon тили ва бадииятининг юксаклиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати

1. Хилватий. Сайрул жибол. – Тошкент.: Ғ.Ҳ.Орифжонов босмаҳонаси, 1908.
2. Хилватий. Девон. - Тошкент: Фан, 2001.

НАТАН ЛАЙТ - ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ОБИДАЛАР ТАДҚИҚОТЧИСИ

*Зоҳиджон СОДИҚОВ,
доцент (НамДУ)*

*Ботиржон ШЕРМАТОВ,
Ўқитувчи (НамДУ)*

Натан Лайтнинг қадимги туркий обидалар борасидаги изланишлари асосан фольклор аъналарига кенгрок ўрин берилганлиги билан ажралиб туради. Аммо шунга қарамай, у қадимги туркий обидалар тўғрисида хорижий тадқиқотчилар ичида биринчилардан бўлиб қиёсий таҳлил олиб борган олимлар жумласига киради. У ҳозирда АҚШ Оҳайо штати Толедо университетининг социология ва антропология факультетида Жанубий Америка ва Осиё халқлари антропологияси ва фольклори фанлари профессоридир. Унинг 1986 йилда Йейл университетидида “Жорж Батайли ва Михаил Бахтинлар ўртасидаги мунозарали суҳбат” мавзуида диплом иши ёзиб, бакалавр даражасини, 1990 йилда эса Индиана университетидида туркий халқлар фольклори бўйича таълим олиб, магистрлик даражасини олганлиги қиёсий адабиётшунослик, қиёсий фольклоршунослик ҳамда қадимги туркий обидаларни жиддий ўрганишига замин ҳозирлади. У 1998 йилда “Ислом ва дунёвий ҳаётда туркий адабиёт ва уйғур мақом кўшиқлари ифодаси ҳамда уларнинг ижро тамойиллари” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Натан Лайтнинг “Алпомиш: Марказий Осиё Россия мустамлакачилиқ даврида” (1992), “Хитой Халқ Республикасидаги қозоқлар: тарихий-тадрижий тараққиёт таҳлили” (1994), “Жим-жит ётган кум: Буюк Ипак йўли мамлакатларида мусиқа, маданият ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт” (2004) каби рисола ва тадқиқотлари Ҳарвард академияси ҳамда Индиана университети ҳамда Хитой Халқ

Республикасининг фан ва таълим соҳасидаги нуфузли мукофотларига сазовор бўлган.¹ Унинг докторлик диссертациясининг “Мусулмон турклар яратган сўз санъати” деб номланувчи махсус бир боби Юсуф Хос Ҳожиб ва Махмуд Кошғарий ижодининг қиёсий таҳлилига бағишланган. Унда “Қутадғу билиг” ҳамда “Девону луғотит турк”нинг яратилиш тарихи, сарчашмалари, улардаги фольклор анаъналари ва айрим ғоявий, услубий жиҳатларга муносабат билдирилади. Ҳар икки мўтабар манба ёнма-ён қўйиб таҳлил қилинади. Айтиш мумкинки унда айтилган фикрларнинг айримлари биздаги тадқиқотлар билан уйғун бўлса-да, кўп жиҳатдан ўзига хосликларга ҳам эга.

Натан Лайтнинг қадимги туркий обидаларга оид ишларида Махмуд Кошғарий “Девон”и оддий халқ тили ва унинг турли лаҳжалари асосида яратилганлиги, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”и эса юқори табақага мўлжаллаб ёзилганлиги таъкидланади. Бу бир жиҳатдан тўғри. Аммо у айна пайтда мавлоно Юсуфнинг сарой тили билан оддий халқ тилини бир-бирига яқинлаштиришга интилганлигини ҳам унутмайди. Буни Н.Лайтнинг мана бу сўзларидан ҳам билиш кийин эмас: “Асосан диалогик ёзма нутққа асосланган дидактик достонида Юсуф бир қатор муаммоларга учраган. У турк аёнларига хос мураккаб сарой тили билан оддий халқ тили ўртасида ўзига хос ҳакамлик вазифасини ўташига тўғри келган Юсуф ўз асарини ҳар икки қатламдан мутаносиб (параллел) фойдаланиб, ўзига хос услуб ярата билган”.²

Бизнингча, америкалик олим Натан Лайт қарашларида бир томонламалик ҳам кўзга ташланади. Бу асосан унинг қадимги туркий обидалар бўйича олиб борган тадқиқотларини фақат АҚШ ва Ғарбий Европа туркшунослари ишларига асосланиб амалга оширганлигидир. Тўғри, у мурожаат қилган манбаларда ҳам “Қутадғу билиг” ва “Девону луғотит -турк”нинг анчагина муҳим қирраларини илмий таҳлил қилинган. Бироқ мазкур асарнинг Марказий Осиё халқлари адабиётидаги ўрни, унинг ғоявий-бадий хусусиятлари, қолаверса, туркий классик адабиётнинг шаклланишига кўрсатган муҳим таъсири масалалари биздаги туршунослар томонидан анчагина чуқур ва атрофлича ўрганилганлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Бу борада Собик иттифоқ ҳамда бугунги МДХ мамлакатларининг нуфузли

¹ <http://homepages.utoledo.edu/nlight/frntmtr1.htm>

² Nathan Light. Muslim Turks creating literary culture. Dissertation, Chapter 4, P.8.© 1998

туркшуносларидан академик А.Н.Кононов,¹ профессорлар С.Иванов,² А.А.Валитова,³ Э.П.Нажиб⁴ларнинг ўзбек кутадғубилигшунослари яратган тадқиқотларига берган юқори баҳоларини инкор этиб бўлмайди. Агар биз Ғарб олимларини бизнинг тадқиқотлардан беҳабарлар, деб айтмоқчи бўлсак, бу ҳам унчалик тўғри бўлмайди. Чунки бизнинг ўзбек туркшунослари яратган бир қатор ишлар АҚШнинг Вашингтон, Чикаго ва хатто энг машҳур Ҳарвард университети кутубхоналарида ҳам сақланмоқда.⁵ Айни пайтда океанортилик туркшунос олимнинг тадқиқотлари ўзининг самимийлиги, холислиги билан ажралиб туришини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Профессор Натан Лайт кўпчилик Ғарб туркшуносларининг “Кутадғу билиг”ни “Форсий калка” тарзида талқин қилишлари, унинг оригиналлигига шубҳа билдиришларини ўрни билан асосли танқид ҳам қилади. У ўзининг докторлик диссертациясида келтирган мана бу фикрларини эслаш ўринли: “Айрим тадқиқотчилар Юсуф қўллаган мақол ва ҳикматларнинг асл туркийлигига шубҳа билан қараб, уларнинг турли хорижий манбалари борлигини рўқач қилиб кўрсатадилар. Аммо улар Юсуфнинг айнан туркий халқлар оғзаки ижодидан ижодий фойдаланганлиги ва қайта жило берганлигини унутиб кўядилар ... Юсуф туркий халқ мақолларини ўз ижодида маҳорат билан қўллай билади. Ўзида халқ донишмандлигини мужассам этган мақоллардан у ўзига хос янги кўринишдаги ҳикматлар ясай билади ва айни пайтда мазкур мақолларнинг аввалги анъанавий кўриниши ва руҳини ҳам сақлаб қола олади”.⁶ Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, океанортилик олимнинг қадимги турк обидаларига бағишлаган яна бошқа кўплаб тадқиқотлари мавжуд. Келажакда уларга ҳам муносабат билдирилса, фойдадан холи бўлмайди.

¹ Кононов И.А. Поэма Ю.Баласагунского «Благодатное знание». // Послесловие. Юсуф Баласагунский. Благодатное знание. - М.: Наука, 1983.

² Иванов С.Н. О «Благодатном знании Юсуфа Баласагунского». // Послесловие. Юсуф Баласагунский. Благодатное знание. - М.: Наука, 1983.

³ Валитова А. К вопросу о фольклорных мотивах в поэме «Кутадгу билиг» // Советское востоковедение. - М.: 1958, №2 С.52-64.

⁴ Нажиб Э.П. Исследования по истории тюркских языков XI-XIV вв. – Москва: Наука, ГРАЛ, 1989, стр.6-32.

⁵ Қаранг: “Кутадғу билиг”. +озирги ўзбекча, усмонли тюркча ва инглизча таржималари ва улар тўғрисидаги тадқиқотлар Чикаго университети (манзили: <http://libcat.uchicago.edu>) кутубхонасида PL55.U539Y87130 рақам билан, Ҳарвард университети кутубхонасида (манзили: <http://lewis.hul.harvard.edu>) 0-226-97179-1 рақам билан, Вашингтон университети кутубхонасида (манзили: <http://libcat.uvashington.edu>) *ООУ 86-2216 рақам билан сақланмоқда.

⁶ Nathan Light ... P.11.

ТИЛШУНОСЛИК

«ОТАЛАР СЎЗИ» ИБОРАСИ ХУСУСИДА

Турсунбой НУЪМОНОВ,
доцент (НамДУ)

«Оталар сўзи» деганда, биринчи навбатда, мақоллар, ибратли ва ҳикматли сўзлар кўз ўнгимизда гавдаланади. Ҳақиқатдан ҳам, доно халқимиз йиллар давомида ўткир ҳақиқатни, теран мазмунни, сўз хазинасининг дуру гавҳарларини ўзида мужассамлаштирган сон-саноксиз ва ранг-баранг мақол ва ҳикматлар яратганлар. Буни жаҳон донишмандлари асрлар оша эътироф этиб келганлар. Масалан, эрамиздан аввалги IX асрда яшаган буюк мутафаккир Арасту (Аристотель) ҳикматларни юксак баҳолаб: «Барча кишининг кучи овқатдандир, ақлнинг кучи эса ҳикматдандир», - деган экан. Шунингдек, бундан тўққиз аср муқаддам Унсур ал-Маолий Кайковус бинни Вушмагир шундай башорат қилган экан: «Эй фарзанд, умидим шуки, сен шу пандларни қабул қилгайсан. Бу билан оталик вазифасин бажо келтирган бўлурсан. Билгилки, халқнинг расми-одати шундайки, югуриб-елиб, қидириб-ахтариб, дунёдан бирор нарса ҳосил қиладилар ва бу топган нарсаларини ўзларининг яхши кўрган кишисига қолдириб кетадилар» («Қобуснома»дан).

Ҳа, халқимиз ўзи яратган мақол-ҳикматларнинг қадр-қиймати ҳамда тарбиявий аҳамиятини асрлар оша юксак баҳолаб келмоқда: «Эл сўзи – дил сўзи», «Элнинг сўзи – ақлнинг кўзи», «Оталар сўзи – болалар хазинаси», «Сўз кўрки-мақол, Юз кўрки-соқол», «Мақол-гулдир, Сўз-чечак», «Мақол отаси-сўз», «Оталар сўзи – китоб эмас, Китобдан холи эмас», «ота сўзи хитоб бўлур, Ани йигсанг китоб бўлур» кабиларда Отанинг панд-насихати, ўгити йўғрилиб ётибди.

«Оталар сўзи» иборасини кундалик ҳаётимизда кўп қўллаймиз. Ушбу ибора асосида «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» телекўрсатувларини ҳам кўриб борамиз. Ҳар икки ҳолатда ҳам турмуш тарзимизга алоқадор турли воқеа-ҳодисалар, шунингдек, пурмаъно ўғитлар баён этилади.

Тарихий манбаларнинг бирида айтилишича, «Оталар сўзи» Озарбайжонда чоп этилган бир асар номидир. Унда эса араб тилидаги кўпгина ҳикмат ва мақоллар ўрин олган бўлиб, уларнинг

озарбайжон тилидаги муқобиллари ҳам келтирилган», - дейлади¹. Афсуски, рисола муаллифи ҳам, китоб чоп этилган санаси ҳам қайд этилмаган.

Демак, «Оталар сўзи» ибораси китоб номи бўлганлиги учун ёзувда қўштирноқ орасига олинади.

- Йигит йигитдан нимаси билан ортиқ?

- Ҳушёрлик билан!

Ҳушёрлик улкан бойлик, танбаллик эса вақтни бекорга ўтказишдир.

Ёки

Бирор нарсага ортиқча муҳаббат қўйиш кўзни кўр, кулокни кар қилади.

Яна:

Кимки мулойим бўлса саодатлик, камгап бўлса саломатлик бўлади. Тили ширин одамнинг дўсти кўп бўлади.

Ширин сўз одамларнинг қалбини боғловчи занжирдир. Кишида илм билан ҳалимликнинг бирга бўлиши буюк фазилатдир.²

Бу каби насрда битилган насихатомуз «Оталар сўзи» тилимиз хазинасида бир талай бўлиб, улар асрлар оша яшаб келмоқда.

Биз эса, ушбу кичик ишда, ижтимоий аҳамиятга молик бўлган тилимизга оид назмда битилган «Оталар сўзи» дан бир неча намуналар беришни ихтиёр этдик.

Тил борки, бол келтиради,

Тил борки, бало келтиради.

Нобуд бўлмасин деб тилидан инсон,

Оғиз бўлди инсон тилига зиндон.

Тил кескир қилич, сўз эса қайтариб бўлмас ўқдир.

Инсоннинг қўли қисқа бўлса, тили узун бўлади.

Сўз ақлнинг тарозусидир,

Сўз ақл ўлчовидир.

Сўз борки, тоққа кўтаради,

Сўз борки, ғорга итаради.

¹ Машриқзамин-хикмат бўстони. - Т: «Шарқ» нашриёти, 1997, -Б. 376.

² Машриқзамин-хикмат бўстони. - Т: «Шарқ» нашриёти, 1997, -Б. 132-139.

Ақлли одамнинг сўзи жонга озиқ,
Ақлсиз одамнинг сўзи жонга қозик.

Минг оғиз беҳуда сўздан бир лукма нақд таом яхши.

«Болам, бўтам» дегин, яхши сўзлар айт,
Жаҳлингни жиловла, ёмон сўздан қайт.

Яхши сўз ийдирар, ёмон-бездирар,
Ҳассасиз қолмагин суянч керак пайт.

Аччиқ, тўғри сўз яхши,
Шарм-ҳаёли кўз яхши.

Тил бўлсайди ўз қалбининг сирдоши,
Кесилмасди тил эгасининг боши.

Бахтли қиладиган ҳам тил,
Бахтсиз қиладиган ҳам тил.

Сўз қадрини билмаган ўз қадрини билмас.

Севдирган ҳам тил,
Бездирган ҳам тил.

Тилга тил қалъа,
Кўзга қош.

Хурматли ўқувчи, халқ томонидан айтилган ҳикматлар ҳам, ўғитлар ҳам, «Оталар сўзи» ҳам маъно ва мазмун эътибори билан бир-бирига жуда яқин бўлиб, уларнинг бири иккинчисини тўлдиради.

Севикли адибимиз мавлоно Ойбек домланинг таъбирларича, халқона ўткир иборалар, чуқур ҳикматли мақоллар, шунингдек, «Оталар сўзи» - нутқнинг жонли, ёрқин безакларидан биридир.

Мухтасар қилиб айтганда, «Оталар сўзи» ҳар бир калом аҳлининг, ҳар бир маърифатли зиёлининг, ҳар бир ҳазрати инсоннинг сўз болигини орттиришда, маънавиятини бойитишда, шунингдек нутқини ўткир ҳамда таъсирчан бўлишида

дастуруламал сифатида хизмат қилади, ва бугунги кунда истиқлол ворислари бўлган ёш авлодларни адаб-ахлоқли, эс-хушли, инсофдиёнатли комил инсон этиб тарбиялашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

СИНТАКТИК ШАКЛНИНГ ИЧКИ ФАРҚЛОВЧИ БЕЛГИЛАРИ

*Хуринисо УСМОНОВА,
доцент (НамДУ)*

Синтактик позицияда таянч нуқта предикативлик шаклидаги предикат, яъни кесим саналади. Бошқа гап бўлаклари, жумладан, эга ҳам кесимнинг кенгайтирувчиларидан биридир. Бошқа барча бўлаklar кесимнинг “бўш ўрин”ларини тўлдириб, унга нисбатан маълум вазиятда келади. Кесимнинг “бўш ўрин”ларини тўлдириб, маълум синтактик вазиятда келган синтактик бирликлар (эга, тўлдирувчи, ҳол) моддий жиҳатдан бир морфологик шакл ёки бир неча морфологик шакллардан ташкил топади.

Бир неча морфологик шакллардан ифодаланган, кесимга нисбатан бир синтактик вазиятда келган синтактик бутунлик бир бутун ҳолда функциялашади. Бундай синтактик бутунликларда бир узв бошқа узвларни бирлаштирувчи етакчи восита саналади. Айни пайтда бу етакчи қисм ўзи эргаштириб келган бошқа қисмлар билан биргаликда, бир бутун ҳолда кесимга нисбатан тобе вазиятда келади. Ана шунга кўра гап бўлаклари учга бўлинади: 1) содда гап бўлаклари; 2) мураккаб гап бўлаклари; 3) бирикмали гап бўлаклари.

Фақат бир морфологик шаклдан ташкил топган гап бўлаги содда, турғун бирикмалар ифодаланган гап бўлаги мураккаб, предикат аргументларини кенгайтириб келган бўлаklar бирикмали гап бўлаги саналади.

Содда гап бўлаклари таркибий қисимларининг мустакил сўзларга бўлиниш-бўлинмаслик белгисига кўра кейинги икки турдаги гап бўлаклари билан приватив зидланиш муносабатиде бўлади. Айни пайтда, кейинги икки турдаги бўлаklar ҳам ўзаро оппозицияга киришади. Бу вақтда зидланишга асос белги бўлиб гап бўлаги таркибидаги қисмларнинг ўзаро боғланиш характери хизмат қилади. Боғланиш эркин ва ҳоким-тобе муносабатни ўзида сақлаб турса, бундай бўлак бирикмали, ана шундай белгига эга бўлмаса, мураккаб гап бўлаги ҳисобланади.

Гап бўлаги тил бирлиги сифатида шакл ва мазмун қарама-қаршилиги ва бирлигидан ташкил топган мураккаб қурилма саналади. Гап бўлагининг шакл томони ҳам, мазмун томони ҳам, гарчи бир бутунликнинг икки томони бўлса-да, ҳар қайсиси ўз ички тузилишига эга. Шунинг учун ҳам гап бўлақларининг бу икки хил ички тузилишини ўрганиш, шакл ва мазмун ўртасидаги муносабатини белгилаш назарий тилшуносликнинг муҳим вазифасидир.¹

Ҳар қандай гап бўлаги шаклий жиҳатдан моддий асос (морфологик шакл) ва синтактик вазият (синтактик шакл) қарама-қаршилиги ва бирлигидан иборатдир. Морфологик шакл синтактик шаклнинг вужудга келиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Лекин морфологик шакл асосида ҳосил бўлган синтактик шакл сифат жиҳатдан тамоман фарқли бўлган янги ва унга нисбатан юқори шакл ҳисобланади. Бир морфологик шакл бир неча синтактик шакл учун асос бўлгани каби, бир неча морфологик шакл бир синтактик шакл учун асос бўлиши ҳам мумкин. Лекин бу икки шакл ўзаро узвий боғлиқ. Синтактик шакл морфологик шакл асосида вужудга келган юқорироқ birlikдир. Шундай экан, синтаксис учун синтактик шакл белгиловчи вазифа бажаради.

Гап таркибида бутуннинг бўлақлари сифатида синтагматик муносабатга синтактик шакллар киришади.

Морфологик шакл эса муайян синтактик шаклнинг ички томонини кўрсатади. Синтактик шакл бирлаштирувчилик, морфологик шакл эса фарқловчилик хусусиятига эгадир. Яъни маълум синтактик шакл бир неча морфологик шаклларни бирлаштириш асосида юзага келади.

Шу синтактик шаклнинг ички фарқловчи белгиларини аниқлашда унинг қандай морфологик шаклга таянганлигига асосланади. Синтактик шакл морфологик шакл орқали вужудга келгани учун морфологик шакл синтактик шакл доирасида ўз вазифасини бажаради. Демак, морфологик шаклнинг функциялашиш шароити синтактик шакл саналади. Шунингдек, синтактик шаклнинг функциялашиш шароити жумла саналади.

И.Б.Долинина бундай синтактик birlikларнинг, даставвал, ўз ичида синтактик бўлиниш хусусиятига эгаллигини, иккинчидан, бир

¹ Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Синтаксис. – Тошкент. Ўқитувчи, 1995, 59-бет.

бутун ҳолда гап таркибида бир гап бўлаги каби иштирок этишини таъкидлайди.¹

Бир синтактик вазиятда келган ана шундай синтактик бирликларнинг ички синтактик муносабатларини аниқлаш бугунги муҳим вазифалардан биридир.

ТАСДИҚ ВА ИНКОР ГАПЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Дилором БОБОХОНОВА,
доцент (НамДУ)

Ўзбек тилшунослигида гапга хос услубий хусусиятлар айрим ишларда ёритилган.² Биз ушбу кичик мақоламизда тасдиқ ва инкор гапларнинг услубий хусусиятларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Умуман, тасдиқ ва инкор гаплар барча нутқ услубларида ишлатилади. Лекин инкор гаплар ифодаланишига кўра маълум услубда оз ёки кўп ишлатилиши билан фарқ қилади. Масалан, **-ма** воситасида ҳосил қилинган инкор гаплар барча нутқ услубида эркин ишлатилса, **эмас**, **йўқ** ва **на** сўзлари билан ҳосил қилинган инкор гаплар илмий, расмий иш услубларида нисбатан кам ишлатилади. Шунингдек, оҳанг орқали ва тасдиқ форма билан ҳосил қилинадиган инкор гаплар сўзлашув услубига хос бўлиб, бошқа услубларда, деярли, ишлатилмайди. Бундай қўлланишлар нутқ услублари талаблари ва моҳияти билан қатъий боғланган:

а) инкор феъл формаларига **-мани** қўшиш билан ҳосил қилинади. Инкор гаплар орқали юзага келмаган ҳаракат тасдиқланади ва шу ҳақда ахборот берилади. Бу инкор ўтган ёки ҳозирги замонда рўй беради: **экиш бошланди – экиш бошланмади**;

б) инкор форма барча мустақил сўз туркумларига **«эмас»** тўлиқсиз феълени қўшиш билан ҳосил қилинади. Бунда **«эмас»** ўзидан олдинги сўзнинг лексик маъносини инкор этади. **«Эмас»** феъл формасига қўшилганда, **-ма** орқали ҳосил қилинган феълга синоним бўла олади. **Феъл+ма формаси** оддий ахборотни, **феъл+эмас формаси** бир оз кескинлик оттенкасини ифода этади: **Келмади-келган эмас. Мусобақада ғолиб чиқмадик – ғолиб**

¹ Долинина И.Б. Системный анализ предложения. М.: 1997, стр. 13-14.

² Шомаксудов А. ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1983.

чикқан эмасмиз. Шикоят қилмадик – шикоят қилган эмасмиз. Ҳикоятмиз – ҳикоятган эмасмиз;

в) «йўқ» сўзи феъл формалари билан бирга келганда, ҳаракатни инкор этади ва кўпинча –**ма** билан ҳосил қилинган феълга синоним бўлади. «Йўқ» билан ифодаланган инкор бир оз аниқлик-жиддийлик оттенкасини беради. «Йўқ» мустақил кесим бўлиб келганда, муайян нутқ пайтида муайян маконда предметнинг мавжуд эмаслигини кўрсатади: Мен асло ўлганим йўқ, ёв қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ (Х. О.). Бу китобни ўқиганпм йўқ;

г) –**на** орқали ҳосил қилинган инкор алоҳида таъкид оттенкасини ифодалайди – инкор гапга «**ҳам**» юклагани маъносини кўшади: **На** ўкиди, **на** ёзди. – ўқимади **ҳам**, ёзмади **ҳам**. **На** ишлайди, **на** ўқийди каби.

Тасдиқ форма орқали ифодаланган инкор турли қўшимча оттенкалар ифодаси учун хизмат қилади.

а) сўзловчи маълум бир иш-ҳаракат ижросида тингловчи (ўзга) нинг имконияти чекланмаганлиги, иложсизлиги, мажбурлиги каби маъноларни ифодаламоқчи бўлганда, феъл+«бўпсан» формасидан фойдаланади: **Айтиб бўпсан /айтмайсан/.**

Бунда феъл инкор формада бўлса, тасдиқни ифодалайди: **айтмай бўпсан /айтасан/.**

б) сўзловчи маълум бир ҳаракатнинг юзага чиқишида афсус, кесатик, хоҳиш каби маъноларни кўшиб ифодаламоқчи бўлганда, «**кошки, қани энди**» сўз-ибораларини қўллайди, гап таркибидаги феъл /кесим/ шарт майли формасида бўлади. **Кошки ўқиса. қани энди мукум томошабинларинг бўлса** (Жонли нутқ). Феъл бўлишсиз формада бўлганда. Кесатик-пичинг маъносида тасдиқни, хоҳиш маъносида инкорни ифодалайди: қиёсланг: **Кошки, келмаса /келади/ - Кошки, келмаса /келмаса яхши бўларди/;**

в) сўзловчи тингловчининг фикрини рад этиш, шу фикрга нисбатан норозилик, пичинг, қатъийлик маъноларини ифодаламоқчи бўлганда, –**я** юклагани ва такрордан фойдаланади. **Келади-я! Келади-я-келади. Айтади-я-айтади;**

г) сўзловчи тингловчи томонидан айтилган маълум ҳаракат /тасдиқ/нинг рўй беришига ишонмаганда, кесатганда, жиддий никтов билан гапирганда, тасдиқ формадаги гап орқали берилган фикрни махсус оҳанг билан инкор этади. Бунда кўпинча гап олдидан «**ҳа**» сўзини келтиради:

У келади. – Ҳа келади! /Бунда «ҳа» бир оз чўзилади ва кичик пауза билан ажратилади, гап охиридаги сўз урғуси кучайтирилади/.

Инкор форма орқали тасдиқ ифодалаш ҳам турлича қўшимча оттенкалар билан боғлиқ.

а) сўзловчи маълум иш-ҳаракатни рўёбга чиқаришда қатъийлик, албатталиқ оттенкасини ифодаламоқчи бўлганда, феълнинг ҳар икки компонентини инкор формада қўллайди. Сен борган жойларда мен ҳам **бормай қўймайман** (қўшиқ) **Айтмай қўйма**. **Ўқимай турма, ёзмай қўйма** (Оғз.сўзл.) каби;

б) сўзловчи маълум предметнинг муайян пайт ва ўринда қисман мавжудлигини, шунингдек, камтарлик, тортиниш, ҳурмат каби оттенкаларни ифодаламоқчи бўлганда, «йўққэмас» формасидан фойдаланади. Бунда аввал ўша предметнинг аксини кўрсатувчи предметнинг бор-йўқлиги эслатилган бўлади. Масалан, Дафъатан караганда, романдаги реал ҳаёт ва фантастик олам тасвирида номувофиқлик бордек...туюлади. Лекин, унда ички боғланиш **йўқ эмас** (Газ.). Камчиликлар ҳам **йўқ эмас** (Газ.). Бундай хусусият «оз», «кўп+эмас» формасида ҳам мавжуд... килолаб оладиганлар ҳам **оз эмас**. (Газ.).

Тасдиқ ва инкор гаплар нутқ услубларида қўлланганда ўзига хосликларга эга бўлади.

РАНГ БИЛАН БОҒЛИҚ ГИДРОНИМЛАР ХУСУСИДА

Носиржон УЛУҚОВ,
доцент (НамДУ)

Ўзбек тилида сув сўзига ранг билдирувчи луғавий бирликларнинг қўшилувидан бир қатор терминлар ясалганки, улар сувга хос турли белги-хусусиятларни ифодалайди ва шу асосда ранг билан боғлиқ гидронимлар шаклланишига лисоний мотив бўлади. Сув лексемаси билан боғлиқ бу масала ўзбек тилининг суғориш лексикаси негизида Х.Жабборов томонидан ўрганилган.¹

Ранг билан боғлиқ гидронимлар таркибида *оқ, қора, сариқ, кўк, қизил, яшил* каби ранг тушунчасини ифодаловчи сўзлар қатнашади. Бу гуруҳга мансуб гидронимларни ўз ичида яна қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

¹ Жабборов Х. Ўзбек тилининг суғориш лексикаси. – Қарши: Насаф, 2004. – Б.38-40.

1. **Оқ сўзи** асосида шаклланган гидронимлар: *Оқбулоқ* (Нам. в. Нам. т.), *Оқсув* (Нам. в. Янгикўрғон т.), *Оқсув* (Фар.в. Шохимардонсой ирмоғи), *Оқсув* (булоқ – Фар. в. Ўзбекистон т. Элаш қ.), *Оқжилга* (Анд. в. Учкўрғон қ.) каби. Шунингдек, республикамизда бу гуруҳга мансуб *Оқбулоқсой* (Жиз. в. Фориш т.), *Оқсой* (Сам. в. Нуробод т.), *Оқчопсой* (Сам. в. Нуробод т.), *Оқбулоқ* (Тош. в.-сой), *Оқдарё* (Сам. в. Пойарик, Ижтихон т.), *Оққўл* (Хор. в. Янгиарик т.), *Оқсув* (Қашқа. в.-сой.), *Оқсой* (Сам. в. Зарафшон т.) каби гидронимлар мавжуд.

Оқ сўзи луғавий жиҳатдан «*қор, сут, пахта рангидаги*» деган маънога эга.¹ Н.Г.Маллицкий, фикрича, музлик тагидан оқиб чиқадиган сув *оқсув* дейилади. Таркибидаги муз зарралари туфайли музлик суви оқиш кўринади. В.Л.Вяткин ҳам тоғ дарёлари *оқсув* ва *оқдарё* деб аталади, деб кўрсатади.² В.В.Бартольд кўрсатишича, табиий ўзанда оқадиган сув *оқсув*, деб аталади.³

Р.Равшанов Самарқанд воҳасининг суғорилиш тарихи ҳақида фикр юритар экан, «Воҳадаги сув манбаи иккига - оқсув ва қорасув манбаларига бўлинган. Баланд тоғлардаги қорнинг эришидан ҳосил бўлган сув оқсув дейилиб, у деҳқончилик учун қулай ва фойдали бўлган», - деб ёзади.⁴

Бу фикрни *оқсув* сўзининг географик термин сифатида «*тоза, чучук сув; кўпроқ турғун, зах сувдан фарқ қилиб, оқар сув маъносида ишлатилади*» деб изоҳланиши ҳам тасдиқлайди.⁵ С.Қораев таъкидлаб кўрсатишича, оқсув Ўрта Осиёда кенг тарқалган термин, кўп ҳолларда гидронимларга айланган.⁶

Оқ сўзининг таҳлилидан кўринадики, биз юкорида келтирган Оқбулоқ сув объекти суви тиниклигига кўра шундай номланган бўлиб, «*суви оқ - тиниқ булоқ*» деган маънога эга. Подшоотасойдан сув олувчи **Оқсув ариғи** эса суви табиий ўзанда окканлигига, оқар сувлигига нисбатан шундай номланган.

2. **Қора сўзи** асосида шаклланган гидронимлар. Топонимияга оид илмий манбаларда ер остидан чиқадиган булоқ ва сизот

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати, I-т., 557-бет.

² Каранг. Вяткин В.Л. Материалы к исторической географии Самаркандского вилаята. – Справочная книжка Самаркандской области. 1902 г. В. VII. – Самарканд, 1902.

³ Бартольд В.В. Сочинения. – Москва, 1963. – Т. III. – С.316.

⁴ Равшанов Р. Қора сув ва оқсув // Фан ва турмуш, 1974. – №8. – Б.35.

⁵ Ғуломов П. Жўғрофия атамалари ва тушунчалари изоҳли лугати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1994. –Б.84.

⁶ Каранг. Қораев С. Географик номлар маъноси. –Тошкент: Ўзбекистон, 1978. –Б.94.

сувлари билан тўйинадиган сой-жилгалар қорасув дейилиши, чунки уларнинг суви қорамтир тусда бўлиши кўрсатилади. Қорасув гидронимининг семантик асоси ана шу қорасув терминиغا боғланади.¹

Қорасув ўзбек тилида географик термин сифатида куйидаги маъноларда қўлланади:

1) қорасув - тоғ этакларида, водийларда ер ости сувларидан тўйинадиган сой ва даралар;

2) ташлама ва зовур сувлари.

Шунингдек, Туркияда булоқ сувлари шу термин билан юритилиши айтилади. «Қорасув» термини ранг маъносидаги қора сўзидан эмас, ер маъносидаги қора сўзидан олинган, яъни ер суви деган маънони англатади, деб кўрсатилади.² Р.Равшанов сув манбалари ҳақида фикр юритиб, «қорасув» булоқ сувидир,-деб кўрсатади.³

Фарғона водийси гидронимиясида қорасув термини ана шу маънолари билан гидронимлар шаклланишига асос бўлганлиги кузатилади: *Қорасой* (Нам. в. Чуст т. Ахча, Олмос қ.), *Қорабулоқ* (Нам. в. Янгикўрғон т. Булоқбоши қ.), *Қорасув булоғи* (Нам. в. Косонсой т. Қорасув қ.), *Қораканал* (Нам. в. Чуст т.), *Қорадарё* (Анд. в.), *Қораариқ* (Фар.в. Марғилон ш.) каби. *Қорабулоқ*, *Қорасув булоғи* гидронимлари суви ер остидан чиққанлигига, сувининг қорамтир тусда эканлигига кўра шундай номланган. *Қорасой* эса асосан ер ости сувларидан тўйинганлигига кўра шундай аталган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Т.Эназаров Қорасув топоними ва гидронимларининг этимологик талқини ҳақида фикр юритиб, Фарғона водийсидаги Қорасув гидроними ердан сизиб чиққан сув маъносини ифодаламайди, балки «*катта* ва *кўп сув оқадиган гидроним*» маъносини англатади, деган хулосага келган.⁴ Бу фикрга тўла кўшилиб бўлмайди. Қорасув деб аталувчи гидронимларнинг бир қисми Т.Эназаров инкор этган маънога эга. Н.Бегалиев гидронимларнинг бу маъновий турини, яъни оқсув ва қорасув сўзлари билан номланган сув объектларини таҳлил қилар экан,

¹ Қаранг. Қораев С. Ўша асар, 177-178-бетлар; Охунов Н. Жой номлари таъбири. –Тошкент: Ўзбекистон, 1994. –Б.77.

² Фуломов П. Ўша лугат, 133-б.

³ Равшанов Р. Ўша мақола, 35-бет.

⁴ Эназаров Т. Ўзбекистондаги баъзи топонимларнинг этимологик талқини. – Тошкент: Университет, 2004. – Б.91-92.

бундай номлар сув объектларининг тўйиниши ҳақида маълумот берувчи гидронимик ҳодисадир, деган хулосага келади. Албатта, бу фикр асосли ва мантиқан тўғри.

3. **Сарик сўзи асосида шаклланган гидронимлар.** *Сариқсув* (Нам. в. Мингбулоқ т.-коллектор), *Сариқсув* (Анд. в. Улугнор т.; Фар. в. Бешариқ т. Рапқон қ.-арик), *Сарижўга коллектори* (Фар.в. Бўз т. Дехконобод қ), каби гидронимлар сарик сўзи асосида шаклланган. Шунингдек, Самарқанд гидронимиясида бу гуруҳга мансуб *Сарисув* (Сам. в. Жомбой т. - канал) гидроними учрайди. Юкорида келтирилган *Сарижўга*, *Сарисув сариқсув*, *сариқжўга* сўзининг фонетик варианты бўлиб, географик термин ҳисобланади. Тоголди лёсс ва гилдан иборат қия текисликлардан оқувчи лойқа сувлар сариқсув, яъни *сарисув* деб юритилади. *Сарисув* гидроними ана шу географик терминнинг сув объекти номига ўтиши асосида юзага келган. Шунингдек, Фарғона водийси шеваларида экинлардан оқиб чиққан лойқа оқава сув сариқсув деб юритилади. Водий гидронимиясига мансуб арик ва коллекторда доимо шундай лойқа сувлар оқишига нисбат бериб, **Сариқсув** деб номланган.

4. **Кўк сўзи асосида шаклланган гидронимлар.** Кўк сўзи «*тиниқ осмон рангидаги, мовий, зангори*» деган луғавий маъноларни англатади.¹ Ўзбек тилида кўксув термини ҳам бор. **Кўксув** географик термин сифатида куйидагича изоҳланади: «Кўксув – тоза, тиниқ сув. Қаттиқ тоғ жинсларидан оқиб ўтадиган, кўллардан, тоғдаги муздан оқиб тушадиган, булоқлардан оқиб чиқадиган сувлар ана шундай тиниқ, кўкимтир рангда бўлади. Дарёлар номи сифатида ҳам учрайди. Масалан, Кўккўлдан оқиб чиқадиган Кўксув дарёси (Тош. в.)».²

Фарғона водийси маҳаллий шеваларида ҳам тиниқ, тоза, зилол сув кўксув дейилади.

Фарғона водийси гидронимиясида **Кўксув** (Нам. в. Поп т. Санг қ.), *Кўксув* (Фар.в. Шоҳимардонсой ирмоғи) гидронимлари кузатилади. Мазкур булоқ сувининг тозалиги, тиниклиги боис шундай номланган. Шунингдек, худудга хос *Кўксараксой* (Нам. в. Чуст т.) гидронимининг шаклланиши ҳам кўк сўзи билан боғлиқ.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I-т., 412-б.

² Гуломов П. Ўша луғат, 61-бет.

К ВОПРОСУ О ПЕРЕВОДЕ ГОВОРЯЩИХ ИМЕН

*Кадир НАСЫРОВ,
доцент (НамГУ)*

*Тимур МАМАДЖАНОВ,
ст. (НамГУ)*

В книге К.Мусаева «Лексико-фразеологические вопросы художественного перевода» (Ташкент, «Ўқитувчи», 1980), где большей частью речь идет о проблемах, путях передачи фразеологизмов, а также слов-реалий, как бы мимоходом затрагивается и проблема перевода собственных (в основном говорящих) имен.

К.Мусаев отмечает, что имена людей переводятся, как известно, в основном, способом транслитерации. Правильное воспроизведение имени соответственно оригиналу ясно определяет его принадлежность к тому или иному языку. Но отдельные звуки языка оригинала могут отсутствовать в языке перевода или произноситься различным образом, что приводит к резкому изменению произношения имени оригинала, переданного путем транслитерации и транскрипции.¹

Далее К.Мусаев, отмечая, что в художественной литературе часто применяется прием говорящих имен как средство характеристики героев, приводит в качестве примера имя **Тантибойвачча** из романа «Священная кровь» Айбека, а также **Держиморда** и **Собакевич** из «Ревизора» и «Мертвых душ» Н. В. Гоголя. Как верно указывает исследователь, помимо назывной функции, такие имена выполняют определенные художественно-стилистические задачи, связанные с авторским замыслом. Мы бы добавили здесь, что не «определенные», а очень важные идейно-художественные задачи.

Бывают случаи, когда транслитерация говорящих имен при переводе препятствует передаче авторского замысла. Для передачи таких имен нельзя указать единого переводческого приема. Это должно решаться индивидуально с учетом контекста и речевой ситуации. В некоторых случаях наибольшую адекватность обеспечивает буквальный перевод. К.Мусаев приводит пример из «Мертвых душ» Н.В.Гоголя. Пример, сам по себе, интересный.

¹ Мусаев К. Лексико-фразеологические вопросы художественного перевода. Ташкент, «Ўқитувчи», 1980, с. 157.

Однако, тот прием перевода, который одобряет К.Мусаев, у нас вызывает сомнение. Вот, этот пример:

«Вылезли из нор... все те, которые прекратили давно уже всякие знакомства и звались только, как выражаются, помещиками Завалишиным да Полежаевым. Знаменитые термины, произведенные от глаголов «полежать» и «завалиться», которые в большом ходу у нас на Руси, все равно как фраза: заехать к Сопикову и Храповицкому» – МД. 483 // «Кўпдан бери хамма билан борди-келдини ва ошначиликни узиб, таъбирига кўра факат помещик Ёнбошвой ва помещик Ётиболдивой деган машхур номлар бизнинг рус элимизда жуда кенг ёйилган «ёнбошламок» ва «ётиболмок» феъларидан ясалган. Пишиллоқвой ва Хурраквойникига бориш, деган ибора хам шу тариқа пайдо бўлган». ЎЖ. 234.¹

По мнению К. Мусаева, лексические пары «Завалишин» – «Ёнбошвой», «Полежаев» – «Ётиболдивой», «Сопиков» – «Пишиллоқвой», «Храповицкий» – «Хурраквой» т.е. на узбекский язык указанные гоголевские термины переданы правильно. На наш взгляд, это не совсем

На выше приведенных примерах очень внимание на словообразующие элементы, в суффиксы в ЯО и ПЯ. В русских именах Завалишино это «-ин», «-ев». Они традиционны для русского языка и непременно подчеркивают не только национальную принадлежность, но и фамильную, т.е. семейно-родовую принадлежность, носителей этих имен. В именах же «Ёнбошвой», «Ётиболдивой», «Пишиллоқвой», «Хурраквой» типично русские признаки русских имен теряются. Более того, имена даже не «нейтрализуются», а неожиданно окунаются в чужую национальную среду, другими словами обузбечиваются. Ибо суффикс «-вой» (от «бой» - богатый) – это один из распространенных словообразующих элементов узбекского языка, что, конечно же, связано с национальными традициями.

Таким образом, можно сделать вывод о том, что в вышеприведенном случае перевода говорящих имен из «Мертвых душ» Н. В. Гоголя на узбекский язык допущен серьезный просчет, затрагивающий национальный колорит в обоих языках, и влекущий

¹ Мусаев К. Лексико-фразеологические вопросы художественного перевода. Ташкент, «Ўқитувчи», 1980, с. 158.

за собой снижение силы художественного образа оригинала. На наш взгляд, в современном узбекском языке есть средство, которое вместо вышеупомянутого суффикса «вой» максимально близко передает мысль о национально-родовой принадлежности имен. Это – суффиксы «-ов», «-ев», появившиеся в XX веке под влиянием русского языка, в результате чего узбекские (и другие среднеазиатские фамилии) странным образом обрели русскообразную форму – Ахмедов, Юлдашев, Солиев, Алиджанов и т.д. Так что, проще и естественнее было бы те самые гоголевские говорящие имена-прозвища передавать на узбекский язык в следующих формах: Ёнбошев, Ётиболдиев, Пишиллаев, Хурракбоев.

Заметим, что использование узбекского суффикса «вой» («бой») как словообразовательный элемент в практике перевода иностранных имен более уместен в тех случаях, когда в оригинале отсутствуют явные признаки национальной привязанности имен. Например, «Незнайка» – «Билмасвой».

Использованная литература:

1. Мусаев К. Лексико-фразеологические вопросы художественного перевода. -Ташкент, «Ўқитувчи», 1980.

ЎЗБЕК ТИЛИДА КЎМАКЧИЛАРНИНГ ПРАГМАТИК ТАБИАТИ

*Муҳаббатхон САИДОВА,
Доцент (НамДУ)*

Тилшунослик фанининг алоҳида тармоғи лингвистик прагматика кенг миқёсдаги семантик тадқиқотлар замирида амалий эҳтиёж оқибатида майдонга келади. Прагматика муаммоси дастлаб XIX аср охири XX аср бошларида С.Пирс, У.Джемс, Д.Джонг асарларида ўртага танланди.¹

Лингвистик прагматиканинг тадқиқ доираси кенг бўлиб, бу йўналишда тил бирикмаларининг нутқ вазияти, контекст билан боғлиқ жиҳатлари, кишилар ўртасидаги муносабатни ифода этувчи нутқий этикетлар, нутқнинг ижтимоий хослиниши, ифоданинг субъектив модал аспектига алоқадор кириши, баҳо билдирувчи сўз ва воситалар, инсоннинг ички руҳиятини ифода этувчи дискурс

¹ Петров.В.В. Философия, семантика, прагматика. Новое в зарубежной лингвистике.М., 1985г. 5-471

ҳамда пресуппозиция ҳодисасини ўрганиш мақсад қилиб белгиланди.

Пресуппозиция тил бирлигининг нутқий вариант ҳамда нутқ эгаларининг тил қурилмалари билан боғлиқ тарзда юзага чиқувчи прагматик хусусияти бўлиб моҳиятан гап қурилиши асосида ётувчи яширин ҳукмнинг ташқи ишорага асосланган кўриниши ҳисобланади. Демак, лингвистик пресуппозицияни гапда лисоний воситалар ишоралар асосида яширин ифодаланувчи ахборот тарзида баҳоланиши асосли.

Лингвистик пресуппозиция асосий ҳолларда тилда амал қилувчи тежаш тамойили асосида юзага чиқади. Н.Маҳкамовнинг қайд этишича, тежамлилик ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, унда лексик ёки грамматик маъно бажараётган бирлик вазифаси шу бирликлар мажмуасидаги бошқа бирликка юклатилади. Натижада вазифа бажараётган бирлик мажмуа (сўз, бирикма, гап) таркибидан чиқарилади ва нисбатан шаклий ихчамлик вужудга келади. Нутқда бу тарзда шаклий ихчамликка эришиш лингвистик пресуппозиция ёрдамида ҳам амалга оширилади.² Бу хусусият кўмакчилар ва уларга вазифадош келишикли қурилмаларнинг пресуппозицияга ишора қилишида ҳам кузатилади. Кўмакчилар объектив борликдаги нарса предмет, белги-хусусият, ҳаракат-ҳолат кабиларни тўплайди, аммо пресуппозиция ҳисобига уларга ишора қила олади.

Кўмакчиларнинг ўзи боғланган узв билан биргаликда пресуппозицияни ифодалашга хосланиши куйидаги ҳолатда юз беради: нутқда тежаш тамойили асосида синтактик структурада моддий шакланмаган ёки таркибий қисми тушириб қолдирилган гап узвининг мазмунини тиклаш, унга ишора қилиш вазифаси кўмакчили қурилма зиммасига юклатилади. Бунинг натижасида кўмакчили қурилма гапда бевосита акс этмаган ахборотнинг яширин ифодаси пресуппозицияга ишора қилиш имконига эга бўлади. Масалан, *Сайёра ўрнига Нигора жавоб берди*, гапининг ўрнига кўмакчили қурилмаси *“Сайёра жавоб бермади”* пресуппозицияга йўл очади. Ушбу гапдан нутқий вазият, нутқ эгаларига маълум билимлар асосида *“Сайёра жавоб бериши лозим эди,” “Нигора жавоб бермаслиги керак эди”* пресуппозициялари ҳам англашилади.

Гапда кўмакчили қурилмалар ишора қилган пресуппозиция кўмакчи англатган грамматик маъно билан боғлиқ ҳолда

² Маҳкамов Н. Пресуппозиция ва гап. // “Ўзбек тили ва адабиёти” // 1986. №6. –Б.42-45.

шаклланади. Кўмакчили қурилмалар орқали ифодаланган пресуппозиция кўмакчи англатган грамматик маъно билан боғлиқ ҳолда шаклланса-да, унинг мундарижаси кўпинча гап кесими семантикасига мувофик тарзда белгиланади. Масалан, “*Осуда, тинч дамларидан, кейинги ташвишли кунлари кўпайди*” гапнинг кесими ўзаро зидланувчи аъзолар учун умумий. Шу сабабли гапда пресуппозиция ва гап кесими орқали бевосита ифодаланган пропорция бир турдаги воцелик (кўпайиш ҳаракатини) акс эттирган.

Кўмакчили қурилма орқали ифодаланган пресуппозиция характери қиёсланувчи аъзолар семантикасига боғлиқ ҳолда шаклланади. Масалан, “*Қарзга йўлиққандан кўра балойи ногаҳонга йўлиққан яхши*”. (Ойбек) гапининг кўра кўмакчили қурилмаси тасдиқ ва инкор характеридаги конструкцияларга (*Қарзга йўлиқиш мумкин. Қарзга йўлиққан яхши эмас*) ишора қилади.

Хуллас, кўмакчили қурилмалар ишора қилган пресуппозиция гапда моддий қиёфаланмаган ахборотни яширин ифода этишга ёрдам беради. Кўмакчили қурилмаларнинг бу вазифаси нутқий вазият, контекст асосида аниқланади.

НУТҚИЙ ЭМОЦИОНАЛ – ЭКСПРЕССИВЛИКНИНГ АЙРИМ КўРИНИШЛАРИ ҲАҚИДА

*Шавкатэсон АБДУРАҲМОНОВ,
фил.ф.н., (НамДУ)*

*Муяссар ҚўШИНОВА,
ўзбек тилшунослиги йўналиши
II курс магистранти*

Ўзбек тилининг бой ва гўзаллиги, сўз ва иборанинг кўплиги, нозик маъно қирраларига эга эканлиги тўғрисида Алишер Навоий шундай деган эди: «... бу тилда ғариб алфоз ва адо кўпдур. Муни хушоянда тартиб ва рабоянда таркиб била боғланмоғининг душворлиги бор».¹

Зеро, тилнинг ўзига хос нафосати, сўзларнинг жилоси, нутк жараёнида тўлиғича намоён бўлади. Демак, тил бирликлари нутк жараёнида эмоционал – экспрессивлик кучини кўрсатади.

¹ А.Навоий. Муҳокаматул-лугатайн. Асарлар, 14-том, Тошкент, 1967, 118-б.

А.А.Уфимцева кўрсатиб ўтганидек, ҳатто семантик жиҳатдан нотўлиқ эканлиги билан характерланувчи, улар учун фақат номлаш, ифодалашгина хос бўлган атоқли отларга ҳам муайян нутқда қўшимча маънолар юкланиб, эмоционал – экспрессивлик ҳосил қилиниши мумкин.¹

Тил бирликлари маълум бир парадигмаларда ўзаро оппозитив ҳолда яшайди. Нутқ бирликларида ўзаро оппозитив тил бирликларидан бири конкрет материал шакл ва шароитда, турли комбинацияларда юзага чиқади, реаллашади.²

Киши хотирасида тил бирлиги сифатида мавжуд бўлган лексема нутқ жараёнида ўзи хос бўлмаган семантик гуруҳ ёки контекстда қўлланиб қолса, унинг семантик тузилишида мавжуд бўлмаган семалар ҳам унга нутқ талабига кўра юкланиб қолиши мумкин.

Сўз ифодалаган тушунча, унинг семантик предмети асосида сўзлар маълум лексик-семантик гуруҳларга бўлинади. Нутқ жараёнида сўзлар воқеликни номлашда ўзи мансуб бўлган лексик-семантик гуруҳдаги сўзлар билан муносабатга киришади. Агар маълум бир лексик-семантик гуруҳга мансуб сўз ўзи хос бўлмаган бошқа гуруҳга боғлаб қўлланса ёки нутқ субъектларининг ифода бирликлари (нутқ субъектлари жинслараро фаркли бўлса) алмашиб қолса ҳам, бу ўзига хос эмоционал – экспрессивлик ҳосил қилади. Масалан, аёл ва эркаклар ўртасида ўзаро фарқланувчи сўз ва иборалар борки, улар нутқ жараёнида ўрин алмашса, нотабийлик, кулги ҳосил бўлади. Айниқса, аёлларга хос эмоционал муносабат ифодаловчи «ўргилай», «айланай», «гиргиттов», «жоним тасаддук», «қоқиндиқ», «вой ўлай» каби мурожаат шакллари борки, улар нутқ жараёнида ўзига хос оҳанг билан айтилиб, аёлларнинг характерини кўрсатади. Ҳаётда хотин-қизлар нутқда учровчи сўзларни уларга хос оҳангда сўзловчи кишилар учраб туради ва бу ўз навбатида салбий баҳоланиб, ҳажвга сабаб бўлади. Бундай ходисадан бадиий адабиётда ҳам ҳажвий жанрларда ўрни билан персонажнинг характер-хусусиятини очиб бериш, кулгу яратишда фойдаланилади:

Эргаш. Қизлар бригадасида эркак кишининг ишлаши жуда қийин бўлса керак?

Ҳасан. Нимасини айтасиз, ўргилай. Қийинчилигим бор,

¹ Уфимцева А.А. Лексическое значение. М.: Наука 1986 г., 239 с.

² Нейматов Х. Сўз, унинг тил ва нутқдаги ўрни. // Ўзбек тили ва адабиёти, -1988-№ 6. –Б.39.

осонлигим бор. Осонлигини айтсам шуки, **қоқиндик**, эркалар бригадасида тушлик бир соат, хотинлар бригадасида икки соат. Бир соат овқатга бир соат бола эмишига... Ҳа, айтганча, нимаси кўп уларнинг, туғиши кўп. Бешик тўйига ҳам мени чақираверишади. Мен ҳам бир кийим штапелни қўлтиқлаб сузилиб кириб боравераман.

Эргаш. Бу томонлари зўр экан.

Ҳасан. **Вой ўргилай сиздан**, бу томони яхши бўлгани билан нах ёмон томонлари борки, одам боласи чидамайди. (С.Аҳмад. «Илғор табелчи», Сайланма, 3-жилд, Т.: 1982, 460-462-б.)

Юқоридаги матнда эркалаш ёки ҳурмат ифодаловчи мурожаат шакллари бўлган «ўргилай», «қоқиндик», «вой ўргилай сиздан» каби бирликлар нотабийликни вужудга келтириб, кулгу кўзғайди. Чунки бу шакллар хотин-қизлар нутқи учун хос бўлиб, матнда нутқ эгаси эса эркак киши (Ҳасан)дир. Айни пайтда, бу бирликлар персонажнинг характер-хусусиятини очиб беради. Шунингдек, персонаж нутқидаги бошқа бирликларда ифодаланган ахборотлар орқали юқорида кўрсатилган эмоционал муносабат ифодаловчи бирликлар ишора қилган персонажнинг характер-хусусияти тўлдирилиб, янада ёрқинроқ намоён бўлади. Натижада ўқувчида персонажнинг нутқи орқали унинг аёлларга хос характер-хусусияти ҳақида тасаввур ҳосил бўлиб, танқидий кулгу юзага келади. Демак, жинслараро фарқ қилувчи сўзларнинг, умуман нутқнинг ўрин алмашиб қолиши нутқий нотабийлик, салбий баҳога эга эмоционаллик ҳосил қилади.

Хулоса қилиб айтганда, лисоний бирликларда эмоционал – экспрессивликнинг юзага чиқишида нутқий жараён муҳим аҳамиятга эга.

БЕШИКДАН ҚАБРГАЧА ИЛМ ИЗЛА

*Маҳмуджон МУҲИДДИНОВ,
катта ўқитувчи (НамДУ)*

Биз ушбу мақоламизга сарлавҳа қилиб олган ва илм ўрганишнинг зарурлигини таъкидлаётган мазкур хитоб пайгамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларидир! Бунга ўхшаш ўнлаб ҳадисларда илм ва унинг соҳиби олимлар улуғланади:

Хитойда бўлса ҳам илм ўрган. Бир соатлик илм ўрганишнинг савоби кечаси ухламай ибодат қилиб, қуидузи рўза тутганининг савобидан яхшироқдир.

Ёки: Олимнинг уйқуси жоҳилнинг ибодатидан афзалроқдир.

Ислом тарихидан маълумки Қуръони Каримнинг илк нозил бўлган сурасининг биринчи сўзи ҳам «икроъ», яъни «ўқи» бўлган. Шунингдек, Қуръоннинг оятларида 700 та илм ўзагидан ҳосил бўлган сўзлар мавжуд. «Бақара» сурасида Аллоҳ таоло одамга барча илмларни ўргатганлигини, у умр бўйи ибодатда бўладиган фаришталардан олимроқ эканлиги таъкидланади.

Илмга бўлган даъват ислом тарқалмаган даврлардаёқ мағрибу машриқда яшаб ўтган барча пайғамбарлар, олимлар, файласуфу мутафаккирларнинг асосий айтадиган сўзи, сўзларнинг мағзи бўлган. Маълумки, тарихимизда IX-XII асрлар «Олтин асрлар» деб номланади. Ғарбда уйғониш даври XIV асрдан бошланган, бизнинг юртимизда уйғониш даври эса олтин асрларга тўғри келади. Бу асрларни олтин асрлар деб номланишининг асосий сабаби илм ва олимлардир. Марҳум устоз Исмаилов ҳожи Абдуллоҳ «Марказий Осиёда Ислом маданияти» номли китобларида юртимиздан етишиб чиққан буюк алломалар ва уларнинг асарлари ҳақида маълумот берганлар. Мазкур асарда ва шу каби барча китобларда номлари дунёга маълуму машҳур алломаларнинг номлари, қунылари, устозлари, илмга бўлган муҳаббатлари, эришган самаралари, ёзган асарлари, шогирдлари, элу юрт равнақи учун қилган эзгу ишлари ҳақида кенг ва батафсил маълумотлар берилган. Салафларимизнинг илмий, тарихий, фалсафий, диний ва бадий асарларида ўқиш, маърифатли бўлиш улуғланса, жоҳиллик, билимсизлик қораланади. Ҳамюртимиз Мулло Ҳамид Мирзо Намангонийнинг 1997 йил Саудия Арабистонининг Мадинаи Мунаввара шаҳрида чоп этилган «Ал-фатҳур-рахмоний» номли китобида Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг энг сеvimли шогирди Боғдод Халифаси Хорун Ар-Рашиднинг бош қозиси Абу Юсуф тилидан қуйидаги қизиқарли ҳикоя келтирилади:

- Отам вафот этганда, мен ёш бола эдим. Яшаш шароитимиз оғир эди. Онам мени Қусор деган кишига хизматкор қилиб бердилар. Мен Абу Ҳанифанинг дарсларига боришни ёқтирар эдим. Ишга бормасдан дарсга борар эдим. Бир куни дарсда ўтирсам, онам келиб, қўлимдан тутиб Қусорнинг олдига олиб бориб унга

топширди. Мен эртасига яна ишга бормай дарсга бора бошладим. Бундан хабар топган онам бир кун Абу Ҳанифанинг олдида келиб деди: «Бу бола етимча, уни едирадигани, кийдирадигани йўқ, ишга бормай сизнинг олдингизга ўқигани келаверса бола бузалади-ку!» Шунда Абу Ҳанифа дедилар: «Ундай демагин, Раъно, хали бу бола катта бўлганда олим бўлади ва феруза идишларда писта ёғи суртилган ширин кулчалар ейди». Шунда онам деди: «Кап-катта олим одам бемаъни гапларни гапирасиз-а». Абу Юсуф катта бўлиб, қозийи-қуззоти дунё, яъни халифа эгалик қиладиган барча ерларнинг бош қозиси бўлди. У айтади:

- Кунлардан бир кун халифа ҳузурига кирганимда, феруза идишда писта ёғи кўшилган ширин кулча келтиришди ва халифа менга деди: «Марҳамат қил, Абу Юсуф, бундай таом ҳар доим бўлавермайди». Шунда мен, «Эй, мўъминлар амири, бу нима?» дедим. У: «Бу писта ёғи аралаштирилган ширин кулча» - деди. Мен кулдим. У кулишимни сабабини сўради. Шунда мен воқеани сўзлаб бердим. У «Илмнинг манфаати шуки, у бу дунёда ҳам, охиратда ҳам, кишининг даражасини баланд қилади», - деди. Абу Юсуф 17 йил Абу Ҳанифанинг шогирди бўлган. Сўнг халифанинг бош қозиси вазифасини бажарган. 67 йил умр кўрди. Ундан сўнг ўғли Юсуф қозилик қилган.

Қиссадан ҳисса шуки, ҳозирги кунда истиқлол шарофати ила республикамизда кўплаб коллеж ва академик лицейлар барпо қилинмоқда ҳамда ўрта мактаблар таъмирланиб, янги замонавий жиҳозлар билан таъминланмоқда. Шу билан биргаликда барча ўқув даргоҳларида юқори малакали олий маълумотли мутахассислар хизмат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, илм олиш юксалиб камол топиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Мазҳабимиз раҳнамоси ўша оғир шароитли ўрта асрларда етим ва камбағал шогирдларини ишламасдан илм олишга даъват қилган бўлсалар, ҳозирги фаровон, илм олиш учун ҳар томонлама қулайликлар мавжуд бўлган даврда фарзандларини бозорга пул топиш учун чиқараётган ота-оналарнинг қилмишлари нодонликдан ўзга нарса эмас. Мавриди келганда шуни айтиш лозимки, кўплаб мактаб ўқувчилари мактабга бориш ўрнига кўчаларда, паркларда, турли томошагоҳларда қимматли вақтларини беҳуда сарфлаб юришлари яхшиликка олиб келмайди. Яна ҳозирги кунда республикамизнинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларида мактаб ёшидаги болалар дарсга бориш ўрнига масжидларга бориб ўзларича

фарз ибодатни адо этапман, - деб ўйламоқдалар. Лекин илмдан ўзларини мосуво қилиб, укаларимиз мактабда адабиёт дарсларида қатнашганларида эди, адабиёт китобларида келтирилган Имом Бухорийнинг «Ал-жомеъ-ас-Саҳиҳ» китобларида баён қилинган «Илм олиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарздир» деган ҳадисни ўқиган ва илм олиш ҳам фарз ибодат эканлигини англаб етган бўлардилар. Хулосаи калом, мактабга борайлик, илм ўрганайлик пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг «Бешиқдан қабргача илм ўрган», деган ҳадисларини ёд олиб, муҳтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг «Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин» деган шиорларига лаббай деб жавоб берайлик.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. 86-бет.
2. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. «Марказий Осиёда Ислом маданияти». – Т.: 2005.
3. Алоуддин Мансур. «Қуръони карим». (Ўзбекча изоҳли таржима). –Т.: 1991. -Бақара сураси 9-бет; Алақ сураси 513-бет.
4. Шайх Мирзо Ҳамид ал-Фарғоний ан-Намангоний. Ал-фатхур-рахмоний. -Саудия Арабистони, 1997. -Б. 39.

«АН – НА`ИМ» ЛУҒАТИДА АТОҚЛИ ОТЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Юнусхон РАҲМАТУЛЛАЕВ,
ўқитувчи (НамДУ)

2003 йилда нашр этилган «Ан – на`им» луғати эллик мингдан ортиқ сўзни ўз ичига қамраб олган. Луғатда араб давлатларидаги матбуот, бадий адабиёт, радио, телевидение, кино учун умумий ҳисобланган ҳозирги араб адабий тилининг деярли барча лексик бойлигини қамрашга уринилган.

Луғат тузиш жараёнида атоқли отларнинг ифодалаш учун қуйидагиларга эътибор берилди. Агар атоқли от хорижий тилдан ўзлашган бўлса ва бу сўз таркибида учрайдиган товуш араб тилида мавжуд бўлмаса, ўрнига жаранглаши жиҳатидан яқин бўлган товуш қўлланди ва имлода қа макс этди; Масалан; **Этна вулқони – Итна.**

Бу ерда э товуши и билан алмаштирилади. Нидерландия – (Голландия) – Ал–арадий ал–мунхафида (сўзма сўз -паст ерлар). Араб тилида бу мамлакатнинг географик рельефига мувофиқ ном берилган.

Гамбия – Жамбия, Ява оролн – Жава, Гибралтар – жабалу тариқ (асли келиб чиқиши арабча). **Аргентина – Ал–аржантийну** шаклида қўлланган, чунки г товуши араб тилида йўқ. Шу сабабли ж товушидан фойдаланилади. **Малайзия архипелаги – Ал–архабийлу ал-хиндийю. Урганж – Урканжда** г товуши к билан алмаштирилади. Бундан кўриниб турибдики, г ўрнида баъзан ж, баъзан к қўлланилади.

Исландия – Исланда, Ирландия – Ирланда каби охири ия билан тугаган жой номларида бу ўхшимча чўзиб айтилувчи а товуши билан ифодаланди.

Э ва е билан бошланадиган атоқли отлар А билан бошланади. Масалан, **Эверест чўқиси – Афаристу, Ереван шаҳри Арийфан ёки Арийван** деб арабча талаффузга мос ҳолда айтилади ва ёзилади. **Австралия сўзи Устралия** шаклида ёзилади. **Стокгольм шаҳри Истукхулму** деб аталади.

Швеция давлати номи араб тилида **Асужу, Усужу;**

Севиля шаҳри – Ишбийлийя,

Атлантика океани – Атлантиқийю, Атлантйю, Ал – атласийю

Африка – Ифриқийю тарзида талаффуз қилинади ва ёзилади.

Ўзбек тилида қўшиб ёзиладиган икки асосдан иборат жой номлари араб тилида ажратиб ёзилади:

Окқўрғон – Ок кўрғон, Олтиарик - Олти арик, Олтинкўл – Олтин кўл, Алмати – Олма ота каби.

П товуши араб тилида йўқлиги учун бу товушни ўрнида ишлатилади: **Перу – Бйру, Албийру, Пхеньян – Бийунг йанг, Париж – Барис, Плтербург – Бутрусбург** каби ёзилган.

Ч товуши ҳам араб тилида йўқ, ўрнига тил бирикмасидан фойдаланилади: **Чад (Африкадаги кўл номи ва давлат) – Ташаду;**

Чодак (Наманган в. Поп туманидаги кишлоқ номи) – Тшадаку;

Чехославакия – Тшикуслуфақийа, Чили – Тшили каби,

Хулоса шуки, арабча-ўзбекча луғатларда атоқли отларнинг ифодаланишини пухта билиб олиш, ушбу луғатлардан фойдаланишда қулайлик туғдиради.

МАТНШУНОСЛИҚДА КОГЕЗИЯНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

*Абдужаббор ОМОНОВ,
катта ўқитувчи (НамДУ)*

Матн тушунчаси остидаги тузилишнинг асоси саналган мантикий изчиллик ва услубий ўзига хосликни боғловчи воситаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Агар матн бирликлари орасида мазмуний ёки шаклий боғланиш бўлмас экан, у ҳолда матн тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Матн тузилишининг асоси бўлмиш боғланиш ҳодисаси ёрдамида бирор ахборот ифодаланади. Бу эса матннинг коммуникатив яхлитлигини белгилайди. «Коммуни-кациянинг юқори бирлиги сифатида матннинг хусусиятлари – бу унинг яхлитлигини ифодаловчи боғланишдир».¹

Текст лингвистикасига оид назарий адабиётларнинг қай бирига мурожаат қилинса ҳам, албатта уларнинг ҳар бирида «боғланиш» (связность), «яхлитлик» (целостность) каби, шу билан бирга бу атамаларининг ўзга тилдаги «когезия», «когерентность» каби синонимларига дуч келинади. «Когезия» атамаси остида яхлит матн компонентларининг ўзаро алоқадорлиги ва мантикий кетма-кетлигини таъминловчи ички боғланиш тушунилади.²

Агар жумлалар орасида лексик такрор воситаси билан матн боғланиши амалга оширилса, бу занжирли боғланиш деб аталади. Масалан, **Боғнинг асосий қисмини узумлар ташкил қилади. Боғда бошқа мевали кўчатлар ҳам кўзга ташланади** каби.

Лексик, синонимик такрорлар олмош асосидаги бирикиш занжирли боғланишни ҳосил қилади. Кўпинча матнларда, айниқса, илмий ва илмий оммабоп матнларда боғланишнинг бошқа кўриниши-параллел боғланиш кўп қўлланади. Бундай боғланишда гаплар бир тема атрофига уюшади, бироқ гаплар бошқа гапларга муносабати жиҳатидан ўз автономлиги (алоҳидалиги)ни сақлайди. **Асримиз бошидаги маданий жонланиш. Рус ва ғарб маданиятини кяриб келиши. Романларнинг эълон қилиниши** каби.

Матнда гапларнинг бу тарзда жойлашуви ва бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда бир умумий мавзуни очиш учун хизмат қилиш асосида параллел боғланиш ҳосил қилган. Параллел боғланишда гаплар оҳанги шеърни эслатиб туради.

Боғланишнинг иккинчи кўриниши бу контактли ва дистантли боғланишдир. Контактли боғланишда матн ҳосил қилган гаплар ўзаро узвий боғланади. Бунда биринчи гапдаги қайсидир сўз кейинги гапда айнан ёки мазмунан такрорланади. Контактли боғланиш асосан кетма-кет боғланаётган гаплар орасидаги ўзаро алоқадорликдир. Демак, биринчи гап иккинчи гап билан, иккинчи гап учинчи гап билан ва ҳоказо боғланиш контакт боғланишдир. (М: Шевердин асардан келиб чиқадиган маънога суянмайди. Юқорида ўзи фазилат сифатида таъкидлаган бадиият унинг учун сариқ чақага арзимади. У романда тасвирланган ташқи белгилардан келиб чиқади).

Бу матнда контактли (биринчи ва иккинчи гапда Шевердин унинг сўзлари асосида) боғланиш ҳосил қилинган. Биринчи ва учинчи гаплар орасида иккинчи гап борлиги учун дистантли боғланиш.

Лингвистик адабиётларда матн бирликларининг боғланишининг бошқа усули тўғрисида фикрлар бор. Матн бирликлари орасидаги занжирли боғланиш, кейинги йилларда ўрганилиши тобора кенг тус олаётган гапнинг актуал бўлинишига мос келади.³

Бу фикрлар тўғри, бироқ матнда гапларнинг занжирли боғланиши билан гапнинг актуал боғланиши назариясига хос бўлган тема – рема муносабати бир нарса эмас. Уларнинг фарқи бор.

Матн таркибидаги бир неча гапларнинг занжирли боғланишини ҳосил қилишда такрорлар – соф такрорлар, синонимик такрорлар, олмошларнинг боғловчилик вазифаси муҳим. Бунда ҳар бир гапдаги қайсидир сўз ўзидан аввалги ва кейинги жумлаларда такрорланиб худди занжирли айланишни ҳосил қилади.

Матнда тема – рема муносабати жумлалар орасида ифодаловчи коммуникативликдан иборат. Бу ўз-ўзидан матнни юзага келтирувчи усуллардан бири эканини исбот этади.

Матн тушунчасининг моҳияти саналмиш боғловчи воситалар тўғрисида рус ва ўзбек тилшунослигида баъзи ишлар қилинган. Энди навбат илмий матннинг юзага келиши билан боғлиқ бўлган гаплар, мураккаб синтактик бирликлар, абзацлар орасидаги мантиқий, мазмуний боғланишни ифода этувчи лексик-грамматик

ва функционал-синтактик боғловчи воситаларнинг ўрганиш тарихига доир:

Е.А.Рейман⁴ умуман илмий нуткдаги боғланишни ифодаланишини икки гуруҳга бўлади. Булар дастлаб синтактик воситалар мавзуси билан баён қилинган. Синтактик воситаларни ҳам иккига бўлади:

1. Гап бўлаклари тартиби. Бунда гапларнинг қайси бўлак билан боғланиши илмий нутқ учун характерли эканлиги назарда тутилади.

2. Шахсиз гаплар ва уларнинг абзацлар орасидаги мантиқий боғланишни ифода этувчи функцияси айтилади.

Иккинчи гуруҳ-лексик воситалар. Уларга кўрсатиш олмоши, равиш ва баъзи сўз бирикмаларини киритади.

Немис тилшуноси Макс Пфютце⁵ эса грамматик воситаларни иккига бўлади:

1. Морфологик воситалар;

2. Синтактик воситалар.

Морфологик воситаларга феъл, сон, олмош, юкламалар, бириктирувчи боғловчиларни киритади.

Синтактик воситаларга эса сўроқ гапларни киритади.

У грамматик воситаларни матннинг келгуси ёки аввалги парчасига ишора қилиш функциясига эътибор берган.

Севбо И.П.⁶ матн боғланишини ифода этувчи воситаларни лексик, морфологик ва синтактик гуруҳларга ажратади. Олмош ва равишларни морфологик, тўлиқсиз гапларни синтактик (яъни тўлиқсиз гапнинг тўлиқ маъноси аввалги жумланинг маъноси билан боғланган) воситалар қаторига қўшади.

Л.И.Кручинина инглиз матни асосида когезия механизмини юзага чиқарувчи воситаларни коммуникатив-прагматик нуқтаи назардан таҳлил қилади.⁷

Ўзбек тилшунослигида М.Тўхсоновнинг «Ўзбек бадий нутқида микротекст ва уларда когерентликни ифодаловчи воситалар системаси» номли диссертациясида бу воситаларни:

1. Олмош ва синонимлар микротекстда когерентликни ифода этувчи восита сифатида изоҳлайди.

2. Такрор когезия ҳодисасини юзага чиқарувчи воситалардан бири сифатида тилга олинади.

Аммо М.Тўхсанов макроматнни тилшунослик объекти деб ҳисобламайди.

Тилшунос М.Мукаррамов илмий матннинг боғловчи воситаларни куйидагича гуруҳлайди:

1. Лексик-грамматик воситалар;
2. Функционал-стилистик воситалар.⁸

1. Лексик-грамматик воситалар матн парчаларининг юзага келиши ва шаклланишида дейксик белгилар, жумладан, олмошлар боғловчи функциясига эга бўлади. Дейксик белгилар мазмуни воқеа, белги, нарсаларни бевосита ифодалайди, балки уларга ишора ҳавола қилади, шунга кўра уларни мазмунан кучсиз, бўш сўзлар сифатида қараш мумкин.⁹

«Дейксик кўрсатиш функциясини бажарувчи олмошлар учун характерлидир».¹⁰

Олмош инварианти сифатида конкрет маънога эга бўлмайди. Уни нутқий қуршовда таҳлил қилиш керак.

Матн тузишда ёзувчи (сўзловчи) ва ҳоказолар бирор шахс, предмет, белги, миқдор ва ҳодиса ҳақида фикр юритар экан, ана шуларнинг номини такрорлашдан қочади. Уларни олмош билан алмаштиради. Шунга асосан олмош бошқа туркумдаги сўзлар маъносини бера олади. Бошқа сўз семасини ўз маъно доирасига сиғдириш матн тузиш талаби асосида юз бериб, кейинги жумлада алмашган олмош туркумидаги сўз маъноси аввалги гапни ўзи алмашинган бўлак семаси билан ойдинлашиб туради. Олмошлар таркибидаги семантик яримлик-маъно қобиғи бўшлиқ каби хусусиятларининг мавжудлиги уларнинг нутқий қуршовда ўзидан аввалги сўз, бирикма, жумла, абзац, мураккаб синтактик бирликлар кабиларни маъно, фикр ва мазмун билан боғланишга имкон беради.

Матнда боғловчи вазифасини асосан, кишилиқ ва кўрсатиш олмошлари бажаради. Улар кўпинча контактли боғланишни ҳосил қилади. Олмошлар воситасида дистантли боғланиш ҳам ҳосил қилинади.

Олмошлар фақат жумлалар орасидаги фикрларнигина эмас, балки абзацлар орасидаги мазмуний муносабатларнинг ўзаро мантиқий бирикишини ҳам юзага чиқаради.

Кўрсатиш олмошларидан бу, шу, у, ўша, ўшалар матн таркибида қўлланиб, жумлалар орасидаги фикрий боғланишни юзага чиқаради. Кўрсатиш олмоши икки жумла орасида қўлланади ва ўзидан аввалги жумла ичидаги бирор сўз билан алмашади. Бунда боғловчи вазифасидаги олмош ўша сўз маъносига тенг келади ва матн парчаларидаги фикрни ривожлантириб боради. Олмошлар бир

неча мустақил гаплар орасида эмас, қўшма гаплар, мураккаб синтактик бирликларда ҳам қўлланилади ва мураккаб синтактик бирликларнинг чегарасини белгилашда муҳим роль ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Орлова Л.В. Структура сверифразового единетство в научных тектос. – Киев: Науково думка, 1988. – С. 88.
2. Кручинина Л.И. Основные средства когезия английского научного текста: Автореферат канд.дис.науч. – Москва, 1982.–С. 4.
3. Нурмонов А. Гап ҳақида синтактик назариялар. – Тошкент, 1988. –Б.
4. Рейман Е.А. Об общим характере построения научного прозаического текста. В кн: Особенности языка научной литературы (Романо-германская филология). – Москва, 1965. С-53-63.
5. Пфютце Макс. Практика и лингвистика текста. В кн: Новое и зарубежной лингвистика. VIII. Лингвистика текста. – Москва, 1978. – С.218-242.
6. Севбо И.П. Структура связного текста и автоматизация реферирования. –Москва, 1969. – С.24-25.
7. Кручинина Л.И. Основные средства когезия английского научного текста: Автореферат дисс. канд.фил. наук –Москва; 1982.
8. Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. – Тошкент, 1984. –Б.147-151
9. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – Москва, 1969. – С. 126.
10. Раҳманов Н. Кўҳна битиктошлар. – Тошкент, 1991. –Б.34.

МИНГБУЛОҚ ТУМАНИ ШЕВАЛАРИДА ТОВУШ ОРТТИРИЛИШИ ВА ТУШИШИ

Иброҳим ДАРВИШОВ,
ўқитувчи (НамДУ)

Халқ жонли тилидаги товушларнинг орттирилиши ва тушиши, сўз шаклларининг торайиб, кенгайиши факат ҳозирги туркий тиллардагина бўлмай, қадимги ёзма ёдгорликларда ҳам қайд қилинган. Маҳмуд Қошғарий бундай ходисаларни *турклар чумчуқ, тамгақ деб талаффуз қилсалар, қипчоқлар чумуқ, тамақ деб талаффуз этадилар, уни талаффузда осонлик бўлсин учун шундай дейдилар*, деб изоҳлайди. (1.69) Бугун ҳам ўзбек шеваларида -

худудий сўзлашув жарёнларида, хусусан, Мингбулоқ туман шеvasида ҳам товушларнинг ортши ва тушиши ҳисобига сўз шаклларининг ўзгариш жараёнлари мавжуд.

Мазкур худуд шеvasи қипчоқ лаҳжасининг «й» ловчи ва «ж» ловчи гуруҳларидан ташкил топган. Шу жиҳатни ҳисобга олиб, ундошларнинг орттирилиши ва тушиши ҳодисаларини қуйидаги ўринларда кўриб ўтамыз.

Сўз бошида ундош орттирилиши. Бу жараён қадимги туркий тилга бориб тақалади. У спорадик тарзда кейинги даврларга ҳам хос (2.120). Айрим шевашунос олимлар ундош товушларнинг сўз бошида орттирилиши кам учрайдиган ҳодиса деб эътироф этадилар. (3.124, 4.66, 5.9-12). Наманган вилояти Мингбулоқ шеvasида бунинг акси кўзга ташланади ва ундошларнинг сўз охирида орттирилиши деярли учрамаслиги кузатилади. Ўзбек адабий тилида «а», «о», «ў», «и» фонемалари билан бошланувчи баъзи сўзлар олдидан «х», «й», «ч» ундошлари орттирилади. «ж» ловчиларда (*Момохон, Чордона, Ингичка, Қирқчек, Бешсерка, Қолгандарё, Найман, Қайрағочовул қишлоқлари*): **хэптэвус-хэптэбус-хэптэлэбус** (*автобус*), **хэзэр** (*озор*), **хэйвэн** (*айвон*), **хэйэл**, (*аёл*);

«й» ловчиларда (Гуртепа Довдуқ, Терак, Мулкобод, Дамкўл, Шўрсув қишлоқлари): чэхчэймэ-чехчэймэ-чўхчэймэ (ўқрайма-ўқраймоқ), чэлчэймэ (олчаймоқ-алчайиб ётмоқ), йьгнэ-йиннэ (игна), йьлэн (илон), йьп (ип) хьшшэ (шиша) каби.

Сўз ўртасида ундош орттирилиши. Қадимги ва эски туркий тилда ҳамда бошқа кўплаб ўзбек шеваларида учраганидек, сўз ўртасида ундошнинг орттирилиши Мингбулоқ шеvasида ҳам мавжуд, бироқ бу ҳодиса салмоқли эмас, нисбатан камдир. Сўз ўртасида, асосан, «й», «т», «в», «х» ундошлари ортади: **рэйьс** (*раис*), **эйьлэ** (*оила*), **дуйшэмбь** (*душанба*), **йяңьттэн** (*янгидан, бошидан, қайта*), **эскьттэн** (*аввалдан, олдиндан*), **суврэт** (*сурат*), **нэвмэ:т** (*номард*), **сэхэт** (*соат*) каби.

Сўз охирида ундош орттирилиши. Юқорида таъкидлаганимиздек, сўзнинг бу позициясида товуш орттирилиши билан боғлиқ ҳодисани фақат гэдэй (*гадо*) сўзидан бошқа сўзда учратмадик. Мингбулоқ шеvasида сўз охирида ундошнинг

орттирилишининг кам учраши ёки ўзлашма сўзлардан ташқари сўзларда учрамаслиги бу шева ўзига хос тавсиф ва хусусиятга эга деган хулоса чиқаришимизга асос бўлди.

Сўзнинг турли ўринларида ундошларининг тушиб қолиши ҳодисаси мазкур шевада ҳам бошқа шевалар каби хусусиятларга эга. Ундошларнинг тушиши сўз бошида ва охирида камроқ, сўз ўртасида кўпроқ содир бўлади. Бу эса жануби-ғарбий Наманган шеваларида унлиларга нисбатан ундошлар позицияси мустаҳкамроқ эканлигини кўрсатади.

Сўз бошида ундош тушиши. Худуддаги «й» ловчи шеваларда сўз бошида ундошларнинг тушиши деярли кузатилмайди. Бирок кўплаб диалектолог олимлар таъкидлашганидек, (6.303) «ж» ловчи шеваларда бу жараён кўп учрайди. Адабий тилимиздаги айрим сўзлар бошида келган «й», «ҳ», «ш» ундошлари туширилиб талаффуз этилади: **ърък** (*йирик*), **ъръң** (*йиринг*), **ърт** (*йиртмоқ*), **ърқ** (*йироқ*) каби, сўзларда «й» ундоши, **элқъм** (*ҳалқум*), **уркъдъ** (*ҳурқди*), **ъсэвлэ** (*ҳисобла*), **этлэ** (*ҳатла-сакрамоқ*) каби сўзларда «ҳ» ундоши, **ъш** (*шиш-бўртмоқ*), **ъшмэ** (*шишган-семиз*) каби сўзларда «ш» ундоши сўз бошида тушиб қолади. Ундошларнинг сўз бошида тушишини (**ъл-йил**, **эвуч-ҳовуч** каби) айрим тилшунос олимларимиз Навоий асарларида учрашини ҳам қайд этганлар.(7.70).

Сўз ўртасида ундошнинг тушиши. Бу позицияда «л», «п», «з», «ҳ», «м», «ш», «ғ» ундошларининггина талаффуз этилмаслиги кузатилади: **бўсэ** (*бўлса*), **кэсэ** (*келса*), **йўқэ** (*юпқа*), **нэмэшэмгул** (*номозшомгул*), **шэ:р**, (*шаҳар*), **бэ:р**, (*баҳор*), **дэ:лъс** (*дахлиз*) каби сўзларда барча Хоразм-ўғуз шеваларига хос бўлган хусусиятлар (8.135,9.51,10.96) кузатилади. (*Бу ҳодиса шева ундошлари синтагматикасини янада чуқурроқ ва мукамалроқ ўрганишни тақозо этади*).

Сўз охирида ундошнинг тушиши. Сўзнинг бу ўринда ундошнинг талаффуз этилмаслиги бошқа қипчоқ шеваларидан фарқ қилади. Таянч тип шеваларда охирги позициялардаги ундошларнинг кўпчилиги (**бэ-бор**, **қэвэ:-қовоқ** каби) туширилса, жануби-ғарбий Наманган шеваларида, асосан, «т», «д» ундошлари ўзлашган сўзларда, сўзнинг охириги ўрнида икки ундош келган

ҳолларда тушириб талаффуз этилади: **ғъш** (*ғишт*), **дэрэқ** (*дарахт*), **хурсэн** (*хурсанд*), **дурус** (*дуруст*) каби. Шевада, худди сўз ўртасидагидек, охирги позицияда «л» сонорининг туркий бир бўғинли сўзларда ҳам барқарор эмаслиги кузатилади: **кэ** (*кел*), **о:** (*ол*), **со** (*сол*) каби **төр** (*тўрт*) сўзида эса ўзлашма сўзлардаги конуният кўзга ташланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Мингбулоқ шевасидаги ундошларнинг орттирилиши, тушиши ҳодисалари ҳам бошқа ўзбек шеваларига ўхшашдир. Сўзнинг охирги позициясида ундош товушлар орттирилши жуда кам, ундошларнинг туширилиши эса сўзнинг барча ўринларида учрайди, бироқ сўз бошида ва охирида ундошнинг тушиши ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, бу шеванинг ундошлар тизими унлиларига нисбатан анча барқарор ва мустаҳкам ўрин тутишини кўрсатади. Маълумки, барча шевалар фонетикаси уларнинг луғавий ва грамматик жиҳати каби муҳим лисоний хусусият касб этади. Зеро, луғавий сатҳ ҳам, грамматик сатҳ ҳам шеваларнинг фонетик жабҳаси туфайли намоён бўлади. Шунинг учун ҳам Мингбулоқ туман шеваси ундошларигагина эмас, балки барча фонемалари билан боғлиқ фонетик ҳодисаларни ўрганиш илмий изланишларни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кошғарий М. Девону луғотит турк. –Тошкент, 1960. –I.
2. Ряснен М. Материалы по исторической фонетике тюрских языков. – М.: Изд-во иностранной литературы, 1955.
3. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва халқ шевалари. –Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1962.
4. Муҳаммаджонов Қ. Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари. –Тошкент: Фан, 1981.
5. Абдуллаева Д. Ўзбек тили Ошоба шевасининг фонетик хусусиятлари: Номзодлик дисс. автореферати. –Тошкент, 1999.
6. Неъматов Ҳ. Ўзбек адабий тили тарихий фонетикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
7. Абдуллаев Ф. Фонетика Хорезмских говоров. –Ташкент, 1967.

ПРОСТОРЕЧНАЯ И РАЗГОВОРНАЯ ЛЕКСИКА В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ Н. В. ГОГОЛЯ

*Расима ГАБДУЛХАКОВА,
старший преподаватель (НамГУ)*

Богатство русского языка проявляется в его лексике. Трудно сосчитать все слова русского языка и включить их в словари, даже самые большие. Язык является достоянием и одновременно творением всех его носителей, но в развитие русского литературного языка внесли свой вклад, прежде всего, его носители высокого уровня – писатели и поэты. И в этом плане не измерить вклад в словарное богатство русского языка А.С.Пушкина, М.Е.Салтыкова-Щедрина, Н.В.Гоголя.

Николай Васильевич Гоголь стал известен благодаря своим «Вечерам на хуторе близ Диканьки». Необычайная яркость, красочность языка, которым написаны «Вечера», отметил еще Белинский, заметивший, что Гоголь не пишет, а как бы рисует кистью. В гоголевских повестях почти стирается грань между литературным языком и народной речью. Автор обращается и к украинскому языку, который в глазах русского читателя имел еще более простонародный характер: «лысый дидько», «парубоку», «дивишна», «хата», «явор», «галушки».

Как отмечает В.В.Виноградов, горячий интерес к украинской народной песне, к украинскому народному творчеству, к украинской истории сохранился у Гоголя до последних лет его жизни. Читая его произведения, так и представляешь пыльную дорогу, по которой катится тяжело груженный воз и возница, вполголоса напевающий:

«Не хилися, явороньку,
Ще ти зелененький,
Не журися, козачесньку,
Ще ти молодинький.»

Со второй половины 30-х годов разгорается увлечение Гоголя сбором материалов для объяснительного словаря русского языка. Сохранился «Сборник слов простонародных и малоупотребительных», составленный Н. В. Гоголем. Гоголь начал работать над этим сборником после выхода в свет словаря Ф. Рейфа в 1836 г. и продолжал работать до самого конца 40-х годов, т. е. почти до самой смерти. Выбирая слова для этого сборника из

«Энциклопедического лексикона русского языка» Ф. Рейфа и из «Академического словаря церковнославянского и русского языка» (1847 г.), Гоголь внес в эту коллекцию и свой вклад как в виде некоторого количества слов, им самим записанных или выписанных, так и в виде фразеологических иллюстраций и толкований.¹

Понять, какими принципами руководствовался Гоголь, составляя свой словарь, легче всего, пристально взглядевшись в состав слов, лично собранных им самим и не находящихся соответствия ни в «Энциклопедическом лексиконе» Рейфа, ни в «Академическом словаре церковнославянского и русского языка» (1847 г.). В словаре Гоголя, прежде всего, выделяются народно-областные слова - названия предметов обихода, растений, птиц, действий. Например: *душистник* «растение», *виноягодник* «птица»; *жирник* «ночник»; *закроина* «корка хлеба», «лед у берега» (у Даля - *закраина*); *обвясло* «передняя часть саней»; *орью орать* «кричать»; *отсверкивать* «отражать лучи»; *оцанка* «зацепление с раздеркой»; *пижги* «кожа молодых якутских оленей»; *щадрина*, *щадровитый* «рябой»; *кастеха* «неопрятная женщина»; *кухлянка* «шуба у якутов»; *некошной* «дьявол» (простор.); *погадка* «крак, болезнь у соколов»; *сама* «веревка, вервочка» (сев.) и др.²

Грубовато и просто отзывается Хивря о своем муже в «Сарочинской ярмарке»: «*Дурень мой* отправился на всю ночь с кумом под вozy, чтоб москали на случай не подцепили чего». Гоголевское просторечье порой балансирует на грани дозволенного: «Чтоб ты подавился, *негодный бурлак!* Чтоб твоего отца горшком в голову стукнуло! Чтоб ему на том свете черт бороду обжег!».

В то же время, о том, что самому автору дорого и близко, он говорит с теплотой и любовью, делясь с нами, как с близкими своими чувствами:

«А про сад и говорить нечего: в Петербурге вашем, верно, не *сыщете* такого».

В просторечной манере написаны все части «Вечеров на хуторе близ Диканьки». И именно это так понравилось читателям, потому что на их глазах рождался новый, небывалый мир

¹ См. Н. С. Тихонравов. Заметки о словаре, составленном Гоголем. «Сборник Общества любителей российской словесности». М., 1891, стр. 104 и сл.

² Все примеры даются по тихонравовскому изданию словаря Гоголя в «Сборнике Общества любителей российской словесности» (М., 1891).

искусства, истинно народный. Ведь, наверно, так же, как и кузнец Вакула мучились в сомнениях тысячи влюбленных на Руси: «Не любит она меня, а я стою перед нею как дурак и очей не свожу с нее «Чудная девка!». А каким юмором, веселым смехом окрашена речь героев «Вечеров»: «*Брешут сучи бабы!*», «*Лысый черт тебе покажет, а не мы!*» «А вы, *небось*, меня хотели съесть вместо свинины?»».

О богатстве и мощи русского языка, о его самобытности спорить не приходится. И одно из самых красивых тому подтверждений в русской литературе – цикл повестей Николая Васильевича Гоголя «Вечера на хуторе близ Диканьки».

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФЕРЕНЦИЯ ВА ТРАНСПОЗИЦИЯ ХОДИСАЛАРИ

Соҳибжон МИСИРОВ,
(НамДУ)

Фотима МАМАШАРИПОВА,
(УрДУ)

Ўзбекистон Республикасида юз бераётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар мамлакат ҳаётининг турли жабҳаларида, жумладан, таълим соҳасида ҳам улкан ижобий силжишларга туртки бўлмоқда. Республикамиздаги ҳозирги ҳолат чет тилларни эркин биладиган фуқароларга бўлган эҳтиёжни кучайтирди ва чет тилни ўрганиш шарт-шароитларини тубдан яхшилаш заруратини вужудга келтирди. Бу мамлакатимиз таълим тизими олдида жуда муҳим масала – чет тилларни мукамал биладиган мутахассисларни тайёрлаш вазифасини қўяди. Шу сабабли кейинги пайтларда чет тилларни ўқитиш услубларини такомиллаштириш, унинг сифатини оширишга бўлган қизиқиш тобора кучайиб бормоқда.

Мазкур тадқиқотда чет тил ўқитишда интерференция ва транспозиция ходисаларининг таҳлили ҳақида фикр юритилади. Маълумки, ўзбек мактабларида уч тил(она тили, иккинчи тил (рус тили), чет тил)дан тўпланган тил тажрибаси хусусида фикр юритиш мақсадга мувофиқдир [1:59-60].

Она тили тафаккур шаклланишида алоҳида хизмат ўтайдиган тил бўлиб, киши теварак-атрофни она тили ёрдамида идрок этиб тушунади ва кишилар билан мулоқотга киради. Она тилини яхши

билиш мамлакат ижтимоий-маданий ҳаётида фаол иштирок этишга ёрдам беради. Она тили сўзлари заминда ўзлаштирилган тушунчалар иккинчи ва чет тил ўрганиш чоғида ўзга тил сўзларининг товуш ва ёзувдаги тимсолида гавдаланади. Ўз тилида шакланган тушунчаларни ўқувчи ўзга тил сўзлари билан фикран боғлайди. Иккинчи тилга бошқа миллат вакилларида иборат қардошлар, қўшнилари тили сифатида қаралади. Мамлақатимизда «иккинчи тил» тушунчаси ўзбекча ўқийдиганлар учун рус тили, рус тилида таълим олувчилар учун эса ўзбек тилидир. Чет тил хорижий мамлакат тилидир. Чет тил асосан тилнинг лексик, грамматик ва талаффуз томонларини ҳис этиш орқали ўрганилади. Учала тилни ўқитиш жараёни турлича бўлиб, она тили ва иккинчи тил табиий, чет тил эса сунъий муҳитда ўргатилади. Юқоридагилардан маълум бўладики, учала тилни ўргатишда кескин фарқ(шароит, мақсад, мазмун)лар мавжуддир ҳамда ўқитишда тегишли услубиятни қўллашни тақозо этади. Ўқувчилар тўплаган тил тажрибасини ўрганиш чет тил ўқитишда маълум бир ютуқларга эришиш гаровидир.

Тил тажрибасини ҳисобга олиш деганда, ўқувчи шу кунгача ўзбек, рус, чет тиллардан олган билим, кўникма ва малакаларининг ҳозир ўрганилаётган чет тил материални ўзлаштиришга салбий ёки ижобий таъсири тушунилади. Чет тил ўқитиш методикасида салбий таъсир интерференция, ижобий эса транспозиция атамалари билан юритилади. Бу икки ҳодиса чет тилнинг фонетик, лексик, грамматик ва синтактик соҳаларини ўрганишда кузатилиши мумкин [2].

Интерференция – лотинча сўз бўлиб, «inter» орасида, ичида, – «ferentis» кўчирувчи, ўтказувчи деган маъноларни билдиради, яъни салбий таъсир –номаълум кўчиш, тўсқинлик қилиш, ғов бўлиш, кўникма ва малакаларни салбий натижага олиб бориши тушунилади. Бунинг мисоли сифатида инглиз тилидаги «келаси ноаник замон(Future Idefinite tense)»ни ўрганишда унинг қўлланиш (функцияси), ясаиш (шакли) ва маъноси(семантикаси)ни ўргатиш алоҳида методик ёндашув талаб этади. Сабаби мазкур феъл замонининг қўлланиш ва маъноси ўқувчилар учун қийинчилик туғдирмайди, чунки грамматик ҳодисанинг «келаси замонда оддий иш ҳаракатни ифодалаши» ўзбек тилида ҳам мавжуд.

Масалан: I shall read this book tomorrow.

Мен бу китобни эртага ўқийман.

Бундай ҳолат ўқувчилар тил тажрибасидан олган билимлари ёрдамида чет тил ҳодисасини ўзлаштиришга имкон беради. Мазкур феъл замоннининг ясалиш(формаси)и эса ўзбек ва инглиз тилида бутунлай бир-биридан фарқ қилади. Инглиз тилидаги икки сўз(ёрдамчи феъл – shall, will ва етакчи, асосий феъл – read)дан тузилган замон ўзбек тилида фақат битта сўздан иборат бўлади. Бу ўзбек ўқувчилар учун қийинчилик(интерференция)ни келтириб чиқаради. Лекин ўқувчилар тил тажрибаси таркибидаги мавжуд рус тили(иккинчи тил)даги мактабда ҳосил қилинган малака ушбу грамматик ҳодисани ўрганишда ижобий таъсир (транспозиция) кўрсатиши мумкин.

Транспозиция – лотинча сўз бўлиб, «transpositio», бошқа жойга кўчиш деган маънони билдиради. Бу тушунча методикада “ижобий таъсир, ижобий кўчиш, ёрдамга келиш, кўмаклашиш, ижобий натижага олиб боровчи билим, кўникма ва малаканинг кўчиши” маъноларида талкин қилинади. Транспозиция ҳодисасини «сифатларнинг даража кўрсаткичлари ясалиши»да кузатиш мумкин. Масалан. Wide – wider – the widest, яъни кенг – кенгроқ – жудаям кенг.

Илмий изланишлар, муаллимларнинг педагогик тажрибасидан маълумки, ўқувчилар тил тажрибаси(ТТ)да тўрт хил интерференция ва транспозиция ҳодисалари кузатилиши мумкин: а) Она тили(ТТ1)дан чет тили(ТТ3)га; б) Иккинчи тил(ТТ2)дан чет тил(ТТ3)га; в) Она тили(ТТ1)дан иккинчи тил(ТТ2)га; г) Она тили ва иккинчи тил(ТТ1-ТТ2)дан чет тил (ТТ3)га [3:38-44].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўқувчиларни чет тил, иккинчи тил ва она тили бўйича тиллараро ёки тил ички лингводидактик қиёсий таҳлилига доир билимлар билан куроллантириш уларнинг билиш, коммуникатив-таълимий ва амалий-режалаштирув вазибаларини ҳал этишга қаратилган малакаларини шакллантиришнинг муҳим шартларидандир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Джалалов Д. Д. Проблемы содержания обучения иностранному языку. Т.: Фан, 1987. –110 с.
2. Жалолов Ж. Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. Чет тиллар олий ўқув юртлари (факультетлари) талабалари учун дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 1996. –368 б.

3. Сатторов Т. Қ. Бўлажак чет тили ўқитувчисининг услубий омилкорлигини шакллантириш технологияси. –Т.: ТДЮИ, 2003.– 191 б.

РОЛЬ ЭКСТРАЛИНГВИСТИЧЕСКИХ СРЕДСТВ В РЕЧИ ГЕРОЕВ Н.В. ГОГОЛЯ

Фарид ГАБДУЛХАКОВ,
доцент (НамГУ)

А.БАЙБУЛАТОВА,
студ. 1 курса (НамГУ)

В процессе чтения люди погружаются в волшебный мир приключений персонажей, поражаясь глубине и изяществу повествования, таланту писателя, сумевшего создать литературный шедевр. Именно умение ярко и доходчиво рассказать о той или иной эпохе в этом заключается мастерство языковой личности высокого уровня, способного из, казалось бы, обычных слов творить жемчужины. Одним из таких великих творцов является Н.В.Гоголь, мастер художественного слова, владевший им в совершенстве. Он подобно режиссёру в театре помещает своих героев в самую разную обстановку, описывает природу и обстоятельства не значительными но яркими мазками. На ряду с вербальными средствами мастер обращается и к различным экстралингвистическим средствам. Вопрос о том, какие из перечисленных средств позволяют Н.В.Гоголю более красочно описать мир своих персонажей, не самый главный. Главное здесь в том, что рациональное их сочетание позволяет достичь высоких результатов.

Чтобы передать особый колорит, перед писателями стоит задача эффективно описать своего героя. Это делается для того, чтобы у читателя было такое же представление о персонаже, как его, видит сам писатель. С этой целью часто применяется описание обстановки, мимики, телодвижений, интонации. С помощью этих элементов писателю удастся передать состояние души своего героя, его образ как бы всплывает в подсознании читателя, что позволяет понять его характер и переживания.

Указанные средства коммуникации можно рассмотреть на примерах, взятых из произведения Н.В. Гоголя «Ночь перед рождеством».

Чтобы показать обстановку, где разворачиваются события, писатель применяет следующие элементы:

«-Кузнец не без радости отворил дверь и увидел Пазуха, сидевшего на полу по- турецки, перед небольшой кадучкою, на которой стояла миска с камушками. Эта миска стояла как нарочно, наравне с его ртом.

- Кареты останавливались перед дворцом, запорожцы вышли, вступили на великолепные сани и начали поднимается на блистательно освещённую лестницу.

-Что за лестница! – шептал про себя кузнец, - жаль ногами топтать. Эки украшения! Вот, говорят, лгут сказки! Кой чёрт лгут! Боже ты мой что за перила! Какая работа.

Показать внутреннее состояние персонажа, Н.В.Гоголю удалось высказать следующим образом.

- Правда ли, что твоя мать ведьма! – произнесла Оксана и засмеялась, и кузнец почувствовал, что внутри него всё засмеялось. Слух его как будто разом отозвался и в сердце и в тихо стрепенувших жилах и со всем теми досада драла его душу, а так же.....

«Не любит она меня, - думал про себя, повеся голову кузнец, - её всё игрушки, а я стою перед нею как дурак и очей не свожу с ней!

Чудная девка! Чего бы я не дал чтобы узнать, что у неё на сердце, кого она любит! Но нет, ей и нужды нет ни до кого.

Долго стояла Оксана, раздумывая о странных речах кузнеца. Уже внутри её что-то говорило, что она слишком жестоко поступила с ним. Что, если он и в самом деле решится на что-нибудь страшное.

Чтобы усилить и подчеркнуть способ изложения передаваемой информации при общении, Н.В.Гоголь придавал особое внимание интонации. Например.

- Что же ты! – произнёс Чуб таким голосом, в котором изображалось и боль, досада, радость.

Следующие примеры позволяют рассмотреть роль интонации более наглядно:

- Вишь какой шутник! Зарычал смеясь чёрт. – Ну понятно, довольно уже шуметь!

Или: Кто ты такой и за чем таскаешься под дверями? – произнёс кузнец суровее прежнего и подойдя ближе.

- Убирайся к чёрту со своими колядками! – сердито закричал Вакула.

- Постой, я сам отворю, - сказал кузнец и вышел в сени в намерении отломать с досады бока первому попавшему человеку.

- Нет ты мне покажешь, негодяй! – вскричала жена, ударив высокого кума кулаками в подбородок и продираясь к мешку.

Его забавляло до крайности, как чёрт чихал и кашлял, когда он снимал с шеи кипористый крестик и подносил к нему. Нарочно поднимал он руку почесать голову, а чёрт думал что его собираются крестить, летел ещё быстрее.

Мимике героев в произведении уделяется особое внимание. Ведь при общении людей она занимает главное место.

- Это дьяк! – произнёс изумившийся больше всех Чуб, – вот те на!

- Государыня рассмеялась. Придворные засмеялись тоже.

Потемкин и хмурился и улыбался вместе.

Нами предпринята попытка определить роль экстралингвистических средств при создании представления о мире человека. Бесспорным является то, что, без этих средств читатели не получили бы того, что хотел нам передать автор. Описание событий, действий, обстановки людей стало бы плоским как стенограмма, скучным, как язык протокола.

Следовательно, мастерство такой языковой личности, как Н.В.Гоголь, заключается в его умении сочетать языковые и надязыковые средства, позволяющем читателю смело проникать в мир людей, воспринимать их такими, какими задумал сам великий мастер художественного слова.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ АНТРОПОЙКОНИМЛАРИ

*Юлдуз НЕЪМАТОВА,
тадқиқотчи (НамДУ)*

Киши номлари, лақаблари, тахаллуслари, фамилиялари билан аталган аҳоли манзилларининг номлари антропоойконимлар (грек. antropos-одам + оукос-турар жой + опіта-ном) деб аталади.¹

А.В.Суперанская таъкидлаганидек, топонимларнинг, жумладан, ойконимларнинг юзага келиши маълум худуддаги кишиларнинг урф-одати, тили ва уларнинг тараққиёт тарихи,

¹ Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. –Тошкент: Фан, 1989. –Б.16.

маданий юксалиши, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий турмуши каби жиҳатлар билан алоқадордир. Аниқроғи, ҳар қандай номнинг мотивлари тарихий ва социал маънога эга.²

Ойконимларнинг номланишида мазкр аҳоли яшаш манзилини бунёд этган, бунёд этилишига раҳбарлик қилган, шу ерда яшаган, биринчи келиб жойлашган ёки машҳур тарихий шахслар номи асос вазифасини бажаради. Шу тарзда антропоойконимлар яратилади. Антропоойконимлар-антропотопонимларнинг бир тури. Бундай тапонимларни Хоразм топонимиясини тадқиқ этган З.Дўсимов *антропонимик тип* термини асосида таҳлил қилган.³

Антропонимлар ойконимлар тизимига ўтар экан, ўзи номлаётган аҳоли манзилларини фарқловчи, бошқа тураржойлардан ажратувчи лисоний аниқловчи – атрибут (рус. < лот. *attributum*- қўшиб қўйилган) вазифасини бажаради.⁴ Бунда шахс ва объект муносабати муҳим роль ўйнайди. Антропоойконимлар Наманган вилояти топонимияси доирасида кўп эмас. 1990 йилларга қадар вилоят топонимиясида собиқ шўро ҳукумати раҳбарлари, даҳолари номи билан аталган *Ильич* (Мингбулоқ тумани), *Куйбишев* (Наманган тумани), *Ленинобод* (Норин тумани), *Ленин* (Чортоқ тумани), *Киров* (Тўрақўрғон тумани), *Ленинобод* (Янгикўрғон тумани) каби қишлоқ шўролари (ҳозирги фуқаролар йиғини) номлари, *Жданов* (Касонсой тумани Кўқимбой ҚФЙ), *Карл Маркс* (Уйчи шаҳарчаси), *Крупская* (Уйчи тумани кўрғон ҚФЙ), *Ленинобод* (Уйчи туман Ёрқўрғон ҚФЙ), *Охунбобоев* (Уйчи туман Ёрқўрғон Қ.Ф.Й), *Димитров* (Янгикўрғон тумани), *Фрунзе* (Поп тумани)⁵ каби қишлоқ номлари мавжуд эди.

Келтирилган далиллардан кўринадики, вилоят топонимиясининг фақат ойконимик тизимида *Ленинобод* номи 4 та. Умуман доҳий деб улуғланган В.И.Ленин номи билан боғлиқ 20 дан зиёд ойконим бўлган. Мазкур антропоойконимлар халқ анъаналарига, қадриятларига, жойларни номлашга қўйиладиган талаб ва мезонларга зид номлар, сунъий номлар сифатида истеъмолдан чиқиб кетди. Чунончи, Мингбулоқ туманидаги *Ильич* фуқаролар йиғини ҳозирда *Олтинкўл*, Чортоқ туманидаги *Ленин* қишлоқ фуқаролар йиғини *Мучум* номлари билан алмаштирилди.

² Суперанская А.В.Общая история имени собственного. –Москва, 1973. –С.101.

³ Қаранг. Дўсимов З. Хоразм топонимлари. –Тошкент: Фан, 1985. –Б.94-97.

⁴ Қариг. Усмонов О., Донёров Р. Русча-интернационал сўзлар изохли лугати. –Тошкент: Фан, 1965. –Б.70.

⁵ Қариг. Жамоа Наманган вилояти комуси сўзлиги. –Наманган, 1992.

Наманган вилояти антропоойконимларини дастлаб қандай объект номи эканлигига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Қишлоқ фуқаролар йиғини номлари: *Мамажон Тошматов* (Поп тумани), *Холматов* (Тўрақўрғон тумани), *Ҳамза* (Учқўрғон тумани) каби.

2. Қишлоқ номлари: *Мадёровул* (Мингбулоқ тумани), *И.Тиллаева*, *Мусоариқ*, *Пирматов С.Раҳимов* (Косонсой тумани), *Бектемир*, *Маллаҳовуз*, *Неъматжон* (Наманган тумани), *Маҳмудчек*, *Мирсултончек*, *Фурқат* (Норин тумани), *Ботир бўтка*, *Гагарин*, *С.Раҳимов* (Поп тумани), *Беруний*, *Калвак* (Тўрақўрғон тумани) каби.

Наманган вилояти антропоойконимларининг шаклланиш асосига кўра яна қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Бевосита шахс номларидан ҳосил бўлган ойконимлар.

Бундай ойконимлар асосини кишиларнинг исми ёки фамилияси ташкил этади. Ном таркибида исм, фамилиядан бошқа ҳеч қандай бирлик ёки восита қатнашмайди. Масалан, қишлоқ номлари: *Эргашхон*, *Юсуфжон* (Уйчи тумани), *Собир Раҳимов* (Косонсой тумани), *Бектемир*, *Неъматжон* (Наманган тумани), *Фурқат* (Норин тумани), *Алихон* (Чортоқ тумани) каби. Наманган вилояти ойконимиясидаги антропоойконимларнинг асосий қисми шундай номлардир.

2. Шахс оти ва лақаби, мансаби, касбни кўрсатувчи бирликлардан юзага келган антропоойконимлар. Наманган вилояти топонимиясида бу типдаги ойконимларни қуйидагича кўринишлари кузатилади:

а) *исм ва лақабдан иборат номлар:* *Ботирбўтка* (Поп тумани), *Шарифмерган* (Уйчи тумани *Жийдакапа* қишлоқ фуқаролар йиғини) каби;

б) *исм ёки лақаб + «ота», «бува», «она» сўзларидан иборат номлар:* *Калвакбува* (Уйчи тумани) каби;

в) *шахс номи ва «чек» форматидан:* *Маҳмудчек*, *Мирсултончек* (Норин тумани), *Ёрқинбойчек* (Учқўрғон тумани), *Кўғайўлмас* қишлоқ фуқаролар йиғини) каби;

г) *шахс оти ва «обод» форматидан:* *Исломобод* (Уйчи тумани, *Ёркатай* қишлоқ фуқаролар йиғини) каби;

д) *шахс оти ва «овул» форматидан:* *Мадёровул* (Мингбулоқ тумани) каби.

Далиллардан кўринадики, Наманган вилояти антропоойконимлари таркибий тузилишга кўшма таркибли ойконимлар турига, моделига кўра кўпроқ от + от типига мансуб бўлиб, кўпроқ атоқли отларга, яъни киши номларига ойконимик аниқлагичларни, ойконимик форматларини кўшилуvidан ясалган.

Наманган вилояти антропоойконимларини қандай киши номлари билан аталганлигига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Машҳур тарихий шахслар, алломалар, олим ва шоир, ёзувчилар номи билан аталган ойконимлар: *Ҳамид Олимжон* (Тўрақўрғон тумани, Сайрам қишлоқ фуқаролар йиғини), *Беруний* (Тўрақўрғон тумани, Бурамаут қишлоқ фуқаролар йиғини), *Парда Турсун* (Поп тумани), *Фурқат* (Норин тумани) каби.

2. Маҳаллий меҳнат ва уруш фахрийлари номи билан аталган ойконимлар: *Маматжон Тошматов* (Поп тумани), *Жўраҳон Ҳайруллаев* (Уйчи тумани), *Пирматов* (Косонсой тумани, Кукумбой қишлоқ қишлоқ фуқаролар йиғини), *И.Тиллаев* (Косонсой тумани) каби.

3. Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари номи билан аталган ойконимлар: *Собир Раҳимов* (Поп тумани) каби.

Аслида жойларни, жумладан, шаҳар, қишлоқ, шаҳарчаларни киши номи билан аташ ижобий ҳол эмас, чунки бундай номлар ўткинчи. Қисқаси антропоойконимлар турғун номлар сирасига кирмайди, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар таъсирида ўзгариб, алмашиб, йўқолиб кетади. Ўзбекистонда юзага келган истиқлол топонимик сиёсати боис Наманган вилояти топонимик тизимига хос бир қатор антропоойконимларнинг давр руҳига мос номлар билан алмаштирилгани фикримиз далилидир: *Ленинобод–Истиқлол*, *Стаханов – «Шарқ юлдузи»* (Янгикўрғон тумани), *Шверник – Байналмилал* (Минблок тумани), *Қиров – Қатагонсарой* (Тўрақўрғон тумани), *Ленинобод – Хўжабод* (Норин тумани) каби.

Маҳаллий антропоойконимлар худуд тарихи, социал – сиёсий ҳаёти ҳақида ёрқин маълумот берувчи лисоний воситалардир.

МЕТОДИКА

ТАЪЛИМ ОЛИШДА ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИДАН Фойдаланишнинг аҳамияти

*Маҳбубахон СОБИРОВА,
доцент (НамДУ)*

Бугунги кунда интернет бамисоли ахборот ва билимлар уммони. Интернетдаги қулайлик ва енгиллик кўплаб маълумотларга эга бўлишга сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ушбу йўналишдаги саъйи ҳаракатларни янада жадаллаштирди.

Компьютер ва бошқа техника воситалардан, ундаги ахборот сайтларидан тил таълими жараёни самарадорлигини таъминлашда кенг фойдаланиш мумкин. Тил таълимининг босқичма-босқич ўрганилишида компьютердан ўринли фойдалана бориш педагогнинг маҳоратига боғлиқ. Илғор ўқитувчилар дарс давомида ёки бирор мавзу, дарслик бўлими тугагач, ўтилган грамматик қоидаларни яна бир бор хотирлаб, тушунчаларни мустаҳкамлаш билан ўқувчиларда кенг қамровли идрок ва тафаккур кўникмасини ривожлантирар экан, бунда ўқув-техника воситаларидан компьютер ижобий ўрин тутмоқда.

Тузилган тест саволлари, грамматик атамалар, нотаниш сўзлар изоҳи берилган сўзлик кассеталари у ёки бу соҳа узвийлигини таъминлашда энг муҳим кўرғазмали қуроллардандир.

Уйда тарбияланаётган ёки мактабгача таълим муассасаларида эндигина фикрлаш ва сўзлашувга одатланаётган бола билан компьютерли хонадонда ўсаётган бола ўртасида фарқ бор. Компьютерни билган бола ҳар хил ранг, анвойи гуллар, табиат манзаралари, парранда, ҳайвонлар, жонзотлар расмини компьютер воситасида кўриш, турли товуш, хусусан, нутқ товушларини эшитиш ҳамда ўйинларни бажариш имкониятига эга бўлади.

Боғчадаги компьютер ва бошқа кўргазмали ўқув техника куроллари ёрдамида бола фикрлайди, нутқ товушлари талаффузини тўғри ўрганади, равон сўзлайди, натижада сўз бойлиги ортади. Бу босқичда бола мингга яқин сўз бойлигига эга бўлади.

Тадқиқотчи олимлар ва ижодкор ўқитувчиларнинг олиб борган кузатишларига кўра, 1-синф дарслигидан ўқув йили давомида 3969 сўз билан, 2-синф ўқувчилари 2576 сўз билан, 3-синф ўқувчилари 2591 сўз билан, 4- синф ўқувчилари 3967 та сўз билан танишадилар. Тўрт йил давомида ўқувчилар 13103 тага яқин сўзни ўзлаштириб оладилар.

Ўқувчилар билим тушунчаси кенгая бориши, сўз бойлигининг ортишида лингафон, магнитофон, телевизор, видео, ўқув куролларининг алоҳида ўрни бор. Айти пайтда ўқувчиларнинг ўзлаштириши, билим савияси ва сўз бойлигини компьютерда аниқлаб бориш тажрибаси кенг қўлланилмоқдаки, шу тариқа ўқув техника воситаси кенг тарқалган ҳозирги вақтда ўрта маълумотли ёшлар 30-35 мингдан ортиқ сўз ва иборани тушуниш ва ишлатиш қобилиятига эга бўлмоқдалар.

Нутқ фаолиятни ўстиришда компьютердан ўринли ҳамда унумли фойдаланиш имкониятлари мавжудлигини тажрибаларимиз кўрсатмоқда. Дарслардан кейин интернет кафени тўлдириб ўтирган ёшларнинг кўпчилик қисми кидирув сайтларидан мустақил иш, рефератлар учун маълумот излаётганликлари, ундаги янгиликларга бефарқ қарамаётганликларининг гувоҳи бўламиз. Компьютер технологиясидан фойдаланилганда яна куйидаги имкониятларга ҳам эга бўлинади: талаба тасвирларни кўра олади; берилган грамматик машқларни бажаради; тинглаб тушунади; матнларни мутолаа қилади ҳамда ўқитувчи киритган тестлар орқали ўз билимини синаб кўради. Тил ҳодисаларини таққослашда, ўхшаш ва фарқли ўринларини қиёслашда, нутқ ўстиришда магнитофондан ҳам фойдаланиш имкониятлари кўп. Овозни ёзиб олишни ўқитувчи ҳам, талаба ҳам амалга ошириши мумкин. Талаба ўз нутқи қандайлигини билиш мақсадида бирор бир матнни ўқиб туриб, ёзиб олиши ва уни ўқитувчининг иштирокисиз ҳам эшитиши мумкин. Эшитиш давомида нутқидаги нуқсонли ўринларни тез фарқлай олади. Магнитофон тилнинг барча бўлимлари – фонетика,

лексикология, орфоэпия, фразеология, морфология, синтаксис, пунктуация, услубият бўлимлари билан ишлашда кенг қўлланилиши мумкин. Магнитофон ёрдамида нутқий машқлар бажарилади. Бундай усулларни қўллаш тинглаб тушуниш ва сўзлаш малакаларини ривожлантиради.

Таълим жараёнида фойдаланиладиган ахборот манбаларини 3 гуруҳга бўлиш мумкин. Булар: ахборотнинг тасвирий манбалари, ахборотнинг нутқий манбалари ва ахборотнинг нутқий-тасвирий манбалари. Компьютер технологиясидан фойдаланилганда мана шу 3 гуруҳнинг ўзига хос имкониятларини эътиборга олинса, машғулот таъсирчанлиги ва самарадорлиги ошади.

Компьютердан унумли фойдаланиш қуйидаги ишларни амалга оширишни талаб қилади:

1. Монитор орқали мавзуларга оид тестлардан фойдаланиш учун мавзули тестлар тўплами тузиш ва компьютер хотирасига киритиш.
2. Мавзуй лавҳалар киритиш.
3. Мавзуларга оид амалий машқларни компьютерга киритиш.
4. Компьютерда мавзуларга оид луғатлар ёритиш.
5. Мавзулар матнида учрайдиган терминларнинг изоҳли луғатини компьютер хотирасига киритиш.

Янги педагогик технологияга бағишланган илмий-методик адабиётларда ўқитиш усулларининг ўзига хослиги ҳақида фикр юритилмоқда. Бу усуллар инновацион метод сифатида тақдим этилмоқда. Қуйида она тили таълимида қўллаш мумкин бўлган айрим методларни тавсия этамиз:

1. Дидактик ўйинлар технологияси. Унда дарс жараёнида турли дидактик ўйинларни қўллаш орқали машғулотда фаол ҳаракат ташкил қилинади. Дарс жонли бўлиб, талабаларнинг қизиқиши кучаяди;

2. Муаммоли таълим технологияси. Муаммоли вазиятлар яратиш, муаммоли саволлар ташлаш, муаммоли вазиятни ечишга қаратилган муҳокамани ташкил қилиш ҳамда ўқитувчи томонидан хулосаларнинг тўғрилигини тасдиқлаш. Назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида қуйидагича топшириқ бериш мумкин:

матндаги сўзларни қисмларга ажратинг, сўз ясовчи ва шакл ҳосил қилувчи қўшимчалар доирасидаги омоним қўшимчаларни топинг.

3. Текширув-синов дарслари. Бундай дарслар талабалардаги билим кўникмаларни синаш ҳамда текшириш мақсадида ўтказиладиган машғулотлар бўлиб, уларни тест топшириқлари ва бошқа синов шакллари ташкил қилинади.

4. Маълумотлар базаси билан ишлаш. Компютерларнинг асосий вазифаси катта ҳажмдаги ахборотлар оқими билан ишлашдан иборат. Талаба компьютер хотирасида мавжуд ахборотлар базаси билан танишади, керакли ахборотни топади. Ўзи зарур деб билган ахборотни киритади ва уни қайта ишлай олади.

5. Ҳамкорликда ўқитиш технологияси. Бу усулда ўқув топшириқлари биргаликда бажарилибгина қолмай, шу билан бирга талабаларни ҳамкорликда ўқишга ўргатилади. Талабалар ўртасида ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, фикр алмашиш жараёни вужудга келтирилади. Локал ва глобал тармоқлардан фойдаланиш. Дунё миқёсида фан-техникада бўладиган ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотларга, бошқа мамлакат ёшлари билан алоқа ўрнатишга, бошқа давлат ҳудудида жойлашган маълумотлар мавмуасида зарурий ахборотларга эга бўлиш мақсадида интернет тизимларидан фойдаланиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, тил таълими самарадорлигини таъминлашда техника воситаларининг, хусусан, компьютернинг ўрни бекиёслигини тушуниб етиш ҳар бир педагог ва ўқувчининг кундалик эҳтиёжига айланмоғи лозим. Янги педагогик технологияларни таълим жараёнига олиб кириш давр талабидир. Ўқитувчи бундай технологияни пухта билиши, ўрганиладиган тил материалларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уни тўғри танлай олмоғи лозим. Таълим олишда ахборот сайтларидан фойдаланиш мустақил билим олишга, ўтилган мавзулар бўйича малака ва кўникмаларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради.

СТИМУЛИРОВАНИЯ ПОЗНАВАТЕЛЬНОГО ИНТЕРЕСА СТУДЕНТОВ К ИЗУЧЕНИЮ РУССКОГО ЯЗЫКА

*Саодат КАЗАКБАЕВА,
доцент (НамГУ)*

Психологически трудности освоения языка (родного // неродного) лежат в сфере собственно психологической - и в выработке оптимального соотношения у носителей языка двух языковых систем. В процессе обучения русскому необходимо постоянно помнить о реализации принципов доступности и коммуникативности, учитывать явление транспозиции и влияние интерференции. Возникает необходимость подбора специальных учебных материалов, позволяющий эффективно использовать материал с национально-культурным компонентом значения.

В учебном процессе (мы имеем в виду студентов) следует говорить не о формировании интереса, а о его развитии и расширении, о педагогическом руководстве этим процессом. Существует причины, тормозящие развития интереса студентов к дальнейшему углублению своих знаний: во-первых, сказывается несовершенство учебников, учебных пособий и учебных материалов; во-вторых, имеет место использования однообразных, не требующих мыслительной активности приёмов работы, преобладание объяснительно-иллюстративного метода, недостаточность активной речевой практики; в-третьих, дают о себе знать недостатки в организации занятий, отсутствие индивидуального подхода к студентам с различным уровнем подготовленности; в-четвёртых, отсутствует учёт национально-культурных и языковых особенностей аудитории.

При ориентации на развитие познавательного интереса, на наш взгляд, необходимо учитывать этапы обучения. На начальном этапе обучение в вузе доза новой информации сравнительно невелика. Следует не упускать из поля зрения возрастные особенности обучаемых, которые оказывают влияние на формирование профессиональной компетенции.

Поиск стимулов развития познавательных интересов студентов к изучению русского языка – задача первостепенной важности. В педагогической литературе стимул определяется как внешнее воздействие, объективно существующее в действительности. В дидактике методы стимулирования делятся на две группы: 1) направленные на формирование познавательных интересов аудитории; 2) направленные на формирование чувства долга и ответственности в учении. Наша аудитория – это студенты, которые стремятся к овладению языком на более высоком уровне. Поэтому считаем необходимым главное внимание уделять стимулам первой группы.

Формирование познавательного интереса невозможно без развития операционной стороны деятельности. Согласно психологической теории речевой деятельности А.Н.Лонтьева, познавательные умения – это способность активно использовать знания в той или иной области, применять их к различным ситуациям. По мнению многих учёных, речевая практика может стать стимулом развития познавательного интереса при условии осознания учащимися полезности изучаемого языка в жизни, доступности, содержательности, эмоциональности усваиваемого материала, возможности применения своих знаний не только на занятиях, но и в естественной речевой практике.

Как известно, на первом месте в вузе стоят мотивы познавательного плана. В отношении русского языка у студентов-узбеков чётко выражены мотивы его изучения. Они определяются тем, что изучаемый язык является средством овладения специальностью, источником знакомства с литературой и культурой русского народа, средством общения с носителями языка. Эти мотивы достаточно эффективны и стимулирует учебные действия студентов, направленные на изучение русского языка как учебного предмета.

Для студентов коренной национальности, обучающихся в вузах Узбекистана, подобная мотивация недостаточно эффективна. Языком обучения в неязыковых вузах является родной язык, поэтому студенты не осознают и не ощущают острой необходимости в использовании русского языка как средства

коммуникации. В Наманганском государственном университете (НамГУ) студентам был предложен вопрос: «Как часто вы пользуетесь русским языком?». И даны варианты ответов: а) только на занятиях; б) при общении с однокурсниками; в) при общении в других условиях (указать в каких).

Из 58 опрошенных 1 курса около 47% ответили, что говорят на русском языке только на занятиях. Почти 32% студентов пользуются этим языком при общении с русскими и, значит, определённый мотив получения знаний у них присутствует. Не более 21% пользуются русским языком при общении в других условиях, условия эти были указаны («когда мне говорят по – русски, когда выезжают в Ташкент, с друзьями, знакомыми, с соседями»).

Таким образом, мотивы стимулирующие познавательный интерес есть. Они следующие: изучаемый язык средства знакомство с литературой по специальности средства общения с носителями языка, средством общение в семье, с друзьями, в других городах, соседями и т.п.

Процессе обучения русскому языку необходимо помнить о выше названных мотивах и подбирать специальный учебный материал, позволяющий стимулировать познавательный интерес у студентов.

Литература

1. Монтъев А.Н. Деятельность, сознание, личность // избр. психологические произведения в 2 –х томах /Под редакции В.В.Давыдова. – М.: Педагогика, 1983
2. Этнопсихоллингвистика / Ю.А.Соропин, И.Ю.Марковина, А.Н.Крюков и др. – М.: Наука, 1988 – 1992.
3. Габдулхаков Ф.А., Сайдалиев С.С. Этнопсихоллингвистика. - Т.: Фан, 2001.

МУНДАРИЖА

УСТОЗ ҲАКИДА ХОТИРАЛАР 3-19

1. Махбубахон Собирова. Эзгуликка йўғрилган умр..... 3-7
2. Мўминжон Сулаймонов. Исматулла Абдуллаев – тазкирашунос..... 7-10
3. Профессор Исматулла Абдуллаевнинг 1997-2004 йилларда чоп этилган илмий ишлари рўйхати..... 10-12
4. Газеталарда босилган илмий оммабоп ва публицистик мақолалар (1997-2004)..... 13-18
5. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”га киритилган мақолалар..... 18-19

АДАБИЁТШУНОСЛИК 20-104

6. Ҳамиджон Ҳомидий. Чустий бўстони..... 20-25
7. Ҳамидулла Болтабоев. Фарҳод ва Ширин номлари генезисига доир..... 26-32
8. Йўлдош Солижонов. Ижодда аниқлик – маҳорат мезони... 33-37
9. Нусратулло Жумахўжа. Алишер Навоии ижодиётида давлат ва жамият бошқарувининг бадиий талқини..... 38-44
10. Салима Мирзаева. Эртаққа хос анъанавий шартлилик..... 44-47
11. Ҳабибулло Жўраев. Бобур эътирозининг сири..... 48-50
12. Фарида Каримова. Навоий дебочалари бадииятига доир... 50-55
13. Эргаш Очилов. Ўзбекистонда Махтумқули ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши..... 56-61
14. Шавкат Ҳайитов. Комиллик сирлари..... 62-66
15. Рустамжон Тожибоев. Мавлавий Чўбинни биласизми?..... 66-69
16. Тожижон Собитова. Ойбек асарларида фольклор анъаналари..... 69-73
17. Кадир Насыров, Тимур Мамаджанов. К вопросу об адекватности перевода (на материале рассказа Тулкуна «Горный тюльпан»)..... 73-75
18. Абдулхамид Курбонов. Насрий сарлавҳаларда тарди акс ва ружуъ санъатлари..... 75-82
19. Дилфуза Тожибоева. Хуршид Даврон шеърлятида аёл тимсоли..... 82-85
20. Музаффар Аликулов. Сарлавҳа – гапирувчи ном демак..... 85-88
21. Обиджон Каримов. Абдулла Орипов шеърлярида мажозий образ кўринишлари..... 88-91
22. Муаттархон Жўраева. Асқад Мухтор бадиий таржима ҳақида..... 91-94
23. Абдулхамид Курбонов, Дилноза Мадрахимова. Алишер Навоий туюқлари..... 94-99

24. **Озода Болтабоева.** Мулла Йўлдош Хилватийнинг “Қасидаи илм” асарида илм ҳақида..... 99-102
25. **Зохиджон Содиков, Ботиржон Шерматов.** Натан Лайт - кадимги туркий обидалар тадқиқотчиси..... 102-104

ТИЛШУНОСЛИК 105-145

26. **Турсунбой Нуъмонов.** «Оталар сўзи» ибораси хусусида.... 105-108
27. **Хуринисо Усмонова.** Синтактик шаклнинг ички фарқловчи белгилари..... 108-110
28. **Дилором Бобохонова.** Тасдиқ ва инкор гапларнинг услубий хусусиятлари..... 110-112
29. **Носиржон Улуков.** Ранг билан боғлиқ гидронимлар хусусида..... 112-115
30. **Кадир Насыров, Тимур Мамаджанов.** К вопросу о переводе говорящих имен..... 116-118
31. **Мухаббатхон Саидова.** Ўзбек тилида кўмакчиларнинг прагматик табиати..... 118-120
32. **Шавкатжон Абдурахмонов, Муяссар Қўшинова.** Нутқий эмоционал – экспрессивликнинг айрим кўринишлари ҳақида..... 120-122
33. **Махмуджон Мухиддинов.** Бешиқдан қабргача илм изла.... 122-125
34. **Юнусхон Раҳматуллаев.** «Ан-На`им» луғатида атокли отларнинг ифодаланиши..... 125-126
35. **Абдужаббор Омонов.** Матншуносликда когезиянинг ўрганилиши..... 127-131
36. **Иброҳим Дарвишов.** Мингбулок тумани шеваларида товуш орттирилиши ва тушиши..... 131-134
37. **Расима Габдулхакова.** Просторечная и разговорная лексика в произведениях Н.В.Гоголя..... 135-137
38. **Соҳибжон Мпсиров, Фотима Мамашарипова.** Хорижий тилларни ўқитишда интерференция ва транспозиция ҳодисалари..... 137-140
39. **Фарид Габдулхаков, А.Байбулатова.** Роль экстралингвистических средств в речи героев Н.В.Гоголя..... 140-142
40. **Юлдуз Неъматова.** Наманган вилояти антропоойконимлари..... 142-145

МЕТОДИКА 146-152

41. **Махбубахон Собирова.** Таълим олишда техника воситаларидан фойдаланишнинг аҳамияти..... 146-149
42. **Саодат Казакбаева.** Стимулирования познавательного интереса студентов к изучению русского языка..... 150-152

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ МАСАЛАЛАРИ

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний
номидаги Давлат мукофоти соҳиби, филология фанлари
доктори, профессор ИСМАТУЛЛА АБДУЛЛАЕВ
хотирасига бағишланган
илмий мақолалар тўплами*

Компьютерда тайёрловчи: Ш.Умаров

*Босишга рухсат этилди. 27.IV.2009, 156 бет.
13,5 босма табақ. Формати 84x108. Адади 100 нусха.*

